

84 p
У-77


Г. УСПЕНСКИЙ



ҲИКОЯЛАР
ВА ОЧЕРКЛАР

ГЛЕБ УСПЕНСКИЙ

ҲИКОЯЛАР ВА ОЧЕРКЛАР



УзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ. — 1969

Глеб Иванович Успенский (1843—1902 йиллар) капитализм шайхонлигини қоралаб, ғариб-мискин ва маълум халқни ёқлаб чиққан рус демократ ёзувчиси. У ўз асарларида халқнинг ғам-ғуссасини, унинг жабру жафо чекишини тасвирлаган ва шу билан бир қаторда эксплуататорларнинг ваҳшийлигини, жоҳиллигини, хасислигини, мешчан-обивателларнинг ношудлигини, уларнинг қалтабиллигини ҳам ёрқин бўёқларда баён қилган.

РОҲАТИ ЖОН

(Амалдорлар турмушидан)

Куз эди. Кул ранг булутлар сузиб юрар, лой ерга паға-паға қор ёғарди.

Уч деразалик кичикроқ бир уйнинг ланг очиқ дарвозаси олдида қўл ушлашиб икки амалдор турарди.

— Қани бўлмаса, бизникига кирайлик, Семён Кузьмич,— деди улардан бири; унинг эғнида эски шинель бор эди, капюшони остидан коленкор астари чиқиб турарди.

— Билмадим энди, кирсаммикин?— деди ўйчанлик билан иккинчи амалдор.

— Об-бо, сизни қаранг-а! Қани, юринг. Қиттай-қиттай қиламиз, ёмон бўлмайди!

— Қиттай-қиттай бўлса-ку...

— Худо ҳақи; уйимда ҳалигинақа қўлболасидан бор... Қани юринг!

— Ҳа, майли, бўлмаса!

Улар ҳовли томонга юришди.

Кейин кичик бир хонага киришди. Бурчаги ойнали катта қизил рамка ичидаги иконани шамчироқ ёритиб турар, икона устига шипга етгунча қоғозга ўроғлиқ нон ва турли рангда бўялган тухумлар терилган эди. Полга тоза поёндоз тўшалган, деворлар бўйлаб доира суянчиқли бир нечта эски кресло турарди.

— Қани, марҳамат!— деди мезбон ва шоша-пиша чўқиниб олиб, чой ичиладиган хона томон юрди.

Қўшни хонадаги столда самовар қайнаб турарди. Уй эгасининг ўн етти ёшларга кирган тўнғич қизи чой қуяр, қизнинг кампир онаси шу ерда ўтирарди. Шу пайт остонада ота кўринди.

— Кимни олиб келдинг?— деб сўради хотини.

— Семён Кузьмични. Қани бизга чойдан қўйинглар, шам ҳам олиб келинглари! Тезроқ!.. Ҳой, Марфа!— деб қичқирди у оқсочга,— шам келтир.

— Ҳозир олиб келади,— деди хотини.

— Нега бунча кеч қолдинг?— деб қўйди у яна.

— Ҳа энди, кеч қолдик-да... Ирмосни¹ бирам чўзишдики... Охири бўлмаса керак, деб ўйладим...

Шундай деб айтди-ю, лекин қандайдир бир сир уни қийнаётгандай кўринди. У, иккиланиб, эшик томон борар экан, белини силади-да, секингина:

— Белим негадир оғрияпти...— деди.

— Яна черков жиловхонасида шамоллагандирсанда?

— Йўқ... Вой! Жуда оғрияпти! Вой!.. Биз бир рюм-кадан ичсак девдим, кейин закускага бирор нарса берсанг бўларди.

— Сенга закуска баҳона! — деди хотини зарда билан.

— Баҳона эмиш... қаёқдаги гапларни гапирасан-а!

— Йўқ, билиб турибман!..

— Утинаман сендан, жим ўтир... Шундай қилсанг минг марта яхшироқ бўларди.

— Жим ўтир дейсанми? Ҳалиям жим ўтиравериб бурчак жинни бўлиб қолдим.

— Аввал ҳам эс-ҳушинг бутун эмасди! Фирт тентак эдинг-ку!— деб дағал жавоб қайтарди эри ва эшикни маҳкам ёпиб, залга кириб кетди.

Меҳмон ҳам, мезбон ҳам жим ўтирарди.

— Тунов кун Еноховларникига маъракага айтишган эди,— деди ниҳоят меҳмон.

— А! Қирқигами?— деб сўради мезбон.

— Ҳа, қирқиға.

— Қачон айтишди?

— Ўтган кун.

— Ҳа-ҳа. Биз бўлсак Емельян Иванович билан ўша кун Селезнёвларникида ўтиришиб қолдик.

— Ҳўш, қалай ўтди?— деб қизиқиб сўради меҳмон.

— Яхши ўтди. Очигини айтсам, шу даражага етдики, зўрға келдим...

— Ҳе-ҳе-ҳе.

¹ Черковда ўқиладиган муножот. (Ред.)

— Егор Егорич, Никольскийни танийсизми-а? Уша бўлса, мени челаikka солиб қудуққа туширинглар, деб илтимос қилиб қолди.

— Нега энди?

— Азбаройи худо, негалигини сизга айтиб беролмайман...

Мезбон билан меҳмон кулишди.

Нариги хонадан патнусга бир графин ароқ, бир тарелка оқ нон қўйиб оқсоч кириб келди. Ошналар бир рюмкадан ютиб олишди.

Шу пайт олдинги хонада кимдир калишларини тапиллатиб, эшикни ёпгани эшитилди.

— Ким?— деб сўради мезбон.

— Мен!

— А-а!

— Ким экан у?— деди меҳмон қизиқиб.

— Уғлим.

Меҳмон ўзини ростлаб олди.

Хонага сочини мойлаб тараган ялтироқ юз, кўринишидан жуда итоатли ўттиз ёшлардаги йигит кирди.

— Қаерда эдинг?— деб сўради отаси.

Йигит отасининг қўлини ўпиб, меҳмонга таъзим қилгандан кейин:

— Бутхонадайдим,— деди.

— Қани, ўтир.

— Хўп.

— Ароқ ичасанми?

— Йўқ, ичмайман.

— Хўш, одам кўп бўлдимми?

— Асти сўраманг!

— У ерда доим одам кўп бўлади,— деб гапга аралашди меҳмон.

— Шунча кўпки, олма ташласанг ерга тушмайди.

— Ҳа-ҳа!..

— Шундай. Бугун архиерей қўшиқчилари икки хор бўлиб Бортнянскийнинг „*Тангрига шон-шарафлар бўлсин*“ қўшиғини айтишди. Мен сизга айтсам, дадажон, йўгон товушли қўшиқчилар шундай айтишдики, деворлар зириллаб кетди.

— Худди шундай, деворлар зириллайди,— дея гап қотиб қўйди меҳмон.

— Томоқлари йиртилиб кетмаганига ҳайронман,— деб йигит ўйланиб қолди.

Чой келтиришди.

— Ҳой, Соня!— деб чақирди отаси,— ромдан йўқ-ми?

Қўшни хонада она билан қиз ивир-шивир бўлиб қолди.

Она диққат билан қулоқ солиб:

— У ёққа бир қулоқ сол-чи, нимадир дейишяпти,— деди.

— Ром сўраяптилар,— деди қизи.

— Йўқ-да, боя шу пияниста билан ичиб қўйишди-ку.

— Ром йўқ экан,— деди қиз, залга кирадиган эшик-ни қия очиб.

— Бўлмаса, бирор наливкадан йўқми? Бир қаранг-лар-чи...

— Наливкадан берармишсиз,— деди қиз онасига.

— Эшитдим,— деди зарда қилиб кампир.

— Ойимнинг олдиларига кириб чиқсам,— деди ўғли ижозат сўрагандай.

— Майли!

— Кўрдингми, туппа-тузук одам бўлиб қолди,— деди отаси чиқиб кетаётган ўғлига боши билан ишора қилиб,— очигини айтсам, мен сира кутмаган эдим.

— Қўйсангиз-чи!

— Рост гап: ҳеч кутмаган эдим, одам бўлмайди деб ўйлардим. Бўлмаса, мен сизга айтиб қўя қолай,— стол-га яқинроқ жойлашиб деди у,— у мени адо қилаёзди!

Мезбон савол бергандай меҳмонга тикилди.

— У бошимга шундай кулфатлар солдики, асти қў-яверинг: мен уни мактабни тамом қилиши биланоқ хиз-матга жойлаб қўйдим. Мактабда яхши ўқиди: диний дарслардан беш олиб келди, бошқа фанлардан ҳам... худога шукур, ёмон баҳо олган эмас! Тўғри келганда бошлиқларидан ҳам: иши қалай, деб суриштириб қол-сам, ҳаммалари: «Худога шукур, ёмон эмас!» дейиш-япти. Шундан кейин биз ҳам хотиним билан: «Унақа бўлса, худога шукур, иши тузук экан!» деб қўямиз. Хуллас, умуман олганда, фандан ҳам, ҳуснихатдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам нолимайман, ёмон бўлмади! Фақат шу нарса борки, у ёшлигида жуда бўш, нимжон эди. Бунга беҳуда боқамиз шекилли, деб ўйлардим. Мен уни ўзим ишлайдиган бўлимда ишга жойлаштириб қўй-дим. Энди менга қаранг, нима бўлди денг? Бир маҳал туғилган куним эсланаётганда менга бир косача олиб

келди. «Мана, дадажон, мендан арзимас совға, қабул қилғайсиз» деди. «Бунинг дуруст-ку, дейман, пулни қайдан олдинг?»—«Қўлимдан келганча меҳнат қилдим» дедида, гангиб қолди. Ана шунда мен гап нимадалигини пайқаб, хурсанд бўлдим, отасига моддий томондан кўмаклашмоқчи экан, деган хулосага келдим. Дарҳақиқат, справка учун ёки бошқа бирор майда-чуйда нарсаси учун нега олмасин? Олавер! Ҳа, майли; фақат шуниси борки, нари ёғи нима бўлади? Бир куни идорага гурьевлик бир мужик келиб эди. Биз ўша билан идора даҳлизида туриб, иккаламиз гаплашяпмиз. Қарасам, ўғлим келяпти, бизга бир кўз ташлади-ю, ёнимиздан ўтиб ҳам кетди. Бирпасдан кейин мен ҳам жўнаб қолдим. Орадан бир соатча ўтар-ўтмас, ҳалиги мужикни кўрмоқчи бўлиб чиқиб эдим, ҳар ҳолда озгина бўлса ҳам оламан-ку, деб ўйлаб эдим, қарасам, рўпарамдан ўғлим чиқиб қолди. «Ҳа, қаёққа»—«Ҳеч ерга эмас. Сиз-чи, гурьевлик мужик олдига бораётганингиз йўқми?» деди. «Борсам нима қилти?»—«Ўзим,— деди,— агар унинг олдида бормоқчи бўлсангиз, бормаи қўя қолинг: мен ундан олдим» деди-я! Ундан олдим, дейиши билан мен қотиб қолдим. Бу қанақа гап ахир? Отаникини ўғил оладими?—«Вой, хумпар-э, қандай журъат қилолдинг?» десам,—«Кечирасиз!» деди.—«Қанча олдинг, муттаҳам?» деб сўрасам,—«Бир сўму қириқ тийин» деди ярамас.—«Бу ёққа бер, ифлос» деган эдим,—«Дадажон!» деб йиғлаб юборди, раҳмим келди. Мен унинг чаккасига шапалоқ тортиб юбордим-у —«Йўлимни тўсма, ўз билганингни қил-у, аммо отангга сира-сира халақит берма, шу нарсаси ёдингда турсинки, отани ҳурмат қилиш керак» дедим. Хўш, жуда соз; орадан яна бир-икки кун ўтиб, яна худди шундай воқиа юз берса бўладими? Бирпасдан кейин — яна. Шундай қилиб, такрорланаверди! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, роса бир ой ҳар куни ҳеч нарсасиз қайтиб келавердим. Бу нима деган гап ахир, деб ўйлайман ўзимча, иш бунақа бўлаверадиган бўлса, худо ўзинг ярлақа, пировардида бир бурда нонсиз қолиш ҳам ҳеч гап эмас! Нима, бу ярамас мени очдан ўлдирмоқчими ўзи? Ниҳоят, чидамадим, чақириб олдим-да: «Идорамиздан йўқол!» дедим унга.—«Нима учун?» дейди-я! —«Шунинг учунки,— дейман,— сени кўргани кўзим йўқ, кўзимдан йўқол!»—«Дадажон, афв этинг!» деб кўрди. «Нимани афв этаман,— дейман,— қани, менга айт-чи,

дейман, нахот мени очдан ўлдирмоқчи бўлсанг?»— «Афв этасиз, дадажон, мумкин бўлса!»— «Йўқол, йўқол,— дейман,— касалман деб ариза бер»— «Дадажон, мен бу ерга ўрганиб қолганман-да» деганидан кейин, анграйиб қолдим!— «Учига чиққан ярамас экансан-ку,— дейман,— мен бу идорада ўттиз беш йилдан бери ўтирибман ахир, ўтиравериб уч дюжина¹ стулни ишдан чиқарганман; буларнинг бари менга маълум!»— «Менга ҳам маълум!» деди хумпар. Тоза қийналдим. «Хоҳлаган жойингдан олавер,— дейман,— менга халақит бермасанг, бас. Менинг ишимга аралашма!.. Менга озор берма! Нима бу, худди шайтондай, оёқ остида ўраллашиб юрибсан. Мени аҳмоқ қилма!» Йўқ, ҳеч нима чиқмади!— деди мезбон, қўлларини ёзиб, кейин бурнаки отиб қўйди.

Таажжубланиб ўтирган меҳмон, оғзини очиб, бошини чайқаб қўярди.

— Ана шунақа, дўстим. «Йўқ, менга бу жой маъқул. Ўрганиб қолдим» дейди. Нима қилай? Ўйлаб, ўйлаб, ниҳоят, бошлиғимизга, бирдан-бир ўғлим мени сиқяпти, бинобарин сиз жаноб олийларидан, қариган кунимда кўз ёшларимни тўкиб илтимос қиламанки, уни ҳайдаб юборсалар, деб ариза бердим. Ҳайдаб юборишди! Бир йил мобайнида юзини кўрмадим. Фақат бир кун пасха байрами арафасида собор черковида кўриб қолдим. Эғнида ажойиб почапўстин! Мен индамай турибман. Мана черковдан одамлар чиқди, мен черков айвонида турибман, қарасам, унинг олдида фойтун келиб тўхтади! «Янги жойга ҳам ўрганиб қолган кўринади-ку» деб ўйладим. Орадан бир оз вақт ўтгач, раскольниклар слободасига алоҳида вазифаларни бажарувчи амалдор бўлиб тайинланибди, деб эшитдим. «Қани, қани, яна нималар бўлар экан» деб ўйлайман ич-ичимдан.

Шундан кейин меҳмон ҳам, мезбон ҳам ёш амалдорнинг шон-шавкатига таажжубланганларини изҳор қилишди.

— Орадан бир ойча ўтгандан кейин от бозорида кўриб қолдим, йигитим бир айғирни сотиб оляпти, ёғочтахталарнинг нарх-навосини суриштиради. Бир кун эрталабки ибодатдан қайтиб келиб, уйимда ўтириб эдим. Шу пайт менга бир хат келтириб беришди. Ўқиб

¹ Бир дюжина — ўн икки дона (Ред.)

чиқдим: «Шафқатли падари бузрукворим!» деб бошлабди. «А-ҳа!»— деб ўйлайман... «Сизни қандай аташ-ни анча ўйладим ва, ниҳоят, ота деб атамоқчи бўлдим» дебди. Хатнинг охирига кўз ташладим: «Фарзандингиз фалончи» деб имзо чекибди. Хатнинг давомини ўқидим. Кечирим сўрабди. Ўйлаб-ўйлаб, унга зарда қилиб, нима қилдим деган хулосага келдим-да, ўзим ҳам қуйидагича ёздим: «Ўғлим! Модомики сен мени ота деб атар экансан, мен ҳам сени ўғлим деб атайман», тагига: «Отанг» деб имзо қўйиб, хатни жўнатдим. Ўзи ғирллаб келиб қолди, мени уйига олиб кетди. Қарасам, жуда турмуши яхши. Уйида қандайдир бир ойимча ҳам юрибди. «Булар ким бўлади?» деб сўраб эдим.—«Булар эса...» деди-ю, довдираб қолди. Мен-ку, ким эканлигини дарров фаҳмлаб олдим ва кулимсираб: «Ҳечқиси йўқ» дедим,—«Ҳаммамиз ҳам гуноҳдан ҳоли эмасмиз» деб унга таскин бердим.

Меҳмон иржайиб қўйди.

— У менга овқат қилиб берди. Ажойиб яхши овқат: қайнатиб пиширилган, ўн беш вершок, балки бир газ келадиган стерлядь балиқ. Ҳа-а-а! Ичкиликдан ҳам бўлди, албатта. Сал қизишиб олганимиздан кейин, мени унинг гўзалини чақириб, ярим сўм чўзган эдим. Ўғлим хафа бўлди!

— Хафа бўлдимиз?— деб сўради меҳмон.

— Хафа бўлди! «Дадажон, деди, наҳотки мен ўзимнинг хирсу ҳавасларимни қондира олмасам?..» деди-я. Ҳе-ҳе-ҳе!

Меҳмон ҳам қотиб-қотиб кулди, аммо шу ондаёқ чуқур бир нафас олди-да, ғамгин қиёфада бошини сарак-сарак қилиб:

— Ўҳ, бу болаларни айтаман! Бошимизга не-не кулфатларни солмади! Менинг ҳам ўғлим бор. Фақат мен сизга айтсам, бунақа ҳайвоннинг яна бошқа бир нусхасини қанча қидирсанг ҳам топиб бўлмаса керак.

Меҳмон бурун паррагини кериб, кўзларини чақчайтириб мезбонга тикилди.

— Ҳа-а,— деди меҳмон,— дунёда нусхаси кам топиладиган ҳайвон-да! Адабсиз, қўпол, динсиз. Индамай, китоб ўқигани-ўқиган. «Нега индамайсан?» дейман. «Нима деяй» дейди-я! Башарасига бир соламан. Фақат бўзариб ўтираверади! «Мана сенга, нима деяй, отанг билан қандай гаплашиш кераклигини билиб қўй». Йўқ,

эпақага келмади! Бир кунн овқат еб бўлганимиздан кейин чўқинмади. «Нимага чўқинмайсан?» дейман. «Мен, дейди, шундай, истамайман». «Мен сени майиб қилиб ташлайман» дейман. «Мен ҳам сени майиб қиламан...» деди-я!—«Ҳой, инсофсиз, мен отанг бўламан ахир!» десам,—«Мен ҳам ўғил бўламан!» деди. Мен ўшанда унинг сочидан ушлаб, тит-питини чиқариб юбордим, чидаб туrolмадим!

— Чидаб бўладими ахир!

Орадан бир-икки соатча ўтгач, меҳмон зўрға юриб зинапоядан тушди. Қўлига шам ушлаган мезбон дам ўнгга, дам чапга чайқалиб, шу ерда турар, қизи эса уни енгидан тутиб турарди. Мезбон ҳам, меҳмон ҳам ғўлдираб гаплашар, аммо нима деётганларига тушуниб бўлмасди.

Қўча қоронғи эди.

ВСЕСВЯТСКОЕ ҚИШЛОҒИДА САИЛ

Всесвятское қишлоғи. Зафар дарвозасидан тўрт чақирим нарида — Петербург тош йўли ёқасида жойлашган. Бу қишлоққа, авлиёлар исми билан аталган шу ердаги эски черковнинг номи қўйилган.

1598 йилда швед шахзодаси Густав Москвага, Борис Годунов саройига келаётганида Авлиёлар қишлоғи деб аталган шу Всесвятское қишлоғида кутиб олингани солномада зикр қилинади. Иверия (Грузия) Россия ҳимояси остига ўтганидан кейин Всесвятское қишлоғи истиқомат учун имеритин подшоларининг Москвага келган баъзи бир авлодлари ихтиёрига берилади. Қўчиб келганлардан малика Дарья Арчиловна 1736 йилда, ҳозиргача қад кўтариб турган ғиштин черковни барпо қилиб, бу черковни ҳам барча авлиёлар номига бағишлаган. 1812 йилда Всесвятское черковини французлар поймол қилиб, отхона қилишди. Черков қурилган пайтдан бошлаб унда бўладиган ибодатларни грузин руҳонийлари ўтказиб келдилар. Имеритин подшоларининг авлодлари: князь Дмитрий Егорович ва унинг қизи Марья Багратион, князь Дмитрий Павлович ва князлардан Михаил ва Пётр Дмитриевичлар ҳамда княгиня Елизавета Михайловна Цициановалар ўша ерда дафн қилинганлар.

Рус шаҳар ва қишлоқларининг ҳамма жойида черков байрами кунларида турли ерлардан меҳмонлар келиши азалдан расм бўлиб қолган, бу расмга ҳозирги вақтда ҳам озми-кўпми риоя қилинмоқда. Всесвятское қишлоғида ҳам барча авлиёлар кунини байрам қилиш ана шунақа қадимдан қолган бир расм бўлса керак.

Бир замонлар Москва зодагонлари ҳам диндошлари грузинлар билан биргаликда байрамни ўтказиш учун шу ерга келишган. тушки овқатдан кейин эса фойтунда сайр қилганлар. Кейинчалик Москва аҳолисининг бошқа табақалари ҳам байрамга кела бошлаган. Ана шундай қилиб, Сокольникида — биринчи майда, Марья ўрмонида Семик¹ кунда ўтказиладиган сайилларга ўхшаш, бу ерда ҳам сайил ўтказиладиган бўлиб қолган. Бундай сайил Пётр парки очилган маҳалгача ҳар йили давом этган. Пётр парки очилгандан кейин эса Москва зодагонлари, улар кетидан бошқалар ҳам ўша Пётр паркига қатнайидиган бўлиб қолишди. Всесвятское қишлоғида эса, оддий халқ сайил қиладиган бўлибди. Ўтган якшанба куни мен ўша сайилни бориб кўрмоқчи бўлдим.

Соат иккида мен Всесвятское йўлига тушиб олдим. Аравада ўтаётганимда Москванинг чекка кўчалари тобора кўпроқ хилват уезд шаҳарини эслатар, баъзи тор кўчаларда эшитилиб қолган оддий рессорли араванинг шалдираган овози эса ўтмиш даврларни ёдга туширарди: баъзи деразаларнинг пардаси бирдан очилар, аллакимнинг қўллари, ёмғирдан шишиб кетган дераза рамларини жон-жаҳди билан очишга уринарди; анча йўл босганимиздан кейин шаҳардан чиқаверишда, кимнингдир деярли гавдасининг ярмини деразадан чиқариб, диққат билан ўнг-сўлга алаңлаганини кўрдим. Итлар дарвоза тагига ўзларини жон-жаҳди билан ташлаб, тумшукларини тиржайтириб вовиллашарди; афтидан улар бу воқиа муносабати билан обдан акиллаш керак дегандай эди. Бу жойларнинг ҳувиллаб туришига қарамай, қовоқхоналар ва шаробхоналар сони жуда ошиб кетибди. Назаримда, ичадиган одамнинг ўзи ҳам йўқдек, ҳолбуки, қовоқхоналар тобора кўпайиб, ниҳоят, қайси уйга кўз ташламанг, ўша қовоқхона эканлиги маълум бўлди. Афтидан, бу аҳволнинг ўзига яраша бир сабаби бордир, аммо мен у сабабларни бу ерда текшириб турмайман.

Москванинг охириги тор кўчаси орқада қолиб кетди, энди фойтунизмизнинг ғилдираги Ходинкадан думала-

¹ Пасхадан кейин етти ҳафта ўтганда пайшанба куни ўтказиладиган халқ сайили. (Ред.)

моқда. Дала. Ҳар томонга қараб кетган сўқмоқ йўллар оқариб ётмоқда. Шаҳардаги қўнғироқхоналарнинг зарҳал қуббалари узоқдан ярқираб кўринмоқда. Соф ҳаво, ажойиб очик кун — қандай соз-а!

Йўлда нарироқда якка-ёлғиз от ўтлаб юрибди. Фойтун овозини эшитгач у калласини юқори кўтариб қўйди-ю, тушовланган оёқларини дукиллашиб, ўтлоқдан юриб кетди. Иккинчи томондан мужик аравалари кетяпти, юксиз бир арава бошқалардан сал орқада қолди; арава ичидан бир мужик сапчиб турди-да, тизгинни силтаб, шундай ҳуштак чалиб юбордики, бу ҳуштак кишига мусаффо дала ва танҳоликни эслатди. Шундан кейин от ҳам майда қадам билан йўртиб кетди... мужиклар ўтиб кетишди. Кўз олдимда яна бепоён дала... Ғуввос пашша учади, ўзини думи билан тинмай муҳофаза қилаётган, пишқираётган ва кетинги оёқлари билан депсинаётган отимизни пашшалар таъқиб қиладилар.

— Об-бо пашшалар-эй! — деди извошчи, юзидан пашшаларни ҳайдаётиб.

— Қаёқдан бу, билмайсанми? — деб сўрадим.

— Пашшалар қаёқдан дейсизми?

— Ха.

— Ўрмондан бўлса керак-да.

— Ўрмондан деганинг қанақа бўлди?

— Ўрмонданлиги аниқ. Ўрмонда ифлос-ахлатлар йўқ дейсизми? Энди, мисол учун, ҳув анави эман дарахтини олайлик; чунончи эман...

— Хўш?

— Уша эман дейман, — тоғтерак ҳам... қарағай... Ё бўлмаса ёнғоқ дарахти, — қизлар ёнғоқ қоққани боришади.

— Борса нима қибди?

— Демак, ўша ерда ҳар хил бўлмағур ишларни қилишади-да... Уша ўрмонда.

— Хўш, энди пашшалар-чи, улар нимадан пайдо бўлади?

— Қайдам... Худо билади-да.

Жимлик чўкди. Гилдираклар яна тақиллай бошлади, тош йўлга чиқиб олди. Ёнимиздан араваларнинг устига чипталар ёлган бутун бир карвон ўтиб борарди, ранг-баранг дугалар силкина, чанг босган катта-катта гилдираклар астагина айланар, боқилган отлар сайр қиладётгандай бўлиб келарди. Араванинг шотисига қў-

шилган баъзи отлар, пайтдан фойдаланиб олдинги араванинг саватидан бир тутам пичан юлиб оларди.

Олдинги араванинг чиптадан қилинган соявони остида кўк жилетка кийган бир мешчан этигининг тагчармига ўнтача мих қоқилган оёғини ташқари чиқариб, ёнбошлаб олган. бу михлар офтобда ярқираб кўринарди. Мешчан бошини кўтариб, уйқули кўзларини ўткинчиларга бир ташлади-да, бир оёғини салгина қимирлатиб, яна ёнбошлаб олди.

Ўрмоннинг нари ёғида черков кўриниб турибди. Бу Всесвятское қишлоғининг черкови. Йўлда маст одамлар учрамоқда, уларнинг баъзилари қайтиш йўл машаққатларини чекмай, ҳар хил қиёфада даланинг турли жойларида чўзилиб, ўликдай ухлаб ётишибди, бу эса Всесвятскида шод-хуррамлик барвақт бошланганидан дарак берарди. Даланинг ва у ердаги маст одамларнинг умумий кўриниши жанг майдонини тасвирлаш учун мавзу бўлиши мумкин эди.

Бир замонлар ўрмон ичида жойлашган Всесвятск қишлоғининг ҳозирги аянч кўриниши — дунёда ҳамма нарсга бебақолигини эслашга мажбур қилади, холос. Ўрмондаги дарахтларни кимдир кеса бошлабди, диккайиб турган дарахт тўнгалари ва саржин-саржин қилиб тахланган ўтинлар онда-сонда кўриниб турадиган бу ялангликка қараш ачинарли. Шаҳар ташқарисидаги бир маҳаллар гуриллаб турган қовоқхона энди эски, шундай уйлардан бирики, бу уйлар қадимги боёнларни эсга туширар; ўтмишни ҳаққоний қойиб, унга марсия ёзишга илҳомлантирарди. Қовоқхонанинг ҳувиллаган хоналарида икки-уч кишидан ортиқ одам йўқ—ҳамма ёқ жимжит. Боғча томонга очилган эшикдан қандайдир қушчанинг чириллаётгани, дарахтларнинг шувиллаши ва кимнингдир чапанчасига жуда ёмон сўзлар билан бўралаб сўкинаётгани эшитилиб туради.

Сайил черков билан ўрмон ўртасидаги кичикроқ пастқам майсазорда ўтяпти. Бу ерда ширин кулчалар сотадиган палаткалар очилган, палаткалар атрофида болалар гавжум. Сойга солинган кўприкчага бориладиган торгина, чанг босган йўлканинг ҳар икки томонида хилма-хил, ҳавасни келтирадиган вивескалар осифлик майхоналар жойлашган. Чунончи бу вивескаларга деярли ўзи барабар келадиган катта қадаҳ ушлаган мужикнинг сурати солинган, суратининг тагига эса:

«Жаноблар! Мазалик пиво!» Ёки лўндагина қилиб: «Маъмурчилик! Омон бўлинг. Кўришгунимизча!» деб ёзиб қўйилган. От ўйин гичиллаб айланмоқда; унинг бузоқ териси қопланган отчаларининг титиғи чиқиб кетган эди.

Тош йўлдан икки мужик ўргатилган айиқни занжирда олиб келяпти; айиқ бирдан икки оёғини кўтариб, қаддини ростлаб, эгаси кетидан катта-катта қадам ташлаб кетди. Бунини кўрган томошабинлар ҳар томондан югуриб келиб тўпланишди; тез орада айиқ атрофида давра қурилди. У ерда дўмбира овози чиқди, айиқ етакловчининг:

— Қани, Айиқвой, аёллар мужикларни қандай меҳмон қилишини бояр жанобларга бир кўрсатиб қўй-чи,— дегани эшитилиб қолди.

Айиқвой ўз ҳунарини моҳирлик билан кўрсатаётган бўлса керак, даврадагилар қотиб-қотиб кулишди.

— Об-бо, хумпар-э!

— Жуда боппаяпти-ю! Худди ўзи-я!

Томоша тугади, томошабинлар бир офатдан қочгандай, четга қочишди. Сал нарироқда бошқа бир туркум одамлар тўпланибди. Бу ерда аллақандай итлар ўйин кўрсатапти. Уч шарманкачи айни вақтда уч хил машқни чалаяпти, шарманкаларнинг қаттиқ овозидан, атрофдагилар, бир-бирлари билан бақириб гаплашишга мажбурлар.

Ҳамма жойда солдатлар, сарафан кийган аёллар, ишчилар, оддий деҳқонлар тикилишда бир-бирларини туртишиб юрибди. Уларнинг ранг-баранг кўйлаклари, сарафанлари, бошларига ўраган рўмоллари кўзни қамаштиради. Онда-сонда аёллар зонти, эскириб кетган бурмали кенг юбка кўриниб қолади. Ана оломон орасидан қизил сарафан кийган бақувват бир аёл чиқиб, ўрмон томон юрди; унинг кетидан бошига кепи¹ кийган солдат борапти.

— Ариша-а! —деб қичқирди унга бошқа бир аёл.

Бораётган аёл ўгирилиб қараган эди:

— Эҳтиёт бўл, деяпман! — деди ҳалиги аёл.

— Ҳа, бўпти! — дейди Ариша ва кетаётиб бошига катта рўмол ўраб олди; унинг рўпарасидан шамол турапти, этаги ёқаларига ёпишиб, орқа этаги ҳилпираяпти.

¹ Бир хил ҳарбий фуражка. (Ред.)

Ариша билан солдат ўрмонга кириб кетди.

Сайил қилиб юрганлардан салюқориқда, чодир билан ўралган ва бурчакларига қизил байроқчалар тикилган қовоқхона турибди. Қовоқхонада ҳали одам кам; бир солдат билан икки мешчан энди ича бошлаган эди. Ҳурпайган сочли нимжонгина бу митти солдат қаҳратон совуқда жунжикиб қолган чумчуққа ўхшайди; у секингина чоракта ароқ ва иккита тухум талаб қилди, нонни тугунчасидан олди. Солдат ва унинг ўртоғи кичик стаканчадан ичиб олганларидан кейин, анча гача туфлаб, кўзларини юмиб, қаттиқ қийналиб юзларини буриштириб ўтирди. Кейин солдат гап бошлаб юборди.

— Ҳозирги ароқ илгариги ароқлардан анча яхшида! Кўп яхши! Мазасини айтмайсанми!

Шундан кейин солдат тупуриб қўйди.

— Шундай!— дейди ўртоғи унинг гапини маъқуллаб.

Кейин иккаласи ҳам индамай кавшай бошлашди.

Мешчанлар ўртасида эса шундай гап борарди:

— Шунақа иш бўлиб қолди. Евсюхинларникида ўтиришган эдик; уйимга қайтай деб йўлга чиқдим. Кечаси соат иккидан ошган эди. Уйга кетяпману, рафиқамни тинчитиб қўйиш керак, хотиним-ку ахир, деб ўйлайман.

— Бўлмаса-чи! Хотининг, албатта.

— Ҳа. Бир амаллаб уйга етиб олдим. Бош гаранг, ҳеч нима кўрмайман. Нима бало бу! Пайпаслаб ўрсам — қўлим юмшоқ бир нарсага тегиб кетди, ҳеч нима тушунмай қолдим, оқсочимиз Марьянинг супачада ухлаши эсимдан чиқибди. Нима эканлигига ҳеч ақлим етмайди. Марья: «Вой дод! Қорнимни босишди! Дод!» деб бақиргандан кейингина ўзимга келиб қолдим.

— Ҳе-хе-ҳе-ҳе!

— Нега бунча бақирасан!— дейман. —Етоқхонага ўтмоқчиман. Эшик берк, тўсиқдан ошиб ўтиш керак. Умивальник устига чиқиб оламан-у, кейин стулга оёғимни қўяман, деб ўйладим. Аттанг, оёғим сирғаниб кетса борми! Умивальникка мингашиб қолдим, у узилиб тагидаги тосга, тос эса полга тарақлаб тушиб кетди. Даҳша-а-ат! Эрталаб хотиним туриб кўлмакни кўриши билан, бу болалардан келган бўлса керак деб ўйлади-да, биттасини сочидан ушлаб олиб, тавба қилдим, де, тавба қилдим де, деб қичқирди.

Оғайнилар хандон ташлаб кулишди, кейин индамай чой ичишди.

Илма-тешик калта пўстин, чакмон кийган бир тўда мужиклар, кийимларини қитир-қитир қилдириб стол атрофига ўтиришди. Мужикларнинг кайфи бор эди.

— Митрай, рўпарамга ўтир, рўпарамга.

— Утираман, Яков Антонич.

— Шунақа. Мана шу ерга, рўпарамга, деяпман.

— Раҳмат, қуллуқ.

Бирпасдан кейин:

— Лешоша!—деган овоз эшитилиб қолди.—Менинҗи гапим шу: нима учун бизлар барбод бўлиб кетяпмиз? Лешоша ўқрайиб полга қаради.

— Нима учун, дейман, ҳалок бўламиз? Ҳаммамиз ўлиб кетамиз!

— Ҳаммамиз! Адо бўлдик деявер!

— Хайр! Алвидо, ёр-биродарларим!

Малай эғнига парусин пальто кийган бир дачникка¹ ёнаётган гугуртни тутат туриб:

— Бу халққа ҳайронман-да,—деди истехзо билан,—салгина ичиб олдим, дарров ўлим ҳақида гап бошлайди, барбод бўлдик, ҳалок бўлдик, бизларни сўядилар, жабр қиладилар дейишади. Бутун билган гаплари шу.

— Йўқ, шошмай тур! Ўлса—ўлигидан оламиз!—деб бақиради Яков Антонич, мушти билан столга уриб.

— Оламиз, албатта!

— Йўқ дейсанми? Ўлсак ҳам олмай қолмаймиз! Бошлиқлар олдига борамиз. Нима қибди! Ё бўлмаса бизлар.

— Ҳазиллашяпсан... э-э-э...

— Мен сенга шошмай тур, деяпман!—деди Лешоша. У кўзларини сузиб, папиросини икки қўллаб тутганича, шеригидан чекиб олмоқчи бўлади.

— Ҳой, менга қара, сен нима бердинг менга?—деб бақиради дачник.

— Коньяк.

— Коньяк дейсанми?

— Ҳа, коньякнинг ўзгинаси.


— Ўчқоқ!

— Нима десангиз — майлингиз.

— Ҳа, майли, худди шундайсан!

Ҳали ичмаган бир мужик, бир стакан ароқ ютиш

1 Барбоғ олиб чиққан киши. (Ред.)



ниятида пештахта олдида туриб, ёнидаги бир йигитга отларини қандай олиб кетганларини гапиряпти.

— Қандай моллар эди-а! Худо ҳақи, гуринсклик бой жийрон отимга икки юз сўм бериб эди! «Митька, бунақа отда сен юрмасанг ҳам бўларди!» деди. Хуллас, шундай осилиб олдики, асти қўявер! Йўқ, унамадим... Сотиб нима қиламан; худога шукур, муҳтож эмасман-ку, ана шунда...

— Кеккайиб кетган экансан-да!

— Рост, рост!

— Қандай олиб кетишди?

— Қандай бўларди? Шип-шийдам далада бирдан хужум қилиб қолишди-да: «Қани, аравадан туш-чи, дўстим!» дейишди. Қўлқопимни, қамчинимни, хуллас ҳамма нарсамни шилиб олишди. Қалпоғимни ҳам олишмоқчи эди-ю, биттасига раҳмат, менинг ёнимни олиб: «Йўқ, қалпоғини бер, бўронни кўрмайсанми (бу воқиа масленица байрами олдидан бўлди).— Қалпоғини ўзига бер, бўлмаса совқотиб, ўлиб қолади: худо олдида гуноҳкор бўласан» деди.

— Ҳали шундоқ дегин!

Бирпас жимлик чўкди.

— Чоракита!— дейди солдат, пештахтага беш тийини ташлаб.

— Хўп, Ҳозир бўлади.

— Оқ идишда берасан-да!

— Йўқ, беролмаймиз.

— Нима деганинг бу? Бу ерга биринчи марта келишимиз эмас-ку! Биза, худога шукур, мулла бўлиб қолганмиз!

— Нима дейсан, кавалер, бизга ҳам сал-пал чой пули керакми, ахир, ё йўқми? Лоақал бир тийин қўш, шунақа бўлсин; ҳозир даромад деган нарса борми ўзи: кунига бори-йўғи бир челақ ароқ сотяпмиз...

— Нима, бизга пул писандми!— деди солдат қизишиб.

— Ҳали, шунақа дегин!

— Иван Егорович, қўйсанг-чи,— деб чийиллади солдатга шерсть капот кийган бир киши,— майли, гапираверсин.

— Қизиқсан-а, ўзинг! Гапираверсин эмиш. Униси ҳам, буниси ҳам гапираверадиган бўлса, бир кунда бўйнингни суғуриб олишади-ку!

- Худо ҳақи, қўй дейман!
- Ҳой, кавалер, унча қизишманг.
- Йўқ, мен сенга кўрсатиб қўяй-чи.
- Кўрсатиб бўбсан!..

Солдат сўкиниб пештахта олдидан жўнайди.

Бояги дачник:

— Сен ҳали буни ром деб атайсанми?— деб яна баққиб қолди.

— Ромнинг худди ўзгинаси.

— Мен сенга яна қайтариб айтаманки, демак, сен аблаҳ экансан.

— Бекор бунақа деяпсиз, жаноб.

— Беш рюмка ичдиму, бирон кайфи йўқ, сувнинг ўзгинаси. Бир штоф тозасидан бер.

Тез орада дачник жим қолди.

Парусин мата орқасидан чирманда ва шарманка овози эшитилляпти. Аллақандай аёллар чўзиб-чўзиб ашула айтишляпти:

Ёрим келар далада-а-а-н...

Черкес либоси кийга-а-а-н...

Уч юз турар қалпоғи-и-и...

Беш юз сўмдир шинели-и-и...

Сал нарироқда пахтали жилет кийган сариқ сочли бир мужик балалайкани эшитилар-эшитилмас чалиб ўтирибди; у стул тагига оёғини суқиб товони билан депсиняпти. Унинг анчагина кайфи ошиб кетган, шериги эса жўр бўляпти:

Вой, бойвуччам, дод, войдод,

Севиб қолди мени азамат йигит..

Ашулачи тўхтаб қолади, балалайка чалиниб турибди, ашулачи йигит яна бошлаб юборади:

Қучоғига мени олди-ю,

Супачага келтириб қўйди...

— Эҳ, унақа-ю, бунақа-а-а,— деб чўзиб-чўзиб, товушини қалтиратиб айтади ингичка овозли йигит; шу орада аллақандай кишилар баланд овоз билан унга жўр бўлишди, шод-хуррамлик авжига чиқди.

Икки қўлида чойнак ушлаган қовоқхона хизматкорлари изғиб юришади, ҳамма ёқдан ашула овозлари янграйди; баъзи бировлар қучоқлашиб, қаттиқ-қаттиқ

ўпишиб, бирпасдан кейин эса ёқалашди.. Кўчада ёмғир томчилаши биланоқ, одамлар ҳамма эшикларга ёпирилиб кирди, булар орасида шляпаларини дастрўмоллари билан ёпган мешчанлар, бошларига чакмонларини ёпиниб олган ишчилар бор. Ёмғир тинишини кутиб турганлардан баъзилари ташқарига қўлини ёки бошини чўзиб осмонга қарайди ва ўз мулоҳазасини айтиб қўяди:

— Анави булут бир чеккадан Коломнага қараб ўтяпти.

— Анавими?

— Буниси тўппа-тўғри Коломнага ўтяпти!

Эшик олдида тўпланган болаларни қовоқхона хизматкори:

— Қани, жўнанглар!— деб ҳайдаб қолди.

— Амаки, бизлар бугун эрталаб ёрдамлашганмиз.

— Йўқол! Қоч!— деяпман.

Болалар кўчага чиқиб кетишади.

Ёмғир тинди, халқ яна изғиб қолди. Яна тиқилинч, яна ашула.

Кенг кўчада машқини чалаётган шарманка садоси остида ўйинга тушишди. Сарафан кийган бир жувон, товусдай силкиниб, елкасини учуриб, аста-секин йўрғалади. Бирдан ўйин шавқ-завқли бўлиб кетди, ёш фабрика ишчиси, этагини ушлаб, чўққайиб ўйинга тушди.

Сайр томоша, маст-аластлик тобора авжига чиқди. Нарироқда муштлашиш бошланиб кетди, кейин кимдир: «Вой-дод! Ўламан!» деб бақариб қолди. Шовқин-сурон солган меҳмонни қовоқхона хизматкорлари орқасидан гуртиб-суриб чиқариб юборишди. Йўлда ҳам, тўқайзорда ҳам йиқилиб ётган маст одамлар сони ошмоқда, сайил бўлаётган жойдан анча олисда кимдир қўллари ни аямасдан турк дўмбирасини қаттиқ урмоқда.

Утробов шаҳарчаси Москвага бориладиган икки тақир йўл ўртасига жойлашган. Бу шаҳарчадан нарироқда Москва йўлларида сон-саноқсиз карвонлар ўтмоқда, черкас буқалари ва сизирлари пода-пода бўлиб аста-секин бормоқда, подалар атрофида кенг яғринли, басавлат подачилар отларини гижинглатиб бормоқдалар ва умуман елимдай ёпишқоқ, маҳкам савдо-сотиқ ҳаёти авж олмақда. Утробов шаҳарчаси шундай пастқам жойга беркиниб олганки, унга ана шу савдо-сотиқ шовқин-суронидан на бир овоз, на бир сўз эшитилади. Утробовни ҳеч ким сўрамайди, унда ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ, у ёлғиз ўзи астагина сўппайиб турибди; бунга бирдан-бир сабаб шуки, бундан кўп замонлар илгари, яъни ҳозирги Утробов ўрнида, маҳбусларни вақтинча сақлайдиган кичкинагина сариқ қамоқхона жойлашган, савдогарлар эса Утробов ўрмонлари ичидан сафарга чиқишлари олтидан ўзларига тириклайин дуойи фотиҳа ўтказган ўша қадимги замонларда бу йўлдан рамақижон бўлиб қолган катта бир мансабдор ўтган экан. Бу жойларнинг, айниқса, кечқурунги табиий манзараси мансабдорнинг ҳорғин асабларига ёқиб қолибди; ана шунда мансабдорнинг миясига бу ерда шаҳар барпо қилиш фикри келиб, бу ҳақда тегишли жойда тараддуд қилиш керак, дебди (башарти кўрсаткич бармоғи билан зўрға ишора қилиб қўйганини тараддуд қилиш дейилса).

Ана шундай қилиб, мазкур ният натижасида (чунки бошқа бир сабаб бўлмаган) шаҳарнинг вужудга келиши ва гуллаб-яшнаши бошланиб кетибди. Аста-секин ҳамма нарса, дастлаб қамоқхона йўлга солинибди, Прото-

колчилар, уларнинг муовинлари ва яна қандайдир лавозимлар вужудга келибди. Судлар ва маҳкамалар ҳам тузилибди, афтидан одамларни суд қилиш ҳам керак бўлиб қолибди. Аҳолининг жуда камлиги важдан бу ишларни «кўнгилдагидек» амалга ошириш қийин бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда, ишбилармонлар шаҳарни шаҳар ҳолига келтиришга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилибдилар; натижада: шаҳардаги озгина аҳолининг маълум бир қисмини қамоқхонада ўтирадиган қилиб ажратибдилар, бошқа қисми эса осойишта ҳаёт кечириш йўлига тушибди ва тўлароқ манзара ҳосил бўлиши учун шу аҳолининг бир нечта намояндаси полиция маҳкамасига ўтиб олибди; кўчалар — лой, кечалари «войдод!» деб бақириш ҳам мумкин деб топишибди. Кўчаларда гадоёлар пайдо бўлибди, хуллас, тез кунда шаҳар маъромига келибди.

Ана шундай тирикчилик натижасида Утробов батамом амалдорлар шаҳарига айланибди. Бу ерда амалдорлар учун баъзи бир тикувчилар, баъзи бир этикдўзлар, ўзига яраша савдо-сотиғи ҳам бор, бироқ буларнинг барчаси, айниқса савдо-сотиқ ниҳоятда чекланган ҳолда давом этмоқда, унинг кўлами йилдан-йилга тораймоқда, бунга ҳам сабаб шуки, шаҳарда тартиб-интизом, дин-диёнат ривож топганлиги муносабати билан бу ерга қишлоқдан амалдорлар турмушига зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотинигина келтиришади, холос. Тартиб-интизом ҳар дам ривож топмоқда, шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда савдо-сотиқ теварак-атрофдаги уездларга бир неча юз пуд кунгабоқар сотишдангина иборат бўлиб қолди.

Амалдорлар одати камбағал аҳолининг турмушида ҳам кўринадиган бўлибди, чунончи ҳатто сабзавот еядиган аёллар ҳам ўзлари эккан карам, укроп каби резаворларни чумчуқ, қарға ва зағчалардан қўриқлаш учун, полиздаги қўриқчиларининг эғнига амалдорларнинг эски фракларини, бошларига дабдала бўлган уч бурчакли шляпаларини ҳамда бошқа нарсаларни кийгизиб қўядилар. Умуман амалдорлар кийим-кечагининг расвоси чиққан қолган-қутганлари полизда сўнги даврларини кечиради: фракларнинг енг ва этаклари шамолда ҳилпирайди, шляпалар силкинади, буларни кўрган қарғалар, зағчалар, чумчуқлар қўрққанларидан жон-понлари чиқиб қочадилар.

Амалдорларнинг обивателлар турмушига сингиб кетган ана шундай одатлари анчагина заковатли Гребенкина деган мешчан бева аёлининг миясида шундай бир фикр туғдирибди:

— Қани, жонгиналарим, амалдорларча бир туриб кўрсам, дейман... Зора худойи таоло ёрдам бериб қолса...,— дебди у. Дарҳақиқат худо унга ёрдам берибди.

Мен биринчи марта Гребенкинани кўрганимда, у энди қирқларга кириб қолган, демак, халқ мақоли билан айтганда, аёллик даври ўтиб қолган эди, бироқ шунга қарамай, унинг оқ рўмол қисиб турган лўппигина юзи баъзан совуқ кунлари қип-қизариб кетарди. Мен танишган ўша маҳалларда Гребенкина энди анча вақтлардан бери адвокатлик соҳасида ишлаб келарди; йиллар ўтиши билан Семёниханинг шуҳрати ҳам шу билан бирга мужикларнинг чўнтаклари ва юқорироқ даражали одам чўнтаклари билан, ҳатто маҳкамалардаги энг майда амалдорлар жилетқасининг тешик чўнтаклари билан танишиш соҳасидаги унинг номи, донги ҳам орта борди. Шу сабабли Семёниханинг ҳовлисига келадиган мужикларнинг сони йилдан-йилга оша борди, натижада Семёниха отасининг миҳлаб ташланган уйининг ярмини очишга мажбур бўлди, бир эпчил мешчан эса, келувчи халқдан тушадиган даромадларни кўзда тутиб дўкончасини ланг очиб қўйди, тез орада дўкончадаги арава мой, пичан ёнига бўйинча боғлари, қуюшқон, деҳқонларнинг калта трубкалари, иконалар ва бошқа моллари қўшилди; шу билан бирга Семёниха ҳовлисининг ўртасида, карвон саройларда бўладиган бостирма пайдо бўлиб қолди.

Семёниха ўзи чаласавод бўлгани, атрофдан келган мужиклар ҳар хил аризалар ёздириши зарурлигини назарга олиб, бу ишни бажо келтирмоқ учун Семёниха ҳузурига Борисич деган бир шахс қатнаб юрарди. Бир маҳаллар ўша Борисич суд идораларидан бирида хизмат қилган бўлиб, уни ишдан ҳайдаб юборишган экан; у жуда қашшоқлашиб, маҳкамаларда бировлар ўрнига танга мирига ёлланиб дежурлик қиладиган бўлиб қолибди. Кўп ёш, тажрибасиз мирзалар ҳазиллашиб уни хўроз бўлиб қичқирришга мажбур қилар, ўлгидай маст қилиб ичирар, шкаф тепасига ўтқизиб қўяр, бошига қоғоз қалпоқ кийгизиб, ўша қалпоқни ёндириб юборардилар... Борисич бўлса тепакалининг анчагина жойи куйиб кет-

ганини сезмай ҳам қоларди. Хўроз бўлиб қичқириш бориб-бориб унга одат бўлиб қолди; инглиз хўрози қанақа қичқиради-ю, Курск ёки Орёл хўрози қанақа қичқиришини у айниқса маҳорат билан кўрсатарди. Шу хунарини кўрсатиш мақсадида у байрам кунлари амалдорлар орасида ўралашиб юрар, кундузги ибодатдан кейин, одатда ҳамма жойда пирог еб ўтириладиган пайтда кириб келишга ҳаракат қилар, бир-икки рюмка ароқ ичарди. Борди-ю, ичиш жонига тегиб кетса, ароқни у қайтариб бермас, фрак тугмачасига осиглиқ шишасига қуйиб қўярди... У Семёниханинг қашшоқ мусофирлар учун ажратилган кухнясида кун кечирар, ўша ерда ҳар хил илтимосномалар, аризалар ёзар, бир тангага ҳар қандай бўҳтонни қотириб ташларди.

Ўша кухняда Семёниха шафқат юзасидан боқаётган Митревна кампир ҳам майда-чуйда ишларга қарашиб турарди; солдатликка олинган ўғилдан ажраб қолганидан унинг эси паст бўлиб қолди дейишарди... Кампир ўғлини солдатликдан бўшатиш мақсадида ариза кўтариб давлат маҳкамасига бориб, ариза ҳам ҳужжатларни швейцарига топширибди, чунки швейцарь ўзининг зарҳал ҳассаси билан кампирни ҳайрон қилиб қўйибди, ундан анчагина пул олибди, пировардида, уни Питерга боришга унатибди.

Ҳамма шу воқиага куларди.

— Қани, қани, айт-чи, қанақа қилиб у ерга бординг?.. — деб суриштиришарди кампирдан, — ҳалиги солдат сенга нима деди?

— Нима дерди, сен, кампир, тўппа-тўғри малика яйловига бор, деди... Чунки, ўша яйловнинг ўртасида Кутуз-Смоленский турибди, у жойни бир манзил деса бўлади... Унга арзи-додим бунақа деб гапириб бераман... У қўлидаги рўмолчасини бир силкиб қўйса бас! бутун ишинг ҳал бўлади, чунки ўша Кутуз-Смоленский яшил орёллик бўлади... Ана шунақа!.. — деди.

Кампирнинг атрофидагилар қотиб-қотиб кулишади.

— Хўш, у ердан-чи, қанақа қилиб қайтиб келдинг?..

— У ердан, болакайларим, мени этап билан жўнатишди... Ўша этап билан келяпмиз дегин, бирдан у менга: «Мен сени, холажон, мана шу милтиғим билан жуда боплаб отиб ташлашим ҳам мумкин» деди. «Менинг қўл-оёқларим қалтираб кетди, гапимни айтолмай қолдим, нафасим тикилди, у бўлса, башаранг қургур,

иблис, қотиб-қотиб куляпти...» Ҳа, ҳали шунақами, дейди, бўлмаса, мен сени отиб ташлай! Шундай қилайки!.. Борди-ю, кампир, дейди, яримта ароқ қуйиб беришни ўйламасангиз, биз шу ондаёқ сизнинг жонингизни еттинчи осмонга жўнатиб қўя қоламиз... Ана ўшанда сиз нари-бери бемалол парвоз қилиб юраверасиз...»

Борисич ва Митревна ўчоқ бошида турардилар, Семёниха эса озода пардалар тутилган, тоза ойнали деразалари кўчага қараган, озода хонага жойлашган. Семёниха бу ерда бошлиқларни, оқсоқолларни кутиб олар, уларга ўзи чой қуйиб берарди. Семёниханинг ана шундай одатдан ташқари фаолияти қўни-қўшнилари-нинг жаҳлини чиқариб қўйди — бунга бирдан-бир сабаб шу эдики, улар Семёнихани «ўз одамимиз эмас» дейишарди. Ана шунинг учун ҳам, Семёниханинг гражданилик йўлига кириши билан бирга, ундан ўч олиш, жигига тегиш, имкони бўлса — чимчилаб олиш учун ҳар хил фисқ-фасод, ифволар тарқатиб қолишди. Семёниха буларнинг барини «кўргилик» деб атар, турлитуман овозаларга, гўё у — хлистлар¹ динида экан, деган гапларга эътибор бермай келарди; у товугининг ўғирланишига ҳам парво қилмади, чунки у кўчанинг ўртасида ёмон сўзлар айтиб сўкиш, сочларини юлиб олиш, бир-бирининг башарасига туфлаш ва ҳоказо қилиқлар учун товуқнинг ўғирланганини тушунарди. Семёниханинг шундай парво қилмаслиги дарғазаб одамлардан энг яхши қасос олиш бўлиб чиқди, чунки бунинг натижасида, сиёсий мақсадлар билан ўғирланган ҳалиги товуқ, кўзда тутилган мақсадга эриштириш ўрнига, ўғирлаган хотиннинг бағрига урилган қора тош бўлиб, унинг халойиқ олдида оддий ўғри эканини кўрсатиб қўйди.

Бу орада Семёниха ўз ишларини давом қилдираверди. У бу ишларини шунинг учун уддалай олардики, ўзи муҳтож бўлган шахсларга зарур эканлигини усталик билан кўрсата биларди. Шунинг натижасида у ўзи учун зарур бўлган амалдорлар муҳитида «ўз» одамлари бўлиб қолди. Болалар уни яхши кўришар, уни шод-хуррамлик билан кутишарди, чунки улар Семёниха

¹ Чор Россиясида мистик христиан секталаридан бири шундай деб аталарди.

бирон ширинлик, пряник, ёнғоқ ва ҳоказолар олиб келишини биларди. Амалдорларнинг хотинлари уни жондидан севардилар, чунки Семёнихадек дилкаш аёл йўқ эди ўзи. Масалан бирор бола бетоб бўлиб қолдими, дарҳол Семёнихани чақиртиришарди, Семёниха ҳам ёмон касалликнинг қаердан пайдо бўлганини дарров аниқлаб оларди. Бунинг учун у самоварга озгина чўғ ташлар ва унинг устига чинни гулдан селиб тутатқи қиларди-да, беморнинг ёнига келиб кўмир чўғини пуфларди:

— Қизнинг кўзи тегдимикин...

Чирсилламайди.

— Эркаклар кўзи тегдимикин...

— Йўқ...

— Хотин-халаж кўзи тегдимикин...

— Чирсиллапти...

Ёмонликнинг илдизи қисман топилди; демак, аёлларнинг ақлу фаросатларини ишга солиб юборилса бас, ўша ёмонликнинг айбдори ҳам дарров топила қолади. Қани энди, кўзи теккан ўша аёл қўлга тушиб қолса борми, тошбўрон қилиб мажақлаб ташланарди. Семёниханинг оғзидан чиққан сўз ана шундай пухта, барқарор эди.

Ёки шундай бир воқеани олиб кўрайлик: чунончи, бир амалдорнинг хотини одатдан ташқари бир дардга мубтало бўлиб қолади; у кўйлагини офтобда қуритмоқчи, каравотлардаги барча қандалаларни куйдирмоқчи, ўзининг ҳамма болаларини топ-тоза қилиб чўмилтирмоқчи бўлади, ана ўшанда Семёниха бошидаги рўмолини олиб, енгини шимариб қўйса — бас; иш бир зумда тўғриланиб кетади. Кунларнинг бирида Семёниха секретарнинг чўчқаларини ўзим ювиб-тозалаб қўяман, деб қолди. Шу мақсад билан чўчқалардан ҳар бири тоғорага чилвир билан боғлаб қўйилди. Кейин, ҳаддан ташқари шовқин-сурон, қий-чув ичида, чўчқалар устига қайнаган сув қўйилди; сув жуда иссиқ бўлганидан чўчқалардан бири, чидамай, ўзини четга ташлаб, биқинидаги тоғора билан дарвозадан чиқиб, шаҳар кўчасидан чоп-қиллаб кетаверди.

Семёниха ўзининг ана шундай қаҳрамонона ҳаракатлари билан ҳурматга сазовор, қаерга борса кутиб олинадиган аёл бўлиб қолди.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бири. Амалдор хотини уйда якка ўзи ўтирибди. Эри маҳкамада, ўғли

мактабда; уйда фақат кичкинтойлар қолибди, лекин бу унчалик аҳамиятли эмас. Хўш, бўлмаса аҳамиятлиги нима экан? Шуниси борки, иссиқ, чидаб бўлмайдиган иссиқ. Амалдор хотини боғча деразасини очиб кўрди. Шабада салгина бўлса ҳам қўлтиқ тагларини, уербу ерини елписа, деб ўйлаган эди... Кейин у тер босган жойларини кўйлаги билан елпиди — йўқ, фойда бермади... Шу пайт деразадан уйга бирталай пашша кириб қолди. Ўша пашшалар орасида ялтироқ, кенг атлас пальто кийган савдогар хотинини эслатадиган, қалин қанотли бир пашша ваҳимали гўнғиллайвериб амалдор хотинини ҳатто қўрқитиб юборди. У, сапчиб туриб, сочиқ билан ўша пашшани ҳайдаб чиқарди. Бу ҳаракати натижасида, чакка томирлари янада қаттиқроқ уриб кетди. Кейин у қўлига ишини олиб тикмоқчи бўлган эди, аммо бу ҳам бўлмади: дам қўлига, дам тиззасига нина киргандай бўлди. Бундан унинг ҳарорати ошди. Хонининг мадори қуриб ётди, ҳушидан кетди. Ошхонанинг ланг очиқ эшигидан ошпаз хотиннинг пичоқ билан алланимани тиқиллатаётгани эшитиляпти; жўжалар чийиллашмоқда, кўчада бир мужик «ширин кулчалар...» деб қичқирмоқда. Шабада эсгандай бўлди, шундай роҳат, кишининг тургиси келмайди; шу вақт даҳлизга бир товуқ кириб, полни чўқилай бошлади. Ана у даҳлиздан олдинги хонага ҳам ўтди... Амалдор хотини товукни ҳайдаб чиқармоқчи бўлди-ю, жойидан туришга мажоли келмади. Товуқ залга кираётгандай, стулларга чиқаётгандай, ойна олдига келиб, булғатаётгандай туюлади... Аёлнинг жаҳли чиқади-ю, оёқ-қўлларини қимирлатолмайди, худди сувда пишган гўштдек ётади... Қўрада эса болалар вағирлашяпти... «Ҳаммасини савалайман» деб ўйлади амалдор аёли.

Аҳвол оғир, азоб-уқубат... Ана шу пайтда Семёниха ташриф қадам қилиб қолса борми, ҳамма уни қучоқлаб бўйнига осилиб олади. Унинг келиши билан дарров савомовар ҳам қайнатилади. У энди қанча бақирламасин, бутун оламда ҳукмрон иссиқликни янада оширолмайди; аксинча, улфатлар беш-олти пиёла чой ичганларидан кейин яна: «Ана энди кун сал салқинлагандай бўлди...» деб ҳам қўйишади.

Семёниханинг шу пайтда пайдо бўлиши — нажот топиш деган гап; буни батамом тушуниб олиш учун, Семёниха жўнаганидан кейин амалдор хотини олдиға

келиш кифоя. Ана хонимнинг эри ҳам қайтиб келди, эғнидан фракини, жилетини, манишкасини ечиб ташлади; қўлтиқ тагини артди, тер босган кўксини пуфлади, яна бир марта пуфлаб, кафти билан белини ишқалади.

— Шундай қиздирыптики!..— дейди у.

— Нимасини айтасан,— деб қўяди шалпайиб қолган хотини,— кун билан болалар ҳовлида вағирлашавериб қулоқ-миямни ейишди... тоза қийналдим... ҳеч бўлмаса сен уларнинг одобини бериб қўйсанг...

— Шошмай тур, мен уларнинг таъзирини бериб қўяй,— дейди эри. — Мана кўрасан, мен уларнинг терисини шилиб оламан,— деб қўяди у, болаларга насиҳат қилган тарзда ва бир рюмка ароқни ютиб олади.

Меҳнатдан кейин, айниқса ўтириб ҳоригандан кейин, у маза қилиб, ҳар хил кўкат, карам шўрва ва тузлаган гўштлардан ейди; шундан кейин, унинг ёнбошлаб олгиси келиб қолди. Аттанг, ўриндан бургалар чиқиб қолди, пашшалар отни безовта қилгандай, башарада ўрмалаб чақади, тинчлик бермайди. Амалдор ўзини қўриш учун қошларини чимириб, бурнини қийшайтириб кўрди, кўз қовоғини қисиб, лаби билан қимтиб пашшани оёқчасидан ушлаб олади, пашша бадтар чақади, бадтар гўнғиллайверади; бир соатча пашша билан олишган амалдорнинг ҳафсаласи пир бўлади.

— Вой, падари лаънатлар!— деди у қалдироқ овоз билан...

Шу вақт от-отакам ўйнашаётган болалар йўргалаб ўтиб кетишди. Уларнинг чийиллаган овозлари амалдор жасадининг ҳар ерида биқсиб ётган ғазабини бирдан кучайтириб юборади; у каравотидан туришга мажбур бўлади.

— Ҳой, итваччалар, адабларингни бериб, қўймасам бўлмади,— дейди у хириллаб, залда болаларни қувлайди.

Бу ерда у қўлига чивиқ тутган хотинига дуа келиб қолади; у ҳам кўрққанидан овозини чиқармай, оғзини очиб, қўлларини ёйиб келаётган бир қизчани қувлаб юрарди.

— Шошмай туринглар, шумтакалар! Мен сенларни!..— шундай деди-ю, амалдор бир болани ҳурпайган сочидан ушлаб олиб, оёғи билан супургини бурчакка итариб қўйиб, ундан бир хипчинни бўш қўли билан суғуриб олади.

Савалаш, қий-чув бошланиб кетади. Бошқа болалар саваланаётган шўрликнинг ёнини олиб йиғлашади.

— Дадажон, вой дадажоним...

— Ҳа, ҳали сенга ҳам керакми... Ма, бўлмаса!..

Ота иккинчи боланинг ҳам сочидан ушлаб олади... хипчин визиллаган сари, ота хумордан чиқиб, дарҳақиқат боланинг терисини шилиб олишга урингандай кўринади. Болалар чордоққа, ҳаммомга, ертўлага, пичанхонага тумтарақай қочиб кетади; эр-хотин ҳам болалар кетидан чопади.

Орадан ярим соатча ўтгач, ота ҳам, она ҳам ҳориган ҳолда, зўрға қадам ташлаб қўрадан кириб келишади; улар чивикларини ойна тагига қистириб ёки кўзга кўринадиган бошқа жойга қўйиб, ҳолдан тойиб, каравотда ётиб қоладилар.

— Уҳ... Чарчадим!..

— Бу зумрашалар... тоза азобга қўйдилар-ку!

Болалар эса омборда ўтириб, гуноҳларига ўкиниб йиғлашади.

Ана энди шундай пайтда Семёнихами ёки бошқа бирор киши марҳамат қилиб қолганида, самовар қўйилар, болалар ҳам омон қоларди.

Ана шундай қилиб, Семёниха тегишли жойдан ёрдам олиб, дадиллик билан ўз илтимосларини кўтариб чиқар, шу билан бирга, бошлиқлардан бу дадиллигини эпчиллик билан яширарди, чунки у кимни ҳурматлаш, кимга итоат қилиш кераклигини аниқ билиш фойдадан холи эмаслигини яхши тушунарди.

Аскарликка олиш пайти келиб қолди. Аллаким бировнинг дарвозасига бўр билан: «Ҳой ўғри, шодлан, яқинда ҳарбийга отлан» деб ёзилганмиш деган овоза тарқалиб қолди. Яна кимдир дарвозасига ўтқир қиррали михлар санчиб қўйибди-да, шундай овоза тарқатибди: «Буни беғараз мақсад билан қилдим; мужиклар келавериб жонимга тегди, уларни киргизманглар десам ҳам, девордан ошиб кираверишади, ана шунинг учун мих санчишга тўғри келди...» Семёниха ҳовлиси мужикларнинг ўтин ташийдиган чаналари билан тўлиб кетган. Унинг меҳмонхонасида ҳам, ўчоқбошисида ҳам, супасида ҳам, печкалари устида ҳам, хуллас ҳамма жойида одам тўла... Семёниха ҳаммани юмшоқлик билан қабул қилади, ҳаммага эшиги очиқ, у ҳамманинг

қайғу-қасратини ўртоқлашади ва ҳамманинг арз-додини бир амаллаб бошлиқларга етказди. У бошига кулфат тушган, шўрлик оталарни йиғиб олади, эғнига қуён тери пўстинини кияди-да, эрталаб улар билан бирга керак жойга боради. Семёниҳа мужикларнинг олдидан жўрабоши бўлиб борар экан, бу ишни қандай ўринлатиш тўғрисида доим ўйлайди. Шу мақсад билан у мужикларга ҳадеб ўгирилиб қарайди-да: ҳар хил маслаҳатлар беради.

— Ана шу яқин ерда, азизларим, маслаҳатчи туради... Ҳозир у ўзининг кучерига буйруқ бериб, ҳовлига ҳеч ким киргизилмасин дебди... Лекин бу фақат кўз кўрсин учун қилинган иш... Зора биронгагиз *ўзлари* ҳузурига кириб қолсангиз, олдиларига ҳеч кимни киргизишмайди, киргизмай калтаклашади, деб арз қилсангиз... у кишининг вақтлари чоғ бўлади, мақтаниб қўядилар... Бирортасининг тишини синдириб ёки бошқа бирор жойини шикастлаб қўймоқчи бўладилар. Бироқ, болаларим, сизлар ҳар бирингиздан икки-уч тийиндан пул йиғиб олинглару, ўша пулни маслаҳатчининг кучери Пётр Петровичга берайлик... Балки худдо ярлақаб...

Арзгўйлар майда пулларни берганларидан кейин яна юриб кетишади.

Семёниҳа олдинда борар экан, кетидагиларга қайрилиб қараб:

— Гап бундай!.. Ораларингда вино ичган одам бўлса, ҳозир айтиб қўя қолсин,— дейди.

Мужиклар хижолат бўлиб қолишади.

— Винодан ичганмиз...

— Шундоғ денг... У киши буни ёмон кўрадилар, сира-сира ёқтирмайдилар...

Ҳамма қулоқ солиб туради.

— Борди-ю, бирон нарса гапирадиган бўлсанг, нафасинг димоқларига урилмаслиги учун бошингни қийшайтириб гапир...нега десанг, винонинг ҳиди ёмон-да,.. туфу! Анқиб туради!.. У киши бўлса бурунларини у ёқ-бу ёққа айлантириб: «Бу қанақа бемазагарчилик? Қим журъат қилди? Бу ёққа кел!» деб қоладилар.

Семёниҳа, худди маслаҳатчидек, бурнини у ёқ-бу ёққа буриб кўрсатади. Кейин яна юриб кетишади. Дар-

воза олдига етиб келганларидан кейин Семёниха ҳалқа-
ни қоқади-да, мужикларга бундай дейди:

— Ҳой, менга қаранглар, дўстларим, ҳар эҳтимолга
қарши тишларингни қўлларинг билан эҳтиёт қилиб ки-
ринглар... Солиб қолмасинлар, дейман-да...

Кучер эшикни очади-да, мужикларни суриб кўчага
ҳайдайди, бироқ пулни олгач, ҳовлига қўйиб юборади;
мужиклар ҳам оғизларини қўллари билан бекитиб,
маслаҳатчининг даҳлизига кириб олишади.

Даҳлизда одам лик тўла эди; худди ҳайит арафаси-
ни кутгандек одамлар эшик очилишини бетоқатлик би-
лан кутишарди, фақат бу гал одамларнинг бу пойлаб
туришида ҳеч бир умид учқуни йўқ эди.

Кучер кўча эшигида қўнғироқ жаранглагунича, даҳ-
лизда ўралишиб юрди. Қариялар кучерни ҳайиқиброқ
гапга солиб кўрмоқчи бўлдилар.

Улардан бири:

— Дастлаб қўрқинчли бўлса керак дейман-а?..— деб
сўради кучердан.

— Йўқ, хўжайинимиз мулойим киши.

— Лекин ҳар ҳолда-да... У кишининг мансаблари
катта-ку.

— Бу гапинг рост. Дастлаб... кўникмаган одам кў-
риши билан қалтираб қолади.

— Шунақа денг.

— Дастлаб қалтираб қолади дегин... Боплаб бир
солиб қолса борми... даҳшат-да...

— Шундай-шундай...

— Бироқ, энди кўникиб қолдик.

Шу вақт Семёниха ўзи олиб келган кишиларга:

— Чиқиб келишлари билан... дарров оёғига йиқи-
линглар,— деб пичирлади.

Ошпаз хотин ўчоқбошидан ишқорли сувда гишт қал-
дираб келаётган бочкани думалатиб чиқди. Шу ердаги
мужиклар четланишди.

— Секинроқ, секинроқ...— деб бақириб юборди ким-
дир бурчакдан туриб...—Епирилиб келишларини қара-ю...
Семёниха биринчи бўлиб олдинги хонага ўтиб олди.

Мужиклар бирданига тиз чўкдилар.

— Шошилманглар, шошилманглар, ҳеч ким йўқ...
гурсиллаб йиқилишларини қаранг-а...— деб пичирлади
Семёниха.

— Ким у тарақа-туруқ қияпти? Эшикни ёпинглар!..— ёндош хонадан маслаҳатчининг овози эшитилди.

Бироқ, халат кийган маслаҳатчи тез орада чиқиб, стулга ўтирди, тиззасига бир стакан чойни қўйди. Семёниҳа пўстинининг этагини босиб, дастлаб полга ўзи тиз чўкди.

— Фёдор! Кузьма!— деб шивирлади у ва маслаҳатчининг оёғига эгилиб, таъзим қилди.

— Марҳаматингизни дариг тутманг!

— Сизни бизга худонинг ўзи етказган.

— Ҳимоячи отахонимиз...— дейишарди мужиклар, маслаҳатчи эса индамай уларга қараб турар, иззат-ҳурмат аслида шундай бўлиши керак дегандай хўплаб-хўплаб ликобчадан чой ичарди.

Семёниҳа, Фёдор билан Кузьмадан кейин бошқа мижозларни ҳам маслаҳатчининг олдига келтирди, тиз чўкиб, ингичка овоз билан, нима гаплигини изҳор қилди.

Семёниҳадан кейин бошқа талабгор арзгўйлар ёпирилиб киришди, бир нечта хотин-халаж йиғи-сиғи кўтариб қолди.

Шу кунларда Семёниҳа ўзининг шўр пешона мужиклари билан кун демай, тун демай овора бўлиб кўп қийналди. Унинг олдига талабгорлар келишар, унинг билан қўл силтаб садволашарди; Семёниҳа эса овчи мужикларнинг қолган-қутган пулларини талабгор олиб, қочиб кетмасин тагин, деб сергаклик билан кузатиб турарди. Шу ернинг ўзидаёқ квитанциялар топширилар, ширинкомалар берилар ва ҳоказолар қилинарни.

Бундай овора-сарсонгарчиликлар ёшларни саллотга олишгача чўзиларди. Афтидан, Семёниҳа у ишларнинг ўтказилишидан манфаатдор эди. Аммо, бошдан кечирилаётган мусибат чоғида, бировнинг айтган илиқ бир сўзи ҳам кишига анча далда беради. Болаларидан жудо бўлиб қолганлар ҳам (бу эса муқаррар эди), Семёниҳа туфайли лоақал оғизларидаги тишлари соғ қолганлиги учун ундан миннатдор эди.

Мана Семёниҳа амалдор Белкин хотини билан бирга чой ичиб ўтирибди.

— Мен саллотга оладиган жой ёнидан ўтиб кетаётган эдим, халқ бирам кўпки!..— дейди амалдор хотини.

- Оҳ, гапириб нима ҳам қилардинг...
- Шундай йиғи-сиғики!.. Қани, чойдан ичсанг-чи!
- Нимагадир ичким келмайди.../

Семёниха Белкинлар дарчасидан хотин-халажларнинг додлаётгани эшитилиб туришини эслади, чунки саллотга оладиган жой бу ердан узоқ эмасди. Семёниха стул устига чиқиб дарчани очди. Дарҳақиқат, додлаш салгина эшитилиб турарди; шу пайтда унинг юзига шабада урилиб, қулоғига, гўё ёниб турган печга ташланган минглаб кишилар оғизларини очиб оҳ-фиғон чекаётганлари яққол эшитилиб қолди.

— Вой, онахон...Мен бориб келай-чи,—деди Семёниха ич-ичидан куйиб:

— Бўлмаса, Федяни ҳам ўзинг билан олиб бора қол...,—деди амалдор хотини.— Фёкла! Қани, Федяга уст-бошини кийинтир-чи.

Федяни, чана тортиб юрган жойидан — боғчадан топиб олишди ва уни қордан тозалаб, саллотга оладиган жойга олиб кетишди. Йўлда уларга чўтир рекрутлар учраб қоларди, уларга қора қулоқчинлар, ялпоқ фуражкалар сира ярашмасди; кўчадан чаналарда мужиклар ўтиб кетишди, булар орасида мастлари ҳам бор эди, биттаси мастлигидан ўзини билмай чанада чўзилиб ётар, оёқлари қорда судралиб борарди.

Семёниха Федяни, мужикларнинг чаналари ўраб олган рекрутлар ҳовлисида олиб ўтди-да, дераза олдига ўтқизиб қўйди. Ойнадан, мундир кийган ҳар хил жаноблар, ёруғ ва кенг хона кўриниб турарди. Ўша хонага бир мужик йигитни олиб кириб станок¹ тагига қўйишди. Йигитнинг офтобдан кўкси қоп-қора куйиб кетган эди. Унинг юзи оқариб-бўзариб қолган, кўзларини сарғиш пешона сочи беркитиб турар, йигит эса, бутун аъзойи-бадани титраганидан, сочини тўғрилаб қўйишни эсидан чиқариб қўйган эди. Унинг айниқса қўллари ва бармоқлари титради, қадоқли ва суякдор тиззалари букилиб кетар эди. Шу пайт бир киши, оёқ учида туриб, ҳалиги йигитнинг боши билан станокнинг юқори тахтачаси ўғтасига оқ қоғоз варағини ўтказиб қўйди.

¹ Аскарга олинадиган кишининг бўйини ўлчайдиган асбаб. (Ред.)

Бу нараса йигитни жуда чўчитиб қўйган булса керак, у шу ондаёқ гурсиллаб тиз чўкди...

« Буни кўрган Федя бирдан:

— Вой, қўрқаман!— деб Семёнихага ўзини ташлади, Семёниха шу пайтда кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, тик турарди.

Семёниха ана шундай қилиб узок йиллар умр сурди. Сўнгги йилларда уни фақат «онахон» деб аташарди.

— Худога шукур,— дерди у кейинги вақтларда,— бешта бошлиқ даврида иш олиб бордим,— жирканишмади.

Семёниха ўз ўтмишини эсга олганда бир неча бор генераллар уни ўзи ёнига ўтқазиб зиёфат қилганини ҳам айтарди.

У фақат қўшни ўғил болалардан — гимназия ўқитувчисининг болаларидан нолиб қолар, чунки ўша болалар кампирнинг томига чиқиб тўс-тўполон қилишларидан безовталанарди.

Семёниха вафот этгандан кейин кўпгина амалдорлар уни таърифлаб, таъсирли нутқлар сўзладилар...

ТИЛАНЧИЛАР

I

Омадсизлик, бахтсизлик ва қайғу-аламгина ер юзида барқарорлигини билгандан кейин, кўпгина кишилардан иборат бир тоифанинг мавжудлигини билмоқ учун алоҳида сергаклик билан мушоҳада қилишнинг ҳожати ҳам йўқ; бу тоифага мансуб кишилар, қўлларини қайси меҳнатга уришни билмаганларидан, мудом бировлар берган садақа билан, бировларнинг меҳнати билан топилган тийин билан тирикчилик қиладилар. Пойтахт ҳовлилари, кундалик турмуш манзаралари чўзилиб ётган пайтахт кўчалари, черковлари — буларнинг барчаси кўпгина турли-туман тиланчиларни кўрсатиб туради.

Эрталаб уйқудан эндигина кўзингизни очишингиз ва ёзнинг соф ҳавосидан баҳраманд бўлишингиз биланоқ, ҳовлида музика садоси янграб қолади; ҳамма бесаранжом; коридордан, хонангиз ёнгинасидан бир неча киши ғизиллаб ўтиб кетади, ҳамма ёқ тўс-тўполон; деразадан ташқарига бир кўз ташласангиз, бутун ҳовлининг одамлари сиздан олдиноқ деразалардан бошларини чиқариб ниманидир томоша қиладиганларини кўрасиз; ҳовли тўла одам; мастеровойлар, ўз ишини йиғиштириб қўйган ошпаз хотинлар, лотокларини бошларига кўтариб олган атторлар оғизларини очиб, анграйиб турибди. Тўрт бурчакли ғиштин иморатнинг баланд деворлари сиқиб қўйган музика садоси эса варанглаб юқори кўтарилмоқда, теварак-атрофга ёйилмоқда ва дарвозадан кириб келаётган янгидан-янги томошабинларни жалб қилмоқда.

Шу орада оркестр қандайдир бир машқни тамом қилди; карнайчилар карнайларини пастга қаратиб ча-

лиш вақтида йиғилиб қолган сувни туширадилар, созандаларнинг баъзилари деразаларда қараб турган томошабинларга назар ташлайдилар: хайр-садақа кутаётганликлари кўриниб турибди; аммо бу ҳақда ҳеч нима демайдилар, чунки бу камбағалларнинг бари, бахтга қарши, иззат нафсли ва истеъдодли кишилардир. Булар, назаримда, энг аянч ва айниқса ёрдамга муҳтож камбағаллардир.

Созлар йиғиштирилди; скрипкачилар ва сурнайчилар созларини пальто ва сюртукларининг этаклари тагига оладилар, тиланчи-созанда болалар ноталарни орқалаб оладилар, пюпитарларини¹ қўлтиқларига қистирадилар; созандалардан кейин томошабинлар ҳам дарвозадан узоқлашадилар. Пешонасига чарм пешонабоғ танғиган мастеровойлар ерда ўтирган болаларини қўлларига оладилар; ҳар ёқдан ғовур-ғувур кулги эшитиларди; оркестр қўшни ҳовлидан эшитила бошлайди. Шундан сўнг турмуш яна изига тушиб олади,— пичоқлар тақиллайди, уйларнинг пастки қаватларидан тўхтовсиз тайёрланаётган нафасни бўғувчи цикорий кофесининг ҳиди анқиб туради,— хуллас, овқат тайёрлаш ва бошқа ишлар бошланиб кетади. Бироқ ҳовли узоқ вақт ҳувиллаб қолмайди. Созандалар жўнаганидан кейин, орадан бир неча минут ўтгач, кўтариб юриб сотувчи: «Поёндоз гиламлар!» деб қичқириб қолмаса, албатта ё сув ташувчи тақир-туқур қилиб қолади, ё бўлмаса дағал қора мовутдан подрясник² кийган, белини боғлаган, яланг бош бир кимса баланд овоз билан: «Ёниб кетган ибодатхона ўрнига янгисини барпо қилишни» ва ҳоказоларни гапириб тиланади. У муқовасига бир неча чақа қўйилган китобига сергаклик билан тикилганича аста-аста девор бўйлаб юриб деразалар ёнига яқинроқ келишга ҳаракат қилади ва ўзининг ожизона илтимосини тинмай такрорлайди.

Шу пайт уйнинг пастки қаватидаги эшикдан бир аёл чиқиб қолади — бирор фельдфебел³нинг беваси бўлса керак.

— Ҳой, яхши одам! Худо хайр берсин, бу ёққа кир,— дейди у.

¹ Ноталар қўйиладиган қия курси.

² Черков руҳонийлари киядиган тор енгли узун кийим.

³ Эски даврда — кичик унвонлик офицер. (Ред.)

Подрысник кийган киши бошини эгиб қўяди, бу эса унинг таъзим қилаётгани эди. У бева хотин уйига кирди. Дарҳол самовар қўйилади. Дастурхонда ноз-неъмат унчалик кўп бўлмаса ҳам, самоварга қайта-қайта сув қўйилиб, узоқ вақт ҳангамалашиб чой ичилади, ер юзиде қандай ажойиб ва қандай ажойибот-ғаройиботлар борлиги сўзланади.

Ҳангома вақтида хонага бошқа бева хотинлар ва ижарага ўтирувчи аёллар кириб келишади, охири кўплари кўз ёши қилиб оладилар. Подрысник кийган мусофир эса қўшни қўрага ўтиб олиб, яна ўша «ёниб кетган ибодатхона» куйини ва ҳоказоларни айтиб тиланади.

— Ҳой, яхши одам! Бирпасга бу ёққа кириб чиқ!— деган овоз бу гал том тагидан эшитилиб қолади. Яна самовар қўйилади ва яна ҳикоялар бошланиб кетади. Бу ерда ҳам суҳбат мавзуи ўша ёниб кетган ибодатхона бўлади.

Бирпас орага сукунат чўкади; ҳар хил қиёфага ва ҳар хил миллатга мансуб тиланчилар алмашилиб туради. Мана дабдаласи чиққан қандайдир сюртуқлар, баданларига чиппа ёпишиб турадиган тўқима шим кийган бир тўда одамлар кириб келишади. Булар орасида анчагина болалар ҳам бор. Болалар ҳам оёқларига тўқима шим ўраб, бошларига ранг-баранг ленталарга ўралган гулчамбар кийиб олишган. Булар акробатлар; улар ҳашпаш дегунча ечиниб, ҳовлидаги ҳўл тошлар устига илма-тешик бўлиб кетган гиламини ёйиб, томошаларини бошлаб юборадилар. Шарманка ва дўмбира садоси янграётганда бу гадоилар думбалоқ ошадилар, болаларни қийнайдилар: сизнинг кўз олдингизда қандайдир бир полвон (бутун тўданинг бошлиғи бўлса керак; демак — жамики гадоиларнинг гадои деяринг) бир қўли билан кичкинтойнинг белбоғидан ушлаб олади-да, шу ерда тўпланган халойиқ тепасига кўтариб, уни французча музика куйига қўл-оёқларини типирчилатишга мажбур қилади. Бу кичкинтойнинг (ўғлими, қизими эканлиги маълум эмас) келажак тақдирини беихтиёр ўйлашга мажбур бўласиз. Бу ерда энди ўргатилган тиланчиларни кўрасиз: тиланчилик буларга отадан болага мерос бўлиб қолади.

Ниҳоят, сон-саноксиз шарманкачилар чўнтагингиздаги пулга умид боғлайдилар. Улар кун бўйи ойнангиз

тагида шарманкаларини ғувиллатадилар, шарманка ҳар хил арияларни, рус куйларини чалади, овози ширали, бир қўли йўқ солдат нақаротли ашулаларни айтмоқда. Башарти сиз қўчага чиқиб қолсангиз у ерда ҳам сизни тинч қўйишмайди: биронтаси чўнтагингиздан фойдаланиш истаги борлигини изҳор қилади. Агар сиз доим бир кўчадан юрадиган бўлсангиз, ҳар куни бир жойда, бутун бадани латта-путталарга ўралган кўр солдат турганини албатта кўрасиз; унинг ёнида ҳам увада кийимли кампир туради; солдат «Сой бўйлаб, Казанка ёқалаб»ни ёки бошқа бирор куйни чалади,— кампир ашула айтади. Бу манзара таъбингизни хира қилади. Бу жойдан қачон ўтсангиз, чолу кампирнинг бир тахлитда турганини кўрасиз, кампир хириллайди, чол эса бўғиқ овозли шарманкасининг дастасини айлантиравериб, бир қўли билан чақа ташлашмадими, деб шарманканинг устини пайпаслайди.

Бундан ташқари, сиз кундузи ҳам, кечаси ҳам ўзларини истеъфога чиққан капитанман деб, худди сизни деб, сизнинг осойишталигингиз учун Севастополда ўзининг муборак қонини тўккан офицерман деб атайдиган баъзи бир шахсларга дуч келасиз.

Кенг яғринини қимтиб, фуражкасини бошининг бир чеккасига қўндирган бу ҳарбий киши жуда таъсирли овоз билан ўз илтимосини изҳор этади:

— Ҳимоясиз қолган офицердан ёрдамингизни аяманг! Хизматга кирай деб ариза бериб эдим — жой йўқ экан... Хотин, бола-чақаларим бор. Жуда ўтинаман, уч сўлковой беринг!

— Иложим йўқ.

— Худо ҳақи...

— Тўғриси айтсам, ўзимнинг ҳам бунчалик пулим йўқ.

— Қўлингиздан келганча-да.

— Мана бир танга — олинг.

— Оҳ! Афандим! Аҳволим қанчалик оғир эканини тушунмайсиз-да... бироқ... ҳа, майли. Раҳмат! Гарчи, бунчалик кам бериб, бировнинг кўнглини қолдириш гуноҳ дейиш ҳам мумкин...

— Ноилож.

Йўлингиздан юриб кетасиз.

— Афандим, бир кунмас, бир кун худо бунни ёдингиз-

га туширади!— деб орқангиздан қичқириб қолади ҳалиги шахс.— Шу пайтдаги туйғуларимни бошингиздан кечирсангиз эди...

Сиз йўлингизда давом этасиз.

— Бир танга берди-я!.. Чўчқа!— деб қўяди у, сизни эшитмайди деб ўйлаб.

Бу гал сиз кимсасиз бир кўчадан ўтиб борасиз. Қоронғи кеча. Йўлингиз полицияхона турган ердан ўтапти. Жимлик, фақат ўз қадамингиз товуши эшитилипти.

— Муҳтарам жаноб!— деган гап ёнгинангиздан эшитилиб қолади.

Қайрилиб қарайсиз: бошига козирёги йиртилиб кетган фуражка, эгнига енгилгина костюм кийган қандайдир бир шахс турибди.

— Хўш, нима гап?

— Сиздан сўрасам мумкинми, менга полицияхона зарур эди, қаердалигини айтиб беролмайсизми?

— Ана, рўпарангизда турибди-ку!

— Ҳа, шунақами? Ўзим олижаноб одамман, бошпанам бўлмаганидан, ҳукуматдан тунаш жойи сўрамоқчи эдим.

Бу шахс полицияхонада тунамоқчи бўлганини шунинг учун айтиб берадики, ўзининг шубҳали киши эканини, паспорти йўқлиги ва ҳоказолар тўғрисидаги фикрни бошингиздан чиқариб юборишингизни истайди. Агар у ўз ихтиёри билан полицияхонага борар экан, агар у ҳақиқатан ҳам паспортсиз бир дайди экан, демак у худди ўша жойда бўлиши керак, бошқа иложи йўқ. Модомики, у бундан қўрқмас экан, демак у бирон муттаҳам эмас, шундай. Сўнгра бегона одам сизга бундан атиги беш соат илгари ўзининг хўжайини билан Петербургга келганини, хўжайини меҳмонхона номерини беркитиб, калидни олиб кетганини, кўчаларда санқиб юришга мажбур бўлиб қолганини гапириб беради.

— Қани, юринг бўлмаса, мен сизга полицияхонани кўрсатиб қўяй.

— Раҳмат сизга. Марҳаматли афандим... Бўлмаса, кетдик. Бироқ сиз менга бирор ёрдам қилолмайсизми?

— Йўқ, қилолмайман.

Кетиб боряпмиз. Полицияхонанинг эшиги олдида номаълум шахс тўхтаб қолади.

— Афандим! Энди хавотир оляпман...

— Нега?

— Борди-ю, хўжайиним қайтиб келсалар — мен бўлмасам? Уйга борганим маъқул.

— Майлингиз.

— Рост гап, уйга қайтиб борганим яхши. Лоақал беш тийин топилмайдими сизда?

Сўраганини берасиз.

Шундан кейин у қоронғида дарҳол ғойиб бўлади ва орадан кўп ҳам ўтмай сал нарироқда шундай бир «миннатдорчилик»ни эшитиб қоласиз:

— Вой муттаҳам-э Беш тийининг тиқилиб ўлгур! — Ҳалигина юмшоқлик билан сўранган бу шахс қабиҳлик ва беҳаёлик қилади.

Тиланчилар қаторига кирадиган *салопчи*¹ аёллар тоифаси амалдорлар оламида ўзини шундай тутадик, камбағал ва доимо муҳтожликда яшовчи халқ ҳисобига тирикчилигини ўтказгани ҳолда, бирор нарсасўраш тўғрисида оғиз очмайди, чунки оқ кўнгил бекалар сўрамасдан ҳам салопчиларга ҳамма нарсани ўзлари бераверади, чунки бу бекалар ўзларига бир қоп янгиликларни гапириб берганлари учун, чақалоқнинг оғзида тишлари қачон пайдо бўлишини айтиб берганлари учун, онанинг қорнидаги бола — ўғилми ёки қизми эканлигини айтиб берганлари учун, умуман эрта-лабдан бери зериктирмай гапирганлари учун салопчилардан ниҳоятда миннатдордирлар.

Салопчи хотин туғиладиган чақалоқнинг қайси жинсга мансублигини ота-оналарининг муродларини назарга олиб олдиндан хабар беради.

— Ўғил болани жуда яхши кўраман-да! — дейди амалдор хотини.

— Қани, кўрайлик-чи, оппоғим, — дейди салопчи аёл. — Мен ҳозир фол боқаман, сен фақат юзингни кунга ўгириб тур.

Амалдор хотини юзини кунга ўгиради.

— Кўрдингми, қанақа экан. Қани, мана бу жойингдан бир ушлаб кўрай-чи.

— Қитиқлайсан-да, Власьевна.

— Салгина ушлаб кўраман холос. Қалай, қимирладими?

— Ўтган кун сал қимирлагандай бўлиб эди.

¹ Ғийбатчи, пасткаш мешчан хотин. (Ред).

— Шунақа дегин. Семён Петрович-чи, у киши қай томони билан ётадилар?

— Чап томони билан. У киши, ҳамиша чап томони билан ётади.

Салопчи аёл бўлғуси онанинг афтига кўз ташлайди, баданининг турли жойларини ушлаб кўради; амалдор хотини эса қитиғи келганида: «Нима қиялпсан ўзинг, уят эмасми ахир?» деб чинқириб юборади.

— Ҳечқиси йўқ, ўзимизнинг хотин-халажлар иши-ку, ўзим биламан,— бўпти, ҳаммаси маълум.

— Ҳўш, нима экан?

— Ўғил бола!

— Ҳой, Фёкла, дарров самовар қўй! Дўконга бор: қаймоқ, кофе олиб кел... Власьевна, мана сенга гилам! рўмол — дейди амалдор хотини ўзида йўқ хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, салопчи аёллар тоифаси мана шу майда амалдорлар орасида яшаш ҳуқуқини олади; салопчи аёл амалдорларнинг хабарчиси, газетасидир. Агар пойтахтдаги майда-чуйда амалдорлар учун кундалик хабарларни босиб чиқарадиган газеталар бўлганда, уларнинг жуда кўп нухада тарқалиши учун бу газеталарнинг бутун мундарижаси салопчи аёлларнинг ҳикояларидан иборат бўлиши керак эди. Пойтахтнинг ўзидаги ва бошқа жойлардаги майда-чуйда кишиларнинг манфатлари ана шу ёлғон-яшиқ гаплардан, ана шу ғийбатлардан нари ўта олмайди.

Мана шу шарманкачилар, акробатлар, қашшоқ, аммо олижаноб созандалар — буларнинг бари пойтахтдаги қашшоқликнинг ҳар куни кўзга ташланиб турадиган намунасидир. Улар ҳамиша бир хилда бўлади, фақат онда-сонда баъзи бир ўзгаришлар бўлиб қолади, аммо ўйлаб кўрсангиз, ўша-ўша деган хулосага келиб қоласиз.

Аммо баъзан пойтахтда, ёмғир ёғаётган қоронғи кўчада, пойтахтдаги тиланчиларнинг овозига сира ўхшамаган, қишлоқи рус гадойининг ҳазин овози сизни тўхтатиб қолади:

— Отахон! Жонгинам! Бечора гадойларга раҳминг келсин...

Қайрилиб қарайсизу, ўз олдингизда бир тўда оддийгина қишлоқи тиланчиларни кўрасиз: худди хотинлардай оҳ ураётган мужик, бошига кулфат тушиб қолгандан

кейин бирдан ўзини дадил тутиб олган бир аёл,— жулдур кийимли бу эркак билан аёл сизга қўлларини чўзиб туришибди. Бошлари яланг ўғил ва қиз болалар оғизларини очганларича, қўлларини енг ичига тикиб, худди ота-оналаридай аянч ҳолда ниманидир дейишапти.

— Отахон! Ёрдам қилинг!— дейишади улар.

— Сизлар қатлик бўласизлар?

— Бизлар олис жойданмиз, отахон... олис жойдан келганмиз...

— Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинглар?

— Шунақа келиб қолдик-да, отахон, насибамиз бор экан...

— Ўз юртимизни нима қиламиз ахир. Егани бир бурда нонимиз қолмади. Ана шундай қилиб, бошимизни олиб чиқиб кетавердик... Қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, бу ерга ҳам етиб келдик.

— Ўз юртларингдан жўнашга сизларни нима мажбур қилди?

— Вой, ўргилақолай, бошимизга жуда катта кулфат тушди...,— Аёл, зорлана-зорлана бўлган воқиани гапириб беради уларнинг бошига тушган қайғу-аламларни мен бу ерда ҳикоят қилиб бермоқчиман.

II

Россиянинг жанубий губерналаридан биридаги кичкинагина Лемешини қишлоғида эндигина қорлар эриб, баҳор қуёши нурлари таъсирида ер қорайиб қолди. Ниҳоят, ана шу баҳор нурларига юпқагина муз қатламлари ва чуқур жойларда йиғилиб қолган қор бардош беролмай, ўрмон ва далаларда баҳор ҳукмрон бўлиб қолди. Аммо, Лемешини учун баҳор қувончли бир ҳодиса эмасди. Лемешилик деҳқон Иван рўзғор ҳақидаги хилма-хил ўй-хаёлларга берилиб бу йил биринчи марта далага чиқди. У қоп-қора, энди қуриб келаётган ерда — ёрма десанг ёрма эмас, қандайдир уруғсимон бир нарсага кўзи тушиб қолди. Иваннинг юраги орқасига тортиб кетди. У бултур Лемешини далаларидан чигиртка ўтиб кетганини, ўшанда чигиртка бутун осмонни қоплаб олганини, даладаги жавдарзорга тушганини эслади. Иван чўчиб тушиб: «Тухум қўйиб кетмадимикан?» деб ўйлади-да, ҳовлиққанича қишлоғига чопди. Бу қанақа ёрма эканини суриштириб, билиб олмоқчи бўлди. Ҳар бир қишлоқ-

да, шундай қариялар бўлади, улар шу қишлоқда бир маҳаллар юз берган воқиа ва ҳодисаларни эсларида тутадилар. Лемешиди ҳам бундай мўйсафидлар бор экан, улар бир замонлар ўз далаларига чигиртка ёпирилиб келиб, далада нимаики экин бўлса ҳаммасини нест-нобуд қилганини ва шундан кейин қанча-қанча одам қишлоқдан бошини олиб чиқиб кетганини эслардилар. Ўша мўйсафидларни аҳоли далага олиб келди. Қариялар сирли ёрмани анча вақт кўздан кечириб бўлгач:

— Сарана! — дейишди.

Ҳамма жим қолди. Ҳамма худонинг қаҳрига қолди.

— Энди нима қиламиз?

— Энди буни, оғайнилар, кўпайиб кетмасдан йиғиб олиш керак...

Умумий хавф-хатар ва офат шундай катта эдики, кўпчилик дарҳол ишга киришди. Иван кўзи билан кўрган бутун чигиртка уруғини бир зумда қопга йиғиб олиб, волость маҳкамасига топширишди. Ҳаммаси бўлиб тўрт пақир чигиртка уруғи йиғиб олинди. Волость мирзаси эса пинагини ҳам бузмай, менинг зўр бериб меҳнат қилишим соясида 40 пақир чигиртка уруғи йиғилди, хавф-хатар ўтиб кетди, деб бошлиқларга ёзма маълумот топширди. Бошлиқлар ҳам, кўп ўйлаб-нетиб турмай, ўзларининг юқори бошлиқларига, зўр бериб чоралар кўриш соясида, хавф-хатар йўқотилди, 400 пақир уруғ йиғиб олинди, деб маълумот топширишди. Ҳамма ёқ тинчлик ва осойишталик: чоралар тез кўрилди, офат бутунлай йўқотилиб ташланди, ҳар қандай бошлиқлар ҳам ҳаддан зиёд мамнун эдилар. Бунинг ўзигина кифоя қилмай, бошлиқлар у ёқда ҳам мамнун бўлишларини хоҳлардилар. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, у ерда ҳам, чигирткани қириб ташлашда барча волостлар томонидан мислсиз ғайрат кўрсатилганини, бунинг энг яхши натижалар берганини, чунки ерга ташланган ўша қабиҳ уруғлардан 4000 пақир йиғиб олинганини билиб қолишди.

Шу орада Лемеш деҳқонлари ерларини ҳайдаб бўлишди, май, июнь ойлари ҳам ўтиб кетди, жавдари бошоқ чиқариб қолди. Жазирама иссиқ кунлар эди. Ҳар кун ёмғир ёғай-ёғай деб қолар, осмонда қандайдир

1 Жанубда чигирткани шундай дейишади.— автор изоҳи.

тутунсимон кўк булутлар сўзиб юрар, узоқда ёмғир ёғиб ўтгани ҳам кўриниб қолар, иссиқ кун ўртасида момақалдироқ гуриллагани эшитилар, кечалари эса осмоннинг ҳамма ёғида чақмоқ шуълалари ярқирар, ёмғир эса ҳамон йўқ эди, жазирама иссиқ ҳамон давом этарди.

Шундай кунларнинг бирида лемешилик бир деҳқон шаҳардан ўз қишлоғига жавдарзор орқали ўтаётган йўлдан қайтар экан, кўзларини катта очиб жуда ҳайрон бўлди: торгина, узун чўзилиб кетган қишлоқ йўли гўё қимирлагандай, гўё усти сув билан қоплангандай офтобда ярқираб ётарди; бироқ шу қимирлаётган нарсалар яқинида арава гилдираги тақиллаб қолиши ёки от туёғи товуши эшитилиши ҳамано, йўл яна очилиб қоларди. Деҳқон, жон-пони чиқиб: «Сарана!» деган хулосага келди ва ҳовлиққанича аравадан тушди.

У шошиб-пишиб жавдаризорнинг бир чеккасига келиб, ўтириб олди ва даҳшатли бир манзарани кўрди: сон-саноқсиз чигиртка, ҳар бир бошоққа юзталаб ёпишиб олиб, Лемеш қишлоғига қарашли жавдарини нест-нобуд қилмоқда, йўл оша ўрмалаб ўтиб бошқа қишлоқ экинларига ҳам ҳамла қилмоқда эди. Саросимага тушган деҳқон, нима қилишини билмай қолди. От-аравасини ҳам эсидан чиқариб қўйиб, у йўл бўйлаб юриб кетди. Бутун жойни чигиртка босган эди. У бир чақирим йўл босди, икки чақирим йўл босди, Лемеш бир чеккада қолиб кетди, чигиртка эса ҳануз олға босмоқда, ҳануз олға оқмоқда, шу билан бирга, ҳанг-манг бўлиб қолган деҳқон ҳам тўхтамасдан, олға юриб бормоқда. Ишлар даҳшат-ку! Фақат шу пайтда Иван далада топган чигиртка уруғларинигина йиғиш сира кифоя қилмагани, бори-йўғи тўрт пақир чигиртка уруғини йиғиб танбаллик қилингани, хотиржамликка берилгани, худога таваккал қилингани деҳқоннинг эсига келди.

Чигирткани кўриш билан тошдай қотиб қолишга деҳқонни мажбур қилган шу ваҳиманинг ўзиёқ уни ўзига келишга мажбур қилди. У боя от-аравасини қолдириб кетган жойга қайтиб келди. Тез орада Лемеш қишлоғи аҳолиси яна ўз бошига оғир кулфат тушганини билиб қолди.

Хотин-халажлар йиғи-сиғи бошлади, эркаклар ҳовлиққанларича йиғилиб «нима қиламиз?» деган масалани ўртага қўйишди.

— Ҳой диндошлар!— деди оқсоқол зинапоядан туриб,— бу худонинг иши, демак, бу масалада эҳтиёт бўлишимиз керак...

— Худой таолони ғазабга келтирмайлик-да...

— Тўғри!..

— Хўш, диндошлар, энди нима қиламиз бўлмаса?— яна сўраб қолди оқсоқол.

— Кўпчилик нима дейди...— дейишди ҳаммалари бир оғиздан, яъни шу кўпчиликнинг ўзи жавоб қилди.

— Ана шундай қилиб, демак, кўпчиликнинг ўртасида гаплашиб ҳам олайлик...

— Ақлимиз етмаганидан кейин, гаплашиб нима ҳам қилардик!— деб бирдан гап қотиб қолди орадан биттаси жиддий йўсинда.

— Сен, Миронич, бунақа гапларингни қўй. Шундай ҳам бошимизга кулфат тушиб турибди, сен бўлсанг ақиллайсан,— бу ярамайди.

— Бўлмагур гапларни вақиллайверганингдан кейин, ақилламай бўладими? Ўзинг ҳеч нарса тушунмаганингдан кейин, бу тўғрида бирор гап айта оласанми? Қани, гапир-чи!

— Албатта, мен ҳеч нима дея олмайман. Бу бизлар учун янги иш... Демак, қарияларимиз билан бир гаплашиб кўрайлик. Улар нима деркин...

— Қарияларни чақириш керак, қарияларни!— дейишди кўпчилик.

Тўпланишган одамлар қишлоқ маҳкамасининг зинапояси олдида қарияларнинг келишини пойлаб туришди. Дам-бадам шивирлаб гаплашишарди, оқсоқол хараққа ўтириб олиб, шабада ҳилпиратаётган пешона сочини баъзан тўғрилаб қўярди.

— Офатни қара-я! Ё раббим, ўзинг сақла!.. Энди ишларимиз жуда пачава бўлди деяверинг!— деган гаплар онда-сонда эшитилиб қоларди.

Ана қариялар ҳам келишди; улар, ҳассаларига таяниб, томоқларини қира-қира, ярим соатча жим туришди.

— Хўш, отахонлар, қани нима дейсизлар?— деб қайта-қайта сўради оқсоқол.

— Нима ҳам дердик? Бизлар айтамизки, бу ишни қўя қолиш керак!

— Қандоғ бўлди энди бу гапларинг!

— Ана шундоғ, бу худонинг қаҳри, биз гуноҳкор бандалар буни удаламаймиз...

— Шунақа-ю, аммо азизларим... тирикчиликни ўтказиш ҳам керак-ку. Ё бўлмаса, гадойлик қиламизми?

— Худо хоҳласа — гадойлик ҳам қиласан, нима қилардинг? ○

— Диндошлар, — деб гапга аралашди оқсоқол, — бу киши тўғри гапиряпти, биз қулларини ёдига олгани учун, тўғрисини айтганда, худога шукур қилишимиз керак...

Офатга қарши бирор чора кўрмаслик тўғрисидаги далиллар тўғри, муқаррар деб топилди, шундан кейин деҳқонлар ҳам ўй-хаёлга ботиб йиғиндан уйларига қайтиб келишди, хотинлар уларни кўз ёшлари билан кутиб олишди.

Чигиртка эса тобора кўпаймоқда эди. Орадан бир ҳафта ўтгач экинзорга чиқиб ибодат қилинди, экилган ерларни крестлар кўтариб, айланиб чиқилди. Яна бир ҳафтадан кейин тагин бир ибодат қилинди. Худонинг қаҳр-ғазаби ниҳоят даражада қаттиқ эди, бинобарин одамлар бу балойи-азимдан қандай қутулиш чораларини ўйлаб қолишди. Офатга қарши кўрилиши керак бўлган бу чоралар ҳақида даставвал баъзи бир помешчиклар ўзларини кўрсатдилар, бу помешчиклар азалдан агрономия билан шуғулланиб, немис китоблари асосида рус хўжалигини ўрганиб келардилар.

Лемешдаги бошиқлар томонидан кўрилган биринчи тадбир шундан иборат бўлдики, қишлоқдаги ҳар бир хўжаликдан волостга тўққиз газдан сурп топшириш талаб қилинди; бу талаб дарҳол бажо келтирилди; сўнгра бу сурпдан ҳар бир уч десятин ерга палаткалар қурилди. Агрономлар чигиртканинг эшитиш қобилияти жуда кучли эканини назарга олиб, шундай бир хулосага келишди: бўз палаткаларнинг ичига чуқур қазилади ва ҳар бир палаткага биттадан ўғил бола ўтқизиб қўйилади. Бола беданани алдаб чақирадиган куйда сибизғи чалади, чигиртка эса музика садосини эшитиб, палаткага кириши, ўрага тушиши биланоқ, ҳалиги созанда уни махсус тўқмоқ билан уриб ўлдириши керак.

Ана шундай қилиб, палаткалар қурилиб бўлди, бутун уездда ҳар бир десятин ерга созандалар ўтқизиб қўйилди, уларнинг сибизғилари визилламоқда, жавдаризорда эса ҳар хил қурт-қумурсқаларнинг чириллаши сон-саноксиз чигирткаларнинг ёпирилиб келишини эшиттирмай қўймоқда, чигиртка экинни бошоғидан олиб илдизига

пест-нобуд қилиб, тузоққа тушиб қолишни хаёлига ҳам келтирмай, ҳамон олға силжимоқда.

— Хўш, нима бўлди, ўлдирдингми?— деб суриштириб қолишди кечаси даладан қишлоғига қайтиб келган созандадан.

— Ҳа, ўлдирдим. *

— Қанча?

— Беш-олтитасини боладим.

— Нега кам?

— Ўзинг уни ўрага судраб тушириб кўр-чи! Ўзинг, дейман, ихтиёринг билан, чуқурга тушишни хоҳлармидинг! Ўзинг ҳам бурнингни жийирган бўлардинг. У ҳам худди шунақа...

— Бу гапинг тўғрику-я.

— Албатта тўғри-да! Кам эмиш-а! Ё бўлмаса сен уни сочидан судраб ўрага олиб борармидинг?

— Рост, унинг сочи ҳам йўқдир дейман?

— Унда соч нима қилади, у учига чиққан расво бир жонивор-ку, сен бўлсанг ўрага эмиш! Бу камлик қилгандай, сибизга билан алдаб деяпсан! Мен бугун бутун кун зерикканимдан бирам яхши қўшиқлар айтдимки, асти қўявер!

Орадан бир неча кун ўтгач, қишлоққа қайтиб келган бошқа бир созанда ҳам худди шундай гапларни айтди:

— Мен энди бошқа йўл билан бўлмагандан кейин ноилож казачёкни ҳам чалиб кўрдим,— йўқ, муттаҳамлар, биттаси ҳам келмади.

— Йўқ, оғайнилар,— деб қолди орадан яна бири,— бу ҳазилакам гап эмас. Бутун кун ўйинга тушсанг ҳам, ҳеч нима қилолмайсан.

— Бу гапинг тўғри!

Тез орада агрономлар ҳам, бунинг ҳақиқатан ҳам бўлмағур, бемаъни иш эканлигига ишониб қолишди. Натижада, орадан бироз вақт ўтгач, барча палаткалар йиғиштириб қўйилди. Хотин-ҳалажлар оқсоқол маҳкамасига келиб, сурпларини талаб қилиб қолишди.

— Вой, кампирлар-эй,— деди мирза,— худони танийсизларми ўзларинг?

— Христиан бўла туриб, худони нега танимас эканмиз!— дейишди аёллар,— худонинг паноҳида яшайпмиз-ку!

— Шундай бўлса, қанақа сурпни сўраяпсиз?

— Об-бо!.. Ўзимиз берган сурпни-да... Сурпни осмонга олиб кетишмагандир-ку...

— Бу гапларинг тўғри! Мен ҳам худди шуни гапиряпман-ку...

— Сенинг нима деяётганингни худо билади. Сен бу ишларга уста бўлиб қопсан, бизларга эса жўнгина сурпларимиз зарур.

— Бу гал ҳам тўғри гапиряпсизлар, аммо гап бундаки, ўша сурпни мен сенларга қаёқдан топиб берай? У сурпларинг балки шу топда жуда олис жойлардадир, сурпларингни балки урушга олиб кетишгандир, у ерда саллотларнинг яра ва жароҳатларини боғлашаётгандир... а?

Кампирлар жим қолишди.

— Ахир ўша саллотлар ўз болаларинг-ку. Наҳот уларга сира раҳмларинг келмаса? Уларни қуруқ қўйсанглар?

Кампирлар ҳўнграб йиғлай бошладилар. Мирза эса уларни руҳан ҳамон азобларди.

— А? Сизлар бўлсангиз: «Сурпимизни бер!» дейсизлар-а. Қани айтинг-чи, мен ўша сурпни қатдан олиб берай сизларга?.. Бечора саллотларнинг аҳволи бусиз ҳам оғир...

— Вой, айланайин!..—деб ҳўнграб йиғлаб юборди битта аёл; бошқалар фартуғларини кўзларига тутишди. Мирза ҳамон уларни қийнайверди:

— Яхши эмас... Бу ишларинг яхши эмас, кампирлар! Гуноҳ бўлади. Худойи таоло бунақаларни яхши кўрмайди. Шу топда ўлиб қолишларинг мумкин ахир!

Шу гаплардан кейин, ҳўнграб йиғлашаётган кампирлар уй-уйларига тарқалишди. Мирза эса кампирларнинг орқасидан:

— Бунақа ўйлаш жуда зарарли-ку, онахонлар...

Биласизларми, қиёмат кунида бунақа ишларинг учун нима бўлади! Қаттиқ жазосини тортасизлар-а! Маъқулламайман бу ишларингни, сира маъқулламайман!.. Сурп эмиш-а! Вой очкўзлар-э!—деб қолди, кейин маҳкаманинг даҳлизига кириб кетди.

Агрономлар тез орада ҳақиқатан янги бирор чора кўриш керак, деган хулосага келишди. Уларнинг доно мулоҳазалари, орадан кўп ўтмай, қишлоқ йўлларида кечалари гулханлар ёқиш керак деган қарор билан туғади: Агрономларнинг фикрича, чигирткалар, ҳечшубҳа-

сиз, оловга келиши керак, сўнгра, албатта, ҳеч шубҳасиз, ўша оловда куйиб кетиши муқаррар эди. Бу мўлжал тўғри чиққан бўларди-ю, лекин бунинг учун биттагина шарт бор эди, чунончи: чигиртканинг ақл-идроки тўғрисида агрономларнинг умидлари рўёбга чиқиши, яъни чигиртка: бошлиқларни безовта қилишим ўрнига, тўппа-тўғри гулханга ўзим ётиб олишим керак, чунки бу ишда ҳойнаҳой ўзим айбдорман-ку, буни тушуниб олишим лозим ахир, деган қарорга келиши керак эди.

Бироқ, гулхан ёқиш учун шох-шабба даркор. Бунинг учун ўрмон назоратчисининг шох-шаббага ижозатини олиш зарур. Оворагарчилик, ариза-паризалар ёзиш бошланиб, иш чўзилиб кетган бўларди. Буни назарга олиб, деҳқонлар ўзларининг четан деворларини фидо қилишга қарор беришди. Гулханлар гуриллаб ёниб кетди. Лекин бахтга қарши битта ҳам чигиртка жазо майдонига ўз ихтиёри билан келиб таслим бўлмади. Бунинг аксича, гулханлар теварагига жойлашиб олган болаларнинг шовқин-сурони, ёнаётган новда шохларнинг чирсиллаши чигирткаларни гулхандан анча олисга ҳайдаб юборди. Жавдарзорда шитирлаган овозлар кучайиб қолди, чунки чигирткалар ёпирилиб оловдан нари томонга ўтиб олишди.

Шундай қилиб, бу чора ҳам бир натижа бермади. Ниҳоят, агрономлар худонинг амрига бўйсунушга, яна бир марта кўпчилик билан ибодат қилишга ва маслаҳат сўрагани бошлиқларга одам юборишга қарор бердилар. Шошилишч ёрдам жуда зарур эди, чунки салгина фурсат ўтиши билан, чигиртканинг бошқа жойларга кўчиб кетиши аниқ эди; айни шу пайтда у қанот чиқараётган эди, яна икки ҳафтадан кейин унинг учиб кетиши аниқ эди. Шу пайтда у жавдарнинг илдизидан бошоққа қараб юқори ўрмаламоқда эди; натижада, бир кечаю кундуз ичида, аллақанча десятина жавдар ўрнига қуруқ похолнинг ўзи қолиб кетди: бутун донни шу муддат ичида чигиртка еб бўлди. Айни замонда, бу ҳақда ёзилган қоғоз ҳам бошлиқлар томонидан олинди. Шу ондаёқ бир амалдорга, чигиртка пайдо бўлган жойларга бориш ва бу ҳақда батафсил маълумот топириш вазифаси юклатилди.

Якшанба кунларидан бирида, тонг пайт озгин учта деҳқон оти қўшилган арава губерна шаҳрига учиб бо-

рар, ўртадаги отга оқ чакмон, оёрига илма-тешик чипта ковуш, бошига оқ телпак кийиб олган бир ўғил бола минган эди. Отлар кучлари борича чопар, уларнинг орқасидан ҳавода қуюқ чанг-тўзон кўтарилар, от абзали бўлса керак, чилвирлар судралиб борарди. Ўғил бола отларни шунинг учун жон-жаҳди билан ҳайдардики, мирза уни жўнатаётганида, «дарров» деган сўзни алоҳида уқдирган: бундан ташқари, боланинг елкасига осиб олган тўрвасида, конвертига ғоз патидан ишланган қалам билан ўша «дарров» деган сўз ёзилган эди. Ана шунинг ўзи отларни зўр бериб ҳайдашга болани мажбур қиларди. Натижада, от минган қишлоқиларнинг кўз олдида тез орада шаҳар намоён бўлди.

Чигирткага боришга тайёрланган амалдор ҳам ҳовлиқишда деҳқонлардан қолишмас эди, чунки амалдорнинг қоғозига ҳам ўша «дарров» деган сўз ёзилган эди. У бирпасда черковга кириб чиқди. Тушки ибодат тугай деб қолган эди, бинобарин у шошиб-пишиб икки-уч бор сажда қилди-да, бошқа художўйлар билан бир қаторда черковдан чиқди.

— Хайр энди, Пётр Прокофьевич,—деди амалдор,—жўнаяпман!

— Ҳа, йўл бўлсин?

— Чигирткага.

— Анча вақтгами?

— Сизга нима десам экан энди? Икки ҳафта қолиб кетсам керак...

— Шунақами? Икки ҳафтача денг? Биласизми, мен сиздан илтимос қилмоқчи эдим: менинг Костямни ҳам ўзингиз билан оборсангиз-чи!

— Бўпти, нега олмас эканман?

— Ростдан ҳам-а! Боласи тушгур жуда синчков-да. Бу унинг учун фойдали бўлади.

— Жоним билан. Бўлмаса, Костянгизни сафарга тайёрлаб қўйинг... Соат иккида мен сизникига аравада келаман...

— Хўп.

Соат иккида Костя сафарга тайёр эди-ю, амалдор тайинланган вақтга етиб келмади: у икки-учта жойга хайрлашгани кириши керак эди, чунки унинг ҳам кўнгил қўйиб юрган ўз маликалари ва ҳоказолари бор эди.

— Хайр энди, Марья Васильевна...—деди амалдор.

— Хат ёзинг,—деб қўйди қиз, йиғламсирагандай.

— Ҳа! Аблатта ёзаман... Ҳар гал, ҳар лақиқада ёзиб тураман. Аммо сиз мени ёдингиздан чиқариб қўймайсизми?

— Гапингни қара-ю!— деди қиз, шунчалик азоблайсан-а!..

Амалдор кафтини пешонасига қўйди-да:

— Ҳой, қизлар, қизлар-э!— деб гапини тугатди.

Амалдор жуда таъсирланган эди. Шу пайтда у «Қазак Дунайнинг нариги ёғига борди», «Жононим, сен билан хайрлашаман» ашулаларининг маъносини ва булар кулгили нарсалар эмаслигини аниқ тушунганди.

Шундай қилиб, амалдор соат тўртдагина уйига етиб борди.

У ҳовлиққанича овқат ейишга ўтирди, уйдагиларни: тарантасга турли-туман сафар қутиларини, лаш-лушларини дарров солинглар, деб шошилтираверди. Соат олтиларга бориб ҳамма сафар тараддуди тамом бўлди. Амалдор эгнига енгилгина оқ пальто кийиб олган, пальто тугмасига тамаки халтачаси осиб қўйилган эди... Бироқ, бу билангина ҳали шаҳардан чиқиб кетиш учун ҳамма нарса таъмин этилган эмас, Костяни олиш учун унинг отасиникига кириб чиқиш керак эди. Костя бўлса, сафарга батамом тайёр, ҳадеб зинапояга чиқиб қарар, «келишяптими» деб муюлишга ҳам бориб келарди. Костянинг отаси ухлаб ётарди. Соат етти бўлай деганда тарантас етиб келди, Костя ҳовлиқиб отасини уй-ғота бошлади.

— Ҳа, нима гап?

— Келишди!

Костянинг отаси ётоғидан турар экан, амалдор чакка сочини тўғрилаб, залда нари-бери юриб турди. Ниҳоят, уй эгаси кириб келди.

— Ҳа! Тайёرمىсиз... Мен ҳозир... Йўл оёғи қилиб қиттак-қиттаккина ичиб олайлик дейман-а...— деди у ва залдан чиқиб кетди.

— Фёдор,— деди пичирлаб даҳлизда уй эгаси, шошиб-пишиб, кучерга,—ғизиллаб бориб бир шиша Дон виносидан олиб кел... Илдамроқ бўл!..

Залдан туриб амалдор, мезбон эшитиши учун жўртага овозини баланд қилиб:

— Оворагарчиликнинг нима кераги бор?—дерди.

— Илдамроқ, илдамроқ!

Бир шиша вино, орадан бир соат ўтгач яна бир ши-

ша вино, ярим соатдан кейин эса бир графин ароқ келтирилди.

— Мен ҳаммасини қиялпман, қўлимдан келганича ҳаракат қиялпман, қийналялпман...— дерди кайфи ошиб кетган амалдорлардан бири.

— Нега улар менга бунчалик жабр қилишяпти, ахир? Тергов вақтида қўлимни чиқариб қўйди-ку, шу кифоя эмасми?

Амалдорлар шундай ғамгинлик билан гапирардиларки, буни кўрган кишининг юраги тилка-пора бўлиб кетарди.

— Қачон жўнаймиз энди?— деб сўрайверарди Костя.

— Ҳо-зир, ҳо-зир!— Зўрға гапирарди амалдор.

— Отлар тайёр.. чарчаб қолишди.

— Ҳоз-зир, эркатойим... Қани, бери кел-чи...— Амалдор Костяни бўйнидан ушлаб олди-да, ўзига яқин келтириб, ҳўл лаблари билан ўпди, Костя эса оғзини енги билан артиб қўйишга мажбур бўлди.

Шу вақтда тарантас ёнида эса қуйидаги манзарани томоша қилиш мумкин эди: энагалар болаларни олиб чиқиб, тарантасдаги болишларга ўтқизиб қўйишди, улар болаларни қўлтиқларидан ушлаб, сакрашга мажбур қилишар ва:

— Ана жўнаб кетдик... ана жўнадик...— дейишарди. Болалар ҳам ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

— Мени ҳам... мени ҳам...— деб чинқирарди, тротуарда турган бир қизча, қўлларини чўзиб.

— Шошмай тур, сени ҳам... Ванечка эндигина аравага чиқиб олди-ку, сен бўлсанг неча бор сайр қилдинг,— яна сени аравага солайми?.. Рашк қиласанки...— деб уришиб берди энага.

Қизча муштрларини кўзига қўйиб, йиғлаб юборди, унинг кетидан, бошқа болалар ҳам йиғлай бошлади.

Энага қўлларини пастга тушириб, ўтириб олди-да:

— Ана холос!.. Йиғи-сиғи ҳам бошланиб кетдими? Даданг эшитиб қолсалар-чи... калтак ейсан-а, йиғлоқи...— деди.

Шу он, деразадан бошини чиқарган дадаларининг:

— Нима гап ўзи? Қим йиғлаяпти! Ҳаммангни калтаклайман!..— деган овози эшитилиб қолди.

Болалар жим бўлишди...

Кечқурун соат ўнларга бориб, ниҳоят, аравага ўтиришди.

Қип-қизариб кетган амалдор, тарантасдаги болиш устига зўрға ўтириб олгандан кейин, бекорчиликдан:

— Овқат едингми?—деб сўради боладан.

— Ҳеч нима емадим,— деб жавоб қайтарди бола.

— Қани, бўлмаса жўнадик!

Жўнаб кетишди. Далага чиқиб олганларидан кейин, амалдорнинг бирданига ватанига нажот бериш зарурлиги эсига тушиб қолди. Худди шу пайтда унинг миясида «дарров» деган гап айниқса зўр бериб гувилларди, шу сабабли у кучерга ғайрат билан: «Отларингни ҳайда!» деб ўшқириб қўйди. Бироқ улар ҳар қадамда янгидан-янги тўсқинликка учраб турардилар.

Шаҳардан чиққач бир неча чақирим йўл босишлари биланоқ, шаҳар атрофидаги кичик бир қишлоқдан ўтаётганларида, кўчада шу ерлик руҳоний дуч келиб қолди. Гапдан гап чиқиб, анча ҳангамаллашиб қолдилар.

— Қани, бизниқига кириб, чой-пой ичайлик,— деди руҳоний.

— Ўтиришиб қоламиз, дейман-да... Майли, бўлмаса, бир стакандан ичсак ичайлик,— деб рози бўлди амалдор.

Руҳонийниқига кириб, чой ҳам ичишди, ароқдан ҳам ичишди, демак, бир-бирлари билан сирлашиб ўтиришди. Сўнгра узоқ вақт хайрлашишди: аввал залда, сўнгра олдинги бўлмада, кейин зинапояда туриб ҳар бирида бир соатдан хайрлашишди. Ниҳоят, амалдор жўнаб кетди. Тун жуда қоронғи эди. Тарантас астагина олға силжир, бутун кун жазирама иссиқда туриб толиққан отлар илдам юрмас, ғилдираклар баъзан издан чиқиб, тарантас қийшайар, амалдор ғазабланарди. Ниҳоят, йўл бориб-бориб чуқур бир кўлмакка тақалди. Амалдор тарантасдан тушиб, кучерга: «Бўш тарантасинг билан ўзинг бир амалаб ўтиб ол» деб буюрди. Тарантаснинг ғилдираклари ғижирлаб, қоронғида кўздан ғойиб бўлди: фақат шапир-шунур эшитиларди, ниҳоят отлар кўлмакдан ўтиб олди. Отларни алмаштирадиган бекатга етиб олиш учун яна беш чақирим йўл босиш керак эди. Шу беш чақиримни йўловчиларимиз роса беш соатда босиб ўтишди; ниҳоят қишлоққа кириб келишди. Қишлоқ жимжит, ҳатто итлар ҳам уйқуда эди. Қопқора четан деворлари зўрға кўзга чалиниб турган кўчалар кеча ёққан ёмғирдан ўтиб бўлмас ботқоқликка айланган эди. Мана, ниҳоят, бекатга ҳам етиб келишди.

Кучер аравадан тушиб, оёғи билан эшикни қаттиқ тепа бошлади. Ичкаридан аллақандай бўғиқ овоз эшигилди. Шу он ҳовлидаги итлар вовиллади. Кучер ҳамон эшикни тепарди, ниҳоят қоронғида, оқ кўйлак кийган кишининг қораси кўринди.

— Сен ўнбошимисан?

— Ха, ўнбошиман.

— Попникига обориб қўй.

Ўнбошининг бошида шапкаси йўқ эди. У бирпасда кучер ёнига чиқиб олди.

Руҳонийнинг уйидагилар ухлаб ётишарди. Ўнбоши дарвозани тақиллатган эди, ҳеч жавоб бўлмади. Фақат ҳовлидаги итлар қаттиқ вовиллади.

— Итлари жуда ёмон-да!—деди ўнбоши.

— Тақиллат!—деб унинг сўзини бўлди амалдор.

Ўнбоши, тақиллатаверишдан фойда чиқмаслигини кўргач, бир оёғи билан тарантас шотисига чиқиб олди, сўнгра бир амаллаб дуғага ўтди, дуғадан эса дарвоза тепасига чиқди-да, дарвозадан ошиб нарийёққа тушди, унинг чипта ковуши кўрадаги лойга шалоплаб тушгани кўчада турганларга эшитилди.

Амалдорнинг бемаҳал келиши ҳовлидагиларни саросимага солиб қўйди. Руҳоний меҳмон келганига хурсанд бўлди, нари-бери чопиб, дарҳол самовар қўйдирди. Гапдан гап чиқиб, чигиртка ҳақида гап очилди.

— Лемеши қишлоғи тўғрисида ҳеч гап эшитмадигизми?—деб сўради амалдор.

— Эшитмай бўлармиди?

— Хўш, нима гап экан?

— У ерда аллақандай янги бир нарсa ихтиро қилишган эмиш.

— Қанақа нарсa экан?

— Аллақандай тўқмоқ эмиш. Хўжайинимиз атайлаб у ерга бориб келдилар — худо сақласин, мабодо бузда ҳам шунақа офат, балo-қазo рўй бериб қолса, бунга қарши олдинданоқ чорасини кўриш учун деган фикр билан-да...

— Ҳа-ҳа... Хўш, ўша қанақа тўқмоқ экан ўзи?

— Биласизми, ўша оддий бир тўқмоқ экан, таёқ тахтачанинг қоқ ўрта жойига тиқиб қўйилган экан. Деҳқон ўша билан чигирткага ҳамла қилиши, уни кўриши ҳамонo ҳалиги билан чигирткани уриши керак экан.

Бироқ руҳоний бу тўғрида гапириши билан бирга, шу

ерлик қарияларнинг бу ҳақдаги баъзи фикрларини ҳам айтиб берди: биринчидан, деди у, ўша тўқмоқ шу жиҳатдан ноқулайки, у ҳашаротни батамом эзиб ташламайди, балки ерга тикиб қўяди, кейинчалик чигиртка кўмилган жойидан чиқиб олиб, саёҳатини давом қилдиравериши мумкин; иккинчидан, мазкур асбоб шу жиҳатдан ноқулайки, чигиртка жиндаккина шитирлаган овоздан ҳам ҳайиқиб қочади, у қадам товушини, худо билсин, қанча жойдан эшитиб туради; демак, сиз уни ҳеч қачон қувлаб ета олмайсиз, чунки сиз оёқ тагидаги бошоқларни шитирлатишингиз билан, унга буни олдиндан билдириб қўясиз.

Гап-ҳангома чўзилиб кетди, вақт ярим кечадан ҳам анча ўтиб қолди, шу сабабли амалдор эртасига анча кеч ўрнидан турди. Нонушта, закускалар бошланиб кетди. Шундай қилиб, йўлга фақат соат иккилардагина чиқилди. Ниҳоят, йўл-йўлакай помешчикларникига кириб чиқиш билан ўтилган саёҳат яна икки соат давом қилгандан кейингина йўловчиларимиз бир амаллаб Лемешига етиб олишди. Кун жуда иссиқ, қишлоқда ҳеч ким кўринмасди. Бугун халқ ўлган ёки бир ёққа кўчиб кетгандай эди,—ҳатто кўчада одам излари ҳам кўринмас эди; вақти-вақти билан эсиб турган шабада арава ғилдиракларининг изини ҳам қум билан кўмиб ташлаган эди.

Амалдор бекатга кирди; уйнинг ярмига кўз ташлаган эди — ҳеч кимса йўқ, иккинчи ярмида — ҳарракда қўлини тиззасига қўйган бир кампир ўтирарди; кампирнинг қўли латта-путталар билан ўралган эди.

— Қани ўнбоши?

— Ўнбоши уйда йўқ, болагинам.

— Нега йўқ?

— Чигирткага кетишган, чигирткани ўлдиргани...

— Ҳар ҳолда эркаклардан бирортаси бордир ахир?

— Ҳеч ким йўқ... Бугун ўғлимнинг навбати... Лекин улар ҳаммалари чигирткага кетишган, мен бўлсам ўғлим учун қўриқлаб ўтирибман.

— Хўш, нимани қўриқлаяпсан?

— Худо билади...

Амалдор далага оборишни буюрди. Йўл-йўлакай анча вақтгача ҳеч зот кўринмади; ниҳоят нарироқда жавдар ичидан бировнинг боши кўриниб қолди, сўнг-ра, орадан кўп ўтмай, бирталай эркак ва аёллар кўри-

нади. Улар ҳаммалари узун қатор бўлиб, қўлларига супурги ушлаб юрардилар, ўша супургиларини салгина шитирлатиб, бошоқларни пайхон қилиб, аста-секин олдинга силжирдилар.

Амалдорни кўрганлари ҳамоно, бари гапирмай, жим қолишди. Шу ердагиларга бошчилик қилаётган эркаклардан бири, амалдор пайдо бўлиши биланоқ, бошидаги шапкасини олди, бу киши — қишлоқ мирзаси эди.

— Ҳорманглар, оғайнилар! Ишларинг қалай кетяпти?—деди амалдор.

— Энди, худога шукур, яхши бўлди.

— Қандай қилиб?

— Ҳайдаяпмиз... Жуда жадал чопяпти, чунки товушдан кўрқар экан...

— Энди марҳамат қилиб нари томонга ўтсалар, анча жойгача чигирткани кўрмайдилар... Жуда узоққа кетиб қолди...

— Хўш, сизлар уни қаёққа ҳайдаяпсизлар?

— Махров уездига-да,— чегара бори-йўғи икки чақирим келади, холос, кечгача ҳаммасини ҳайдаб юборсак керак дейман...

— У ёққа ҳам, жавдарга ҳайдаяпсизларми?

— Бўлмаса-чи... Нима қиламиз ахир...

— У ерда ҳам чигиртка жавдарни нест-нобуд қилиб қўяди-ку.

— Бизга нима... Нобуд қилса-қилаверсин...

Амалдор саросимага тушиб қолди: назарида, бировларга кулфат солиб, ўзингни қутқазиб қолиш — унчалик яхши иш эмасди; айниқса Махров уездининг ҳам айна бир губернага қарашли эканини эътиборга олганда, бундай қилиш ярамасди.

— Хўш, у ерда нима бўлади энди?

— Билганини қилишсин-да... Биз, чигиртка жўнаб қолди, деб маълумот топширсак бўлгани... Шундай ҳам бўладики, ростдан ҳам жўнаб қолади.

Амалдор ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят шундай бир хулосага келдики, мирзанинг оғзаки гапларига асосланиб маълумот топширса ҳам бўлади, шундай қилганда, жадал иш қилгани учун бошлиқлардан миннатдорлик эшитиши ҳам ажаб эмас...

— Майли, билганларингни қилинглар...— деди-да, у, қишлоқ томонга юриб кетди.

Кечқурун лемешиликлар Махров уезди чегарасига

етай деб қолишди. Юравериб ҳориғанликдан баъзилари тўхтаб, кичкинагина оғизли юмалоқ кўзачадан сув ичишар, баъзилари эса ашула айтишар, ҳазил мутойибалар яққолроқ эшитиларди, ҳамма чигиртка ҳақиқатан чегарадан ўтиб кетгандан кейин эса қишлоқда бутун кечаси ашула айтган овозлар янграб турди; халқ бахтиёр эди, зўр бериб кўрилган чоралар тўғрисида бошлиқларга маълумот юборилди. Яна бир марта чин кўнгилдан ибодат қилинди ва шундай қилиб осойишталик бошланди.

Аммо бу осойишталик узоқ давом этмади: бир кун и эрталаб лемешиликлар сон-саноксиз чигирткаларни кўриб қолдилар. Чигиртка бутун жавдарни, бутун йўлни ва ҳатто уйларнинг похол ёпилган томларини ҳам худди қора пардадай қоплаб қўйди. Чигиртка шунчалик кўп эдики, уни овоз чиқариб чўчитмоқчи бўлганларида, қочаётган чигирткалар олдинроқда ётганларининг устларидан сакраб ўтишга мажбур бўлдилар. Бу воқиа оддийгина йўсинда юз берди. Махров уездига қарашли Акулова деган кичик бир қишлоқнинг аҳолиси, қўшни губернадан чигиртка келиб қолгач, унга қарши худди лемешиликларга ўхшаб чора кўрдилар, яъни худди ўшалардай, чигирткани бошқа бир жойга ҳайдаб юбориш билан қаноатланиб қўя қолдилар. Лемешиликлар дув-дув кўз ёшларини тўкаётган бир вақтда, Махров маъмурлари шошилинич ва жиддий чоралар кўрилгани ҳақида палатага қоғоз юбориб, кўпчилик билан ибодат қилдилар.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин, далада битта ҳам бошоқ қолмади: чигиртка ҳаммасини еб қўйди, ерга уруғини ташлади-да, шип-шийдан қилинган ўз манзилдан баайни қора булутдай осмонга кўтарилди. У шундай кўп ва зич эдики, ҳатто қуёш юзини қоплади. Халқ ваҳмага тушиб қолди, одамлар сўнгги кунларини кутишарди.

Қаҳратон қишдаги очарчиликдан кейин, ёз очарчилиги бошланди. Чигиртка ётган жойидан чиқиб бутун-бутун уездларда урчиди. Идоралардан гимназиядаги олимларга бу офатдан қутулиш тўғрисида маслаҳат сўраб мурожаат қилишди. Табиёт тарихи ўқитувчиси бу мурожаатга жавобан хат ёзиб, деҳқонлар жавдарни эмас, чигиртканинги ўзини еб адо қиладиган бошқа бир хил қурт-қумурсқаларни урчитишлари зарур деган

маслаҳатни берди. Бундай тадбир уч юз йиллардан кейин муваффақият қозониши шак-шубҳасиз эди. Аммо ёрдам шу оннинг ўзида кўрсатилиши зарур эди. Бироқ ёрдам кўрсатилмади; турган гап, очарчилик бошланиб кетди, магазинларда жамғариб қўйилган бутун ғалла бултур қишдаёқ адо бўлган эди.

Ана шундай қилиб, тўда-тўда тиланчилар ер юзига тарқалишди.

Қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юравериб, ниҳоят улар Питерга ҳам етиб келишди.

Бу қишлоқи тиланчиларнинг пойтахтдаги сарсон-саргардонликлари тўғрисида—ҳақиқий фактларга асосланган бутун воқияни бошқа бир вақтда ёзадиган бўлдим, бу сафар эса фақат шуни айтиб ўтайки, деҳқон ўзининг соддадил ақли билан кейинги чоғда чигирткага қарши мудрофаа чорасини ўйлаб топибди; бу тадбир шундан иборатки, деҳқонлар ўзлари эккан жавдар билан бошқалар эккан жавдар ўртасида зовур қазир, кейин шовқин-сурон солиб ўз душмани чигирткани ўша зовурга қувлаб туширар, тупроқ билан уни кўмар, кейин эса оёғи билан шиббалаб қўяр экан.

Чет элларда ёки ватанимизда чиққан драмаларни, трагик романларни, романтик трагедияларни кўздан кечирган ҳар бир киши, шубҳасиз, *Нотаниш одамнинг* сирли қиёфасини эсида тутати-ю, аммо бу одамнинг қайси тоифага мансублигини пайқаёлмайди. Нотаниш одамнинг тўсатдан пайдо бўлиши, сирли қиёфаси, инграган овози, испан плашчи билан бепарвогина ҳамда соябони кенг шляпасини кўзига тушириб кийиши уни шундай буркаб қўйганки, унга қараган одам қирра бурунини-ю, юқорига диккайиб турадиган шопдай мўйловини, ниҳоят, плашчи остидан астагина чиқаётган қўлини кўради, холос. Унинг бу қўли аввал полга, гапи тугагандан кейин шипга, яъни осмонга йўналади; ўша қўл ердаги ноҳақликни жазолаш учун осмонга нидо қилгандай кўринади. Буларнинг ҳаммаси нотаниш одамни турмушда учрайдиган одамлардан бошқача қилиб қўяди ҳамда пьесадаги алоқаларнинг боғланишидан ва охири натижадан чигалликни, кутилмаганликни эмас, жонли инсонларни излаган китобхонни ёки томошабинни гангитиб қўяди. Мана шу бурканган қиёфага қараб туриб, рўпарангиздаги шахсга қараганингизда ўзидан-ўзи келадиган қуйидаги саволларни бермасликнинг ҳеч бир иложи йўқ: бу қанақа одам ўзи? Бундай одамлар қерда туғилади-ю, қандай ҳаёт кечирази? Сирли номаълум одамнинг гаплари ҳам, ғоят ёмон қилиқлари ҳам, ёки унинг ниҳоятда яхши ишлари китобхоннинг бу саволларини ҳал қилиб беролмайди, бунинг аксича, унинг бу гаплари ва қилиқлари китобхонни ўйлаб чиқарилган мастарик ва тўмтоқ бу сиймодан рағбатини

қайтаради, бундай одамлар аслда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган хулосага келтиради. Аммо бундай хулосага келиши хатодир, чунки нотаниш одамлар дунёда бор; бўлганда ҳам жуда кўп, турли-туман, ранг-барангдир. Улар ҳаётда бўлмаганда эди, шоирлар ҳам, *адиблар* ҳам, ташқи кўринишлари билан томоша-бинларни ва китобхонларни қўрқитадиган ўша бадбашараларни тўқиб чиқаролмасдилар. Нотанишнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ қиёфасини фош қилишга бир уриниб кўринг-чи, эғнидаги ана шу плашчини ва шу шляпасини олиб ташланг-чи, ана шунда у ўзининг шалдироқ ва дабдабали гапларидан, бир драмадан иккинчи драмага ўтиб сарсон бўлиб юришдан воз кечиб қолади; сиз унинг плашчи остида тирсаги ва қўлтиғи йиртилган, орқасида бўр излари қолган сюртугини, соябони йиртилган фуражкасини, сочлари ўсиб кетган бошини ва бурнини кўрасиз. Унинг бурнида, тротуардаги устунчага урилиб шикастлангани ҳам кўринади. Бу нотаниш шахс ҳеч қандай яхши ёки ёмон ишларга, ўзгаларнинг ҳеч қандай фожиаларига ва драмаларига тумшуғини суқмайди, чунки у турмушда бўладиган драмаларнинг оқибати полиция участкасига бориш билан, ҳар хил юқори маҳкамаларга муҳрли қогозга ёзилган аризалар бериш билан тугашини, шу билан бирга, унинг ўзини жавобгарликка тортишлари мумкинлигини, бунақа ғалвалик ишдан бирпасда қутулиб олиш маҳол эканини яхши билади. Шунинг учун нотаниш одам ҳаддан ташқари аллақандай талаблар билан эмас, дабдабали усул ва гаплар билан ҳам эмас, астагина, камтарин қиёфада, кўпинча кечқурун пайдо бўлади-да, фуражкасини бос-тириб киймасдан, таъзим билан қўлига олгач, қулоғи ёнида тутиб, илгаригидек рўлдураган овоз билан эмас, шамоллаб қолган кишидек овоз чиқариб:

— Афандим!— дейди,—сиз менга қаерда тунашим тўғрисида бир маслаҳат берсангиз.—Яъни бу гапи билан у: «Худо ҳақи, менга бирор нарса беринг, чунки мен ялонғоч, ялангоёқман, очман ва бошпанасизман. Аммо буни мен очиқчасига айтмасдан, саҳнабоп қилиб гапиришимга сабаб шуки, мен ўзим оқсуякларданман... Ҳа! Мен оқсуякман, афандим!..» демоқчи.

Хуллас, сиз яхшилик ва ёмонликнинг энг юқори нуқталарини ўзида тўплаган сирли бир сиймони эмас, тўппатўғри *қорни оч* бир одамни кўрасиз; оч қорни бу нота-

ниш шахсни шу ерга судраб келтирган, кутилмаган кўпгина тўқнашишларнинг, можароларнинг чиқиб қолишига сабаб бўлган. Бу можароларнинг кўпи нотаниш одамга ҳам зарар бериб қўяди. Шоир, ёки умуман ёзувчи буни пайқамай қолибди; у қармоғига бу сиймонинг фақат ташқи кўринишини олиб олибди, яъни унинг пайдо бўлиш сабабини текшириб турмасдан, бу кутилмаган беъмани аҳвол муҳтарам жамоатчиликнинг қалбини ларзага солишда иш бериб қолишини дарҳол фаҳмлаб олибди-да, ўйлаб-нетиб турмай, бу шўрлик одамга бесўнақай кийимларни кийдириб, этаги жуда кенг испан плашчини унинг эгнига солибди, шапкасини бостириб кийдирибди-да, уни саҳнага итариб чиқариб, томошабинларнинг ҳайрон бўлиб қолган афт-башараларини ҳузур қилиб томоша қилибди. Оч қорин эса, ёки бошқача қилиб айтганда ўша нотаниш одам, ҳамон аввалгидек, таъсирланган томошабиннинг тумшуғи тагида, билдирмасдан пайдо бўлаверади; у ё тротуарда тунаб чиқиш учун бошпана берилишини сўраш билан, яъни нотанишликнинг сўнгги даражасида туриб, ёки шунчаки бир ёлғончи қиёфасида майдонга чиқади; айтмоқчи, ёлғон гапирмаса, у энди тирикчилик қилолмайди. Ўша оч қорин, бирон-та тугатилмаган эскизи ёки куплетини кўтариб келиб, ҳеч ким эътироф этмаган рассомлар, шоирлар қиёфасида пайдо бўлади; унинг назарида ана шу тугатилмаган эскиз ёки куплет ҳозирча писанд қилмаган, ҳамманинг бир кун келиб эътиборини ўзига тортиши керак. Ўша оч қорин, ўзларини қаерга қўйишни билмайдиган, фақирликдан ва нодонликдан қийналиб, ҳаёт нима-ю у ўзи нимага керак каби юксак *фалсафий* масалалар устида бош қотираётган жуда кўпгина йигитлар қиёфасида ҳам пайдо бўлади; шу билан бирга, бу ёшлар насияга ишониб нон берган булкафурушларни, ижарага хона берган уй эгаларини ва ҳоказоларни ҳалокатга ўзлари билан судрайдилар; шундай қилиб, уларнинг минут сайин қийналишлари ташқаридан қараганда анча кулгили бўлиб кўринади. Умуман нотаниш шахс, кучсизлантириб қўядиган сон-саноқсиз аҳволлар натижасида, ортиқча одам ва текинхўр бўлиб қолмасдан, ҳар қандай ўз хоҳишича яшаш имкониятидан маҳрум қилинган жуда кўп кишиларнинг намояндаси сифатида ҳам майдонга чиқади. Биз, нотаниш одамнинг ана шу кўзга кўриниб турган тамғасини олдинга қўйиб, у қандай қиёфада пайдо бўл-

масин, қанчалик бурканишга, ниқобланишга уринмасин, ҳеч бўлмаганда, унинг ўша тамғасига қараб, унинг фойдали иш қилишини барбод этувчи сабабларни батафсил билишни хоҳлаймиз.

Гапни провинциядан бошлаймиз, бу ерда урф-одатларнинг азалдан сокинлиги ўша нотаниш одамни пойтахтдаги қашшоқликнинг мудҳиш манзараларига бошлайди. Мисол учун энг таъсирлисини олиб кўрамиз.

2

Кечқурун, N шаҳридаги унча катта бўлмаса ҳам, яхши жиҳозланган хонада умрини уйланмай ўтказган ланжгина бир жаноб очиқ дераза олдида нима тўғрида ўйласам экан деб ўтиради. У куни билан ўзини қийнаган жазирама иссиқ тўғрисида, ҳеч нима ўйлаб, ҳеч нима деб бўлмайдиган ҳозирги қурғоқчилик тўғрисида ўйлади. Яна нима тўғрида ўйласа экан? У шу йўсинда ҳамон ўйлайди, шошмасдан трубкасини чекади, уҳ тортиб қўяди... Тўсатдан, муюлишдан бир извош чиқиб қолади-да, унинг бурчагидан ўтиб, кўча эшиги олдида тўхтади. «Қим экан бу?» Бу саволга жавобан эшикдан бутунлай нотаниш меҳмон пайдо бўлиб қолади. Меҳмон шошиб-пишиб эғнидан ранги айниб кетган люстрин пальтосини ечиб, қўлига буклаб солади-да, уй эгаси олдида тўхтаб:

— Агар янглишмасам, жаноб Хрущов бўлсангиз керак? — дейди.

— Ҳа! — дейди мезбон.

Меҳмон, бир қадам яқин келиб, уй эгасининг қўлини сиқиб, гапиради:

— Агар ёдингизда бўлса — мен Бабковман.

Уй эгасининг ҳайрон бўлиб қараши меҳмонни ўзи ҳақида аниқроқ тушунтиришга мажбур қилади:

— Кузьма Даниличникида кўришиб эдик-ку! Қишлоқда? Зиёфат вақтида?.. Ёдингиздами?.. — деб қўяди Бабков, уй эгасининг қўлини қўйиб юбормай.

— Ҳа, ҳа... Эсимда.

Шундан кейингина уй эгаси, меҳмоннинг афти-ангорини ёдига келтиради, қишлоқда Кузьма Даниличникида зиёфат вақтида уни кўриб қолгани, унга эътибор бермагани эсига тушади... Ўшанда Бабков учар юлдуздек дам у ерда, дам бу ерда пайдо бўлар, ҳеч ким унга эътибор бермас эди. Кузьма Даниличнинг ўзи ҳам Бабковнинг ким эканини эҳтимол яхши билмаган бўлса керак. Аммо

жаноб Бабков бунга сира эътибор бермагандай кўринар, закускалар қўйилган дастурхон ёнига бошқалар қаторида эҳтиётлик билан келиб, меҳмонларга: «Рухсат этинг, марҳамат... Ташаккур билдираман!..» дерди. Кузьма Даниличникида зиёфат тугаганидан кейин, Бабковнинг меҳмонлардан бирига «Йўлдош эканмиз, бирга жўнайлик» деганини, ҳалиги меҳмон Бабковнинг бу таклифини қайтаришга ҳаракат қилиб кўргани уй эгасининг эсига тушди. Айтмоқчи, уй эгаси яна, Кузьма Даниличнинг уйида шу пайтдаёқ бир ҳодиса рўй берганини эслади: ўшанда кимнингдир кумуш тамаки қутичаси йўқолган эди. Мана, бу хотираларнинг бари Бабковнинг шахси тўғрисида ниҳоятда ёмон фикр қолдириб, уй эгасининг миясида бу шахс «муттаҳам» деган хулоса қолдирди. Бундан ташқари, уй эгаси, Бабковнинг тўсатдан бу ерга келиб қолиш сабабини бутунлай тушунмас эди, шу сабабли ундан тезроқ қутулишга жазм қилди...

Шу орада Бабков, уй эгасининг яхшилигига умид боғлаб, бу ерда бошқача вақт ўтказишни мўлжаллаган эди. У уй эгасининг: «Келганингизга жуда хурсандман; нима хоҳлайдилар, чой қуйиб берайми? Ёки майдан хоҳлайдиларми?» деб айтишини кутган эди.—«Йўқ,—демоқчи эди Бабков,— мен... айтмоқчи, рухсат этсангиз...» Уй эгаси: «Извозшакчингизга жавоб бериб юбора қолинг. Унга кира ҳақи қанча тўлаш керак, мен ўзим тўлай...» деса керак деб ўйлаган эди. Ишнинг шу йўсинда боришига деярли имони комил бўлганидан, Бабков шошилмасдан креслони уй эгасига қаратиб бурди-да, илма-тешик бўлиб кетган амиркон ботинка, мой доғлари тушган шим кийган оёқларини чўзганича, тердан кирланиб кетган кенг қўлқопини ечиб:

— Сизга халақит бераётганим йўқми?..—деб сўради.

— Йўқ... Ҳечқиси йўқ...

Бабков қўлқопини, орқа томонига анчагина чанг қўнган оқ фурашкеси ичига ташлайди, сийрак, лекин диккайиб турадиган мўйловини бураб қўяди-да, салгина йўталиб, юқорида, кўрсатиб ўтилган саволлардан бирининг берилишини кутади. Аммо саволлар берилмайди. Бабков бир амаллаб шу саволларнинг берилиши учун ҳаракат қилади, гапни шу томонга айлантириб, уй эгасининг диққатини жалб қилмоқчи бўлади... У провинциядаги зериктирадиган турмуш ҳақида гапиради, уй эгасининг итини мақтайди, шу билан бирга, итлар иш кўрсатган

ажойиб воқиаларни, шу жумладан, Бабковнинг ити жонига ора кирганини ва ҳоказоларни эслаб ўтди... Уй эгаси: «Ҳим»... «ҳа»... «йўқ»... «унақа деб ўйламайман» деган луқмаларни ташлаб ўтиради-да, ўз олдида ҳақиқатан муттаҳам, эзма одам ўтирганига ишончи комил бўлади. Шу орада, гап билан вақт ўтаверади, Бабковнинг аҳволи чатоқлашади: извошқачига кира пули тўланмаган; лоақал бир марта кўришган бўлса ҳам бирор таниши борлигини у эслай олмайди... Уй эгаси, зерикканидан бўлса керак, жунжикиб, индамай ўтиради... Мана шуларнинг барчаси Бабковни ўз гапини ҳазил-мутойибага айлантиришга мажбур қилади, чунки унинг фикрича, провинциядаги бўйдоқлар шунақа гапларни яхши кўрармишлар. У дам у гапни, дам бу гапни бошлаб юборади, қотиб-қотиб кулади, шалоқ латифаларни айтиб беради, пировардида уй эгасини батамом зериктириб қўяди. «Аслида, ўтакетган, ҳайвон экан-ку, бу жаноб» деган хулосага келади-да, лоақал бир рюмка ароқ ичиб олай, шу рюмкадан кейин иш изига тушиб қолиши турган гап-ку, бу ерга келишига — олижаноб бир кишининг бошқа бир олижаноб кишини зиёрат қилиш шаклини бериш мақсадида, уй эгасига унчалик осилиб олмай, ўзи сал совуқроқ муомалада бўлишга жазм қилади. Лекин унинг бу номери ҳам ўтмади... Кейин у, қўзғалмас қопдай кўринган уй эгасига ич-ичидан лаънатлар ўқиб, бу ерга келганига пушаймон бўлиб, гапни бошқа томонга буради, яъни ҳеч қандай кўнгилсиз бир воқиа юз бермагандай қилиб ўзини тутати. У, индамасдан, оғзидан, сийрак мўйлови орасидан тамаки тутунини чиқаради-да, чуқур тин олиб:

— Об-ҳавони айтмайсизми...— дейди.

У бу фикрини шундай тарзда баён қиладики, об-ҳавонинг яхшими ёки ёмонми эканини тушуниб олиш мумкин бўлмай қолади. Уй эгаси алланима деб ғўлдўраб қўяди; Бабков эса, уй эгасига об-ҳаво ёқар экан, деган хулосага келиб, яна қўшиб қўяди:

— Ажойиб-да!

— Бундай бемаза об-ҳавони ҳеч қачон кўрган эмасман, — дейди уй эгаси, деразадан кўзини узмай.

— Яъни экинлар учун демоқчиман-да. Сиз тўғри гапиряпсиз, дарҳақиқат, ёмғир ёққани яхши бўларди,— деб ўз хатосини тузатади Бабков.

— Экинларга ҳозир ёмғир сира керак эмас... Ҳозир ўрим-йиғим пайти...

— Гапингиз тўғри... Шундай бўлса ҳам, салгина ёғиб ўтса дейман, зарар бўлмасди.

— Бир томчи ҳам жерак эмас...

— Рост... Иш вақти-ку... Мен сизнинг фикрингизга батамом қўшиламан, ёмғир ишнинг белига тепиб қўяди, аммо ҳавонинг софлиги учун...

Уй эгаси ич-ичидан, ҳавонинг софлиги учун сал ёмғир ёғиб ўтса зарар бўлмасди-я, деган хулосага келади-ю, аммо бу фикрини Бабковга айтмайди, чунки андаккина мурасага келса, ундан тезгина қутула олмаслигини яхши билади. Бабков тамаки тутунини аввал лабининг бир чеккасидан, кейин иккинчи чеккасидан бурқсатиб, сўнгра эса бошини кўтарганича, шипга қараб, ҳалқа-ҳалқа тутун чиқаради... Аҳвол тобора чатоқлашади. Бабков костюмининг кийилавериб эскириб кетганини, эски қайтарма ёқали кўйлагининг кирланганини, пиджак енглариининг жалталлигини, чандир, қорайиб жетган узун қўлларини, йигитдай кўринишини хоҳласа ҳам, сўлғин ва мижғалоқ юзини, ҳаммасини, ҳаммасини уй эгаси пайқаб турганини сезади. Ишқилиб, ҳамма нарса унга қарши чиққандай кўринади. Бабковнинг ҳафсаласи пир бўла бошлайди. У қуримсоқ уй эгасига кўз ташлаб, астойдил уҳ тортиб ҳам қўяди. Уй эгаси ҳозир уни уйдан ҳайдаб чиқарадигандай, уни ўзи учун сира зарур эмас деб ҳисоблагандай ҳоказо ва ҳоказо қилмоқчидай бўлиб кўринади... Бабков кийналуб қолди... Аммо унинг кўз олдида уй эгасининг ўша беғамлиги, юзидаги илтифотсизлиги, бироқ қайрилишни истамаган орқаси ҳамон бир жойда ўзгармай турганини кўргач, Бабков бирданига ич-ичидан ўзида бирмунча жасурлик... ғурурлик борлигини сезиб қолди. Унда уй эгасининг чўчқадай хотиржамлигини йўққа чиқариш, ер билан яксон қилиш, кўз олдидаги ана шу аҳмоқона провинциал хотиржамликни камситиш, провинция ҳаётидаги шалтоқликни кўрсатувчи бир хилликни деразадан улоқтириб ташлаш истаги пайдо бўлди. Бабков гўё тўла фасоҳат билан, қизиқишиб, ўз ғазабини изҳор этарди. У бу ҳайкалнинг чил-чил синиб кетиши учун нима билан урсам экан деб ўйлаб турди-да, яқинда *кичкинагина* кўнгилсиз воқиа бўлиб ўтганини, яъни қарта ўйнаб тўрт минг сўм ютқизиб қўйганини билдиришдан яхшироқ бир гап тополмади...

— О-ҳо! — деди уй эгаси, бу пулларга сира ачинмай. Катта пул-ку.

— Тўғрисини айтганда, гап пулнинг катталигида эмас... — сустигина гап бошлади Бабков. У Хрушчовни енгиб ва чўчитиб қўйдим-ку, деган хулосага желиб, унга раҳми келгандай, юзига қарамай, ўз тирноқларига тикилиб. — Гап пулда эмас, вақтда... Энг муҳими ана шу...

— Албатта!..

— Мен савдо-сотиқ қилишим мумкин эди; менда яна пул бор... Нима қилай ахир... Қизиқиб кетдим-да!.. Сизга тўғрисини айтсам, мен умуман қарта ўйнамайман... Яъни, агар истасангиз, ўйнайман-у, масалан, худди сиздек ўйнайман...

— Мен ўйнамайман...

— Яъни... Ҳа албатта! Йўқ десангиз, мен ҳам ўйнамайман... Аммо бир жиҳатдан...

— Ҳеч ўйнамайман...

Бабков: «Бу қанақа малъун ўзи?» деб ўйлади-да, гапида давом қилди:

— Биласизми, майда-чуйда пулга... яъни чўнтакда ҳамиша бўладиган пулга, чунончи юз, икки юз сўмга ўйнаш, менимча, гуноҳ бўлмаса керак дейман.

— Ақлсизлик ва аҳмоқона иш бўлади...

— Лекин фикримга қўшилиб қўя қолинг... одамнинг ҳаётида... одам деган шундай яратилганки, ҳар қандай қизиқиш... баъзи бир нарсаларга қизиқмасдан туриб, унинг ҳаёти ҳаёт эмас... балки а-а-а...

— Гапингиз тўғри. Семён! Янги сюртугимни келтир ва соқол-мўйловимни олиш учун устараларимни тайёрлаб қўй... Гапираверинг, жаноб Бабков, қулоғим сизда...

— Жўнамоқчимисиз?

— Ҳа... Бир ерга бориб келишим керак...

— Ундай бўлса,— истар-истамас минғиллайди Бабков,— мен сизга халақит бермай...

Уй эгаси эътироз билдирмайди. Бабков истар-истамас шапкасини топиб олади, бутунлай хоҳламасдан қўлқопларини кияди, ишлари пачава бўлганини англаб, азобланади!.. Меҳмоннинг бунчалик тез жўнамоқчи бўлганига уй эгасининг мамнун экани кўриниб туради. Мезбон Бабковнинг қўлини сиқиб, жилмайганича:

— Бирор жойга шошиляптиларми?... — дейди.

— Ҳа! Зарур...

— Иш чиқиб қолдимиз?— деб сўрайди уй эгаси, меҳмонга бошидан-оёғигача кўз ташлаб.

— Ҳа-ҳа...

— Шунақа денг...

Уй эгаси, шамдонни олиб, Бабковни даҳлизгача кузатиб боради, унинг лабидан илжайиш аримайди; ўша илжайиш, ҳатто масҳара қилгандай тилининг учи чиқиб туриши Бабковнинг кўзи олдидан кетмайди: деворлар, деразалар бошига кийган ўз шапкаси, қўлқоплари, хуллас ҳамма нарса ундан кулаётгандай кўринади. Бабков, бу мулоқотга лоақал бир қадар беозор тус бериш мақсадида, эшикка чиқаётиб, бирдан тўхтади-да:

— Ҳа, айтмоқчи, Зубилов эсингиздами? Қорачадан келган эди?— дейди.

Уй эгаси эсига туширмоқчи бўлиб туради.

— Ушанда, Қузьма Даниловичникида-чи?.. Ҳазилкаш бор эди-ку. Ёдингизда бўлса керак, сиз ҳадеб хохлаб кулиб ёдингиз.

— Йўқ, ёдимга туширолмаяман...

— Улибди!..

— Шунақа денг!

— Ҳеч кимсасиз, бешта етим боласи қолибди.

— Шунақа денг... Жойи жаннатда бўлсин... Хой, Семён, бунинг кетидан эшикни беркитиб қўй...

— Хайр, кўришгунимизча!— дейди Бабков.

— Кўнгилли кўришгунимизча. Эшикни беркит!

— Ҳайда!— деб ўшқирди жаҳл билан извошкачига Бабков.

— Қаерга буюрадилар?

— Тўппа-тўғри! Қаерга борсам экан?.. Аҳволим чатоқ-ку!

Извошкачи муйилишларда отларини секин юргизар, у, хўжайин орқага қайтишни буюриб қолар, деб ўйларди.

— Тўғрига ҳайда!..

Извошкачи Бабковни тўғрига учуриб олиб кетди...

3

Бехосдан пайдо бўлиб, бирпасда ғойиб бўлган Ни-колай Фёдорович Бабковнинг ҳам бошқалардек, ўз дадаси ва аяси бор эди. Коля беш ёшда эканида аяси ўлиб кетди. Ун тўрт ёшда эканида Коля чангга ботиб, куёшда қорайиб, уезд шаҳридан уйига қайтиб келганида (у уезд шаҳрида, қариндошлариникида туриб,

уезд мактабида ўқир эди),¹ Фёдор Никитичнинг икки ўғли (шу жумладан Коля ҳам) ва бир қизи бор эди. Колянинг отаси аслида оддий деҳқонлардан бўлиб, ҳарбийда 25 йил хизмат қилган эди. Узоқ йиллар давомида ҳарбийда хизмат қилиши унинг табиатидан деҳқонларда учрайдиган аҳмоқона қилиқларни бутунлай суриб чиқарган эди. Бу аҳмоқона қилиқ, бу жиннилик баъзан бирортасининг башарасига тушириб қолишга ундайди; мужикларда учрайдиган бу жиннилик ўша мужикни шундай бир гап айтишга ундайдики, бу сўз оғиздан чиқиши ҳамоно, ўн чақирим атрофидаги жой сасиб кетиши мумкин. Бу жиннилик аста-секин йўқола бориб, енгда аллақандай нашивка¹, кўкракда эса узоқ хонада занг ураётган, бузилиб қолган соатнинг овозига ўхшаган йўтал пайдо бўлгандан кейингина батамом йўқолиб кетади; мужикнинг бу жиннилигидан илгари жаҳли чиққанда титроқ босса, энди жаҳли чиққанда майда тер босиб, оғзидан гапи чиқмайдиган бўлиб қолади. Тўғриси айтганда, энди унинг ўз сўзи ҳам қолмайди. Фёдор Никитич, яъни Колянинг отаси, ҳарбийлар учун расм бўлган: «Хўп, тиришаман», «лаббай», «айб мендан ўтди» каби сўзларнигина бошига сиғдира оларди; Фёдор Никитич эса ўзининг бу бошига, бир кунмас бир кун, бирорта гайри диннинг ўқи тегди-ку, деб қарарди. У бу бошини, ҳеч парво қилмай, учиб келаётган дайди ўққа қарши юқори кўтариб борар ва турмушда биттагина «чида» деган сермаъно қоида мавжуд эканига тобора кўпроқ ишонарди. У чидаб юриб, ниҳоят, офицерлик унвони олишга сазовор бўлди... Ана шунда Фёдор Никитич бундан жуда кўп вақтлар илгари, ҳамма яхши кишилардек, ўз ҳаёти бўлганини Эслади; ўша яхши кишиларнинг хотинлари борлигини, бу хотинлар якшанба кунлари эрлари билан ибодат қилгани черковга боришларини, бошқа оддий кунларда эса овқат тайёрлаганларини, дераза олдида ўтириб гаплашганларини, кўрган тушларига таъбир айтганларини, бола туққанларини эсига келтирди. Фёдор Никитич ҳам шундай ҳаёт кечиришни, хуллас, хотин олишни ва осойишталикни кўнгли тусаб қолди. Ҳарбий хизматдан бўшаганидан кейин у Крюкова деган бой, бева бир хонимнинг

¹ Ҳарбий унвонни билдирадиган, енгга тақилган белги. (Ред.)

мулкига бошқарувчи бўлди. Уша хоним, Фёдор Никитични, ўзига жўра бўлиб юрадиган, бир айб иш қилиб қўйган, камбағалу, лекин бойвучча уйдаги усти ялтироқ ҳаётга ўрганиб қолган бир қизга уйлантириб қўйди. Бу қиз, *вайрон кўнгил*, амалга ошмаган орзу, ноумидлик, ҳоказо ва ҳоказо каби юксак туйғуларга тушуниб қолган эди. Фёдор Никитич бунақа нозик нарсаларнинг биттасига ҳам тушунмас, уларнинг борлигини ҳам билмасди. Фёдор Никитич фақат бир нарсани, яъни хотини ўзи билан тушки ибодатга ҳеч бормаганини, ошпаз хотиндан чой қуйиб беришни сўраганини, негадир диққати ошиб кетаётганини, ишга қўли бормаганини, фақат «уни ол, буни бер» деган гапларни билганини кўриб ҳайрон бўларди... «Нега у, юқорига, ўзига шунчалик яхшилик қилган бойвучча олдига ҳеч қачон чиқмайди?..» деб ўйларди Фёдор Никитич, бунга тушунолмас, хотинига қарши бирор гап айтишдан қўрқар, унга хушомадгўйлик қилишга уринарди. Хуллас унинг трубкани чекиб, очиқ дераза олдида чой ичиб ўтириш ҳақидаги орзулари рўёбга чиқмади... У қайта-қайта ўзига: «чида» дер, чидаш зарурлигига ишонар ва чидар эди. У кун бўйи, хотини олдида юрар, ундан буйруқлар кутар, аста-секин уҳ тортиб қўяр, терлар, чит дастрўмолчаси билан артинар эди.

Мадори қолмаган ва диққат бўлган хотини эрининг бурнаки отишини, жанг сурати босилган дастрўмолини шошилмасдан ёйиб, худди душман қароргоҳига бурнини суқаётганини кўриши билан:

— Ё худо! Шу жирканч дастрўмолингизни қачон йўқотасиз энди!— дерди кўпинча.

— Нима қилай ахир, Анна Васильевна... Бурнаки отгандан кейин шунақа бўлади-да. Оқ дастрўмол кўпга чидармиди... Бир-икки бурун қоққандан кейин...

— Худо ҳақи, қўйинг шу гапларни... Менга деса, чипта судраб юравермайсизми...

Фёдор Никитич шу пайтда томогини бир қириб қўяди-да, дераза олдига келиб, хотинини овутиш учун, унинг эътиборини бу жирканч нарсадан чалғитишга ҳаракат қилиб кўради.

— Булутлар бирпасда тарқалиб кетади дейманда...— дейди у.

Анна Васильевна унга жавоб қайтармади. Уҳ тортгани эшитилади.

Фёдор Никитич ўзига-ўзи: «Тарқалади» деб жавоб беради, зинапояга чиқиб ҳовли қоровули билан гаплашади. У қоровул билан гаплашиш анча енгил эканини сезади.

Анна Васильевна эридан қийналар ва индамасликка ҳаракат қиларди. «Ишқилиб, болаларимни бу исқиртликдан чиқариб олсам бўлгани...» дерди у ўзига-ўзи. Шунинг учун у бутун куч-ғайратини Петя билан Олянинг тарбиясига бағишлади (Коля ҳали ёш эди). У ўша болаларига ранг-баранг кўйлақлар тикар, сочларини тараб қўяр, уларга французча масаллар, шеърлар ўргатарди. Болалари ҳам «Қалдирғоч уяси», «Ниначи ва чумоли», «Худо яхшини ярлақайди» каби ва бошқа французча кичик шеърларни анча тузук бидирлаб айтардилар. Аялари уларни ўз ёнидан узоқлатмас, ҳамиша уларга: «тезе», «не туше-па» дер ва ҳоказо французча гапларни айтарди. Умуман, унинг бу «арзандалар»ни нимага тайёрлаётганини тушуниш қийин эди,— афтидан у фақат бир нарсани, яъни болаларнинг ҳам севишли дадаларидек, гулдор дастрўмол билан бурунларини артмасликларини истарди, холос. Ҳар ҳолда, Анна Васильевна болаларини қанақа тарбияламасин, Фёдор Никитич, ишни бузиб қўймай деб, хотинининг бу ишларига аралашмасди. «Ростдан ҳам,—деб ўйларди у,—мен кимман ўзим? Солдатман, холос... Бундан эса, лоақал болаларимизнинг катталар орасида юзи шувит бўлмас». Фақат бир гал Фёдор Никитич, болаларига тарбия бериш соҳасида ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлиб, Олянинг жажжигина бурнидан қалоғини олмоқчи бўлган эди. Бироқ, ўз фикрича зарур тайёргарлик кўриб, яъни Оляни тиззалари орасига салгина сиқиб олиб, бир қўли билан унинг бошини орқага қайириб, бармоқларини тозалагандан кейин, Олянинг бурнига тегиши биланоқ, Олянинг ўзи ҳам, онаси ҳам чинқириб йиғлаб юборишди, ўкиришди, асабийлашди... Фёдор Никитич шу пайтдан бошлаб, Анна Васильевнанинг айтишича, ўз иши бўлмаган бу нарсага аралашмасликни ваъда берди. Шундай қилиб, Анна Васильевна, Петяга ҳамда Оляга яқка ўзи қарайдиган бўлиб қолди; у жон бериши олдидан ўзининг собиқ мураббиясига, болаларимни ташлаб қўйманг, уларнинг паст ва исқирт одамлар орасида йўқолиб кетишларига йўл қўйманг, деб кўп ёлворди, аммо бутунлай боқимсиз, тарбиясиз қолиб кетаётган шўр-

лик Коляни эслай олмади. Анна Васильевна ўлиб кетди; Коляни уезд шахри К. даги бир қариндошлари уйига олиб, кейинчалик уни уезд мактабига ўқишга берди. Анна Васильевнанинг мураббияси, марҳаматли попешчик аёл мархума жўрасининг илтимосини бажо келтириб, Петя билан Оляга меҳнат қилишга қўймади, ҳолбуки улар учун худди ана шу меҳнат билан ўтадиган ҳаёт зарур эди. Фёдор Никитич бу масалада ҳам керак, зарур бўлган нарсага бўйсуниб, ўзига-ўзи «чида» деди ва болаларининг тарбиясига аралашмади.

Крюкова хонимнинг болалари деярли ўттиз ёшга етиб қолишди. Петя ёқимлигина йигит бўлиб етишди. Оля ҳам кўркам ойим қиз бўлиб қолди, улар ҳақиқий ҳаёт кечирмасдан, юқори қаватдагиларнинг феъл-атворларига, дидларига берилиб кетдилар. Пастки қаватда, Бабковлар уйида эса батамом тартибсизлик ҳукм сурар, фақат Фёдор Никитичнинг кичкина хужрасидагина бирмунча тартиб сақланарди: у расвоси чиқиб кетган ўрнини ўзи йиғиб қўяр, уни кигиз билан ёнар, ўзига қарашли қандайдир икки-учта диний китобини авайлаб «жойига» қўяр, ўзида лоақал битта бўлса ҳам сиёҳдон, перо ва ҳоказоларни тутишга ҳаракат қиларди. У бу бурчакни ўзи учун алоҳида ажратиб сақламоқчи, хужрасини ўз дидига мос келадиган қилиб тутмоқчи эди, чунки у дунёда яшашни, ўй-фикр юргизишни ҳам ўзича давом қилдиришни истарди, бироқ, ўз болалари ҳаётидаги бемаза тартибсизликка қўрқиб-писиб бўйсунарди. Бошқа хоналарда, масалан, залда, картиналар осиб қўйилган михларда дазмолланган кўпгина юбкалар осиглиқ эди; бу залдан дазмол тахталар бошқа жойга ҳеч чиқарилмас, тўр ва докаларга ҳадеб сув пуркаш натижасида залдаги пол ҳамиша зах бўлар, ойналар олдида оҳор сочилиб-тўкилиб ётарди. Даҳлиздаги ширмалар билан тўсилган Пётрнинг хонасида ҳам чанг-тўзон, тартибсизлик ҳукм сурарди, биттагина қақшаб қолган ингичка оёқли тўғарак столда гугурт ҳам, тамаки кули ҳам, шам ҳам, кўйлак ҳам аралаш-қуралаш бўлиб ётарди... Бунга сабаб шу эдики, Пётр ҳам, Ольга ҳам уйда деярли турмасдилар. Ольга, юқори қаватдан турувчи хонимлар уни чақириб одам юборганларидан кейингина уйқусидан турарди; шошиб-пишиб кийиниш, ясениш бошланарди; шундан кейин Ольга юқори қаватда бутун кун йўқолиб кетарди; залда эса

ғижимланган юбкалар, кўйлақлар, пайпоқлар ҳар жойда қоларди; қандайдир бир маҳкамада ҳеч иши юришмай, заруратан хизмат қилаётган Пётр вақтлироқ ўрнидан туришга мажбур эди. Унинг учун бир жойда хизмат қилиш, тикувчи унинг амалдор эканини билиши, унга усти-бошини насияга тикиб бериши учунгина зарур эди, у тирикчилигини отаси ҳисобига ўтказарди, отаси унга ҳам, Оляга ҳам ҳеч нимани аямасди, чунки у марҳума хотини шундай васият қилганини яхши биларди ва шунинг учун ҳам беш йилдан бери нанкадан тикилган юпқагина пальто кийиб умрини ўтказарди. Пётр ўрнидан тургач, мумкин қадар олифтароқ ясанар ва маҳкамасига жўнарни. Уйда Фёдор Никитичнинг ўзигина қоларди, у полга ташланган кир кўйлақларни йиғиштириб олиш, оёғи билан каравот тагига ҳар хил латта-путта, ахлатларни итариб ташлаш, дераза ойналарини артиш ва шу каби ишлар билан шуғулланарди. Шундай пайтларда у билдирмасдан, астагина оз-оздан ичиб турарди; қизариб қолган бурнигина унинг қандайдир дарду алами борлигидан дарак берарди. Фёдор Никитич салгина ичиб олгач, бошқаларга тик қарашдан қўрқар ва ўзига айтилган ҳамма гапга унайверар, ҳатто унга бирор гап айтишларидан олдинроқ, боши билан имо қилар, гапга розилигини билдирарди. Пётр ўз маҳкамасида узоқ вақт ишлай олмади, бу маҳкамадаги амалдорлар уни ёмон кўришар, аҳмоқ дейишар, Пётр ҳам уларнинг ўзларини аҳмоқ деб биларди. Соат иккиларда ва ундан ҳам олдинроқ ишдан келарди-да, кўпгина холаваччалар топширган турли-туман юмушларни бажаришга киришарди, чунончи, дам у Дерюреванинг олдига ғизиллаб бориб, сайрибоғ кечиктирилганини айтиши, дам бирор жойга чопиб бориб, ўтган куни Марья Михайловна унутиб қолдирган зонтини олиб келиши керак эди; дам уни хусусий уйда ўтказиладиган спектаклнинг бошқарувчиси қилиб тайинлашарди, бу вазифани у жуда жиддий қиёфада туриб, аммо ич-ичидан шод-хуррамлик билан гарданига олар, шошиб-пишиб ишга тушарди,— дам декорациялар бузилиб қолган бўлар, дам костюмлар тайёр бўлмас, ҳамма ишга улгуриш, битта гапни юз марта такрорлаш керак эди. У ҳаракат қилар, югурар, ҳолдан толгунча талпинарди; шундай қилиб, у, уйга қайтиб келгандан кейин, тер босган юзини артар, сон-санок-

сиз холаваччалари унга ёпишарди; у қанчадан-қанча янги гаплар, ғийбатлар олиб келарди! Пётр юқори қаватдагиларнинг бир минут унга эътибор берганидан ўзини жуда бахтиёр ҳисобларди, сўнгра яна кўпроқ чопарди. Бу хусусий-уйда уюштирилган спектаклларда эса Пётрга ё оғзидан биттагина гап чиққан сирли бегона шахс, ёки эса, пьеса охирида манзара тўлароқ бўлиши учун бирор қизга уйланган жиян ролини беришарди,— ё бўлмаса, у сахна ортида туриб, жўнаб кетаётган фойтун, ёки момақалдироқ гулдурashi, бировнинг сувга тушиб кетиши каби овозларни чиқаришда иштирок қиларди... Пётр юқори қаватдагилар орасида ҳам ўзининг худди шундай роль ўйнаётганини пайқамасди, уни ювош аравакаш отдай кўришар ва илтифот кўрсатишарди, чунки бундай отни топиб бўлмасди... Крюкова қизларидан бири ашула айтаётганида ноталарни варақлаб туришни уддалайдиган жўра сифатида Ольга ҳам зарур эди. Крюкованинг қизлари мавруди келганда Ольгани сайр-томошага олиб чиқишар, йигитлар у билан ишқ-муҳаббат тўғрисида дадилроқ гаплашар, ўраб олган муҳит бу гапларни қизитиб юборарди. Шу билан бирга, кунлар, ойлар, йиллар ўтиб борар, Крюкованинг қизлари қариқизлик даврига яқинлашардилар,— қандай қилиб бўлса ҳам уларни узатиш керак эди,— бу мақсадга эришмоқ учун ҳар хил тадбирлар кўрилди: юқори қаватдаги уйнинг ҳатто ҳавоси ҳам хилма-хил кайф-сафо, энг алангали ишқ-муҳаббат билан суғорилгандай кўринарди. Фёдор Никитичнинг болалари бу ерда декорация сифатида, сахнадаги авом халқ сифатида керак эди, холос. Аммо Пётр ҳам, Ольга ҳам ўзларини авом халқ деб ҳисобламасдилар; улар ўзларини бу фантастик балетда энг тетик ижрочилармиз деб ҳис қилардилар ва жон-диллари балан, юқори қаватдаги уйда вақтинча давом этаётган ана шу усти ялтироқ турмушда парвоз қилардилар. Бу уйда ҳаммалари ўзларини шод-хуррам ҳис қилар, ашула айтар, кайф-сафога берилар, аслда эса бир амаллаб жойлашиб олишга, ором олишга, қонуний йўл билан уйланиб олишга интилардилар, бизнинг қаҳрамонларимиз — Бабковнинг болалари эса бунинг пайқамасдилар. Бутун кун ва кечалари улар бу ерда тентираб юришарди; улар бошқа кийимларини кийиш, уйни бошқатдан алғоқ-далғоқ қилиш учунгина уйларига бирпас кириб чиқардилар.

да, яна гойиб бўлардилар. Масалан, Оля пастга, ўз уйларига пириллаб ўтиб, ойна олдида нари-бери айланди, хона ўртасида¹ туриб думини¹ жилпанглатиб кўрарди-да, ғингиллаб бирор романс айтиб, ўйинга тушиб, бир онда чиқиб кетарди...

— Хўш, қалай, кўнгилли бўлдимиз?— деб сўрашганига журъат қиларди Фёдор Никитич...

Жавоб ўрнига эшик ёпилади-ю, Олянинг баланд пошналар ботинкаларининг ғиштин зинадан шақиллаб юқори чиққани эшитилиб қоларди холос.

Фёдор Никитич, секингина томоқ қириб: «Эшитмадида» дейди ва ўз ҳужрасига кириб кетади ёки зинага, ҳовли қоровули олдида чиқади. У ўзича айрим ҳаёт кечирарди: рўза тутар, эрталабки ибодатга борар, ўзига атаб нўхат, балиқ сотиб оларди... Бозор қилиб келаётганида ўғли ёки қизи ёнидан ўтар экан, ўзининг мужикча кун кўришидан болаларини ранжитмаслик учун, бозордан олиб келаётган озиқларини этаги билан беркитарди. Баъзан эса, ҳафталаб отаси билан сўрашишга қўли тегмаган Пётр, одоб юзасидан:

— Нима олиб келяпсиз? — деб сўраб қўярди.

— Қисқичбақа! Шундай арзонки... Қани, бир кўр-чи: қандай йирик...

Пётр қоғоз халтадаги нарсаларни кўриш учун эгилганида, бўйнидаги ингичкагина галстугини ҳам тортиб қўяди.

— Худо ҳаққи! Мисли кўрилмаган арзон-а... — дейди Фёдор Никитич, — ўтган куни, карам устида қандай воқиа бўлиб ўтди...

Пётр эса залга кириб кетади. Фёдор Никитич карам воқиясини наридан-бери гапириб бўлгач, ўзини аҳмоқ деб атаб: «карам тўғрисида бош қотириб ўтиришганин қўли тегармиди... Йўқ, мен мужикдан оқ суяк чиқмайдиган кўринади. Оғзимдан чиққан бутун гапим мужикча-я!» деб ўйлайди.

Коля қайтиб келган маҳалда Бабковлар оиласининг аҳволи ана шундай эди. Ака-сингил Колянинг офтобда қорайиб кетган юзини, мужикча қиёфаси ва хусусиятларини кўргач хандон уриб кулишди.

— Бу йиртқич ҳайвоннинг ўзгинаси-ку! — деб бақириб юборди Оля, қўлларини силкий-силкий...

¹ Кўйлак этагини демоқчи. (Ред.)

— Алеут!

— Вампир!¹

Фёдор Никитич ҳам, фақат маълумотли болаларига хушомад қилиб, Николайнинг беўхшовлигига бош чайқаб қўйса ҳам, ўғли ва қизидан кўра унинг пешонасидан қаттиқроқ ўпарди.

Колянинг ўзини тутуши, *қилиқлари* Пётр билан Ольгани жуда хафа қилиб қўйди; акаси билан опаси унинг бошинигина эмас, аъзойи-баданини ҳам ўзгартиш кераклигини ваҳима билан гапирганларини эшитган, Фёдор Никитич ҳам унга қараб, Пётр ва Ольга билан бирга негадир ташвиш тортаётганини кўргач, Колянинг руҳи тушиб кетди, мен жудаям бачкана, жудаям ёмон эканман, деган хулосага келди. Буни англаб ва акаси билан опасига нисбатан ўзини таққослаб бўлмаслик даражада паст кўриб, Коля ҳамма ишда акаси билан опасидан ибрат олишга, улар чизган чизиқдан чиқмасликка аҳд қилди. Чизиқни эса, фақат улар кўрсатишлари мумкин эди: Фёдор Никитич болаларининг ишига аввалгидек, ҳамон аралашмас, фақат аҳён-аҳёнда, маълумотли ўғли билан қизининг кўрсатмаларини таъкидлаб Коляга: «шундай қилиш керак», «чида» деб айтиб қўйишни ўзининг вазифаси деб биларди. Николайни қайтадан тарбиялаш ҳақидаги бу кўрсатмалар албатта у қайтиб келган кунданоқ берила бошлади. Бу кўрсатмалар, уни юқори қаватдагиларнинг ҳаётига мос келадиган қилиб тарбиялашга қаратилган эди. Бусиз, ҳалок бўлаётган кишини қутқазиб қолиш сира мумкин эмас, деб ўйлашарди мураббийлар. Улар Николайни ҳалок бўлаётган киши деб билардилар. Пётр, бир бошлиқдек юзига жиддий қиёфа бериб, обрўли кишидек кеккайиб укасига келажакда қўллаши керак бўлган турмуш, юриш-туриш қоидаларини ўргатишга киришди: бу қоидалар қўлларга, оёқларга, қанақа юришга, одоб билан ўзини тутушга тааллуқли бўлсалар ҳам тарбияланувчининг бошига бу қоидаларнинг ҳеч алоқаси йўқ эди. Хуллас, юрганда «рўй берадиган қийин пайтлар» ҳақида айтилган ва кўрсатилган ўтакетган жиддий Коля олдида, буни ўрганиб олиш зарур экан деган фикрни қонун қилиб қўйди. Шундай қилиб, асли-

¹ Эртақларда одамларнинг қонини сўрувчи махлуқ. (Ред.)

да, акаси билан опасининг сал қиё боқишигина Коляни бу ҳунарни ўрганиш зарур деб билишга ва бунга бутун кучини сарфлашга мажбур қилди. Бироқ, Николайга тез орада, қиё боқишгагина эмас, юқори жамоатнинг масхараомуз ва жуда совуқ қарашлари остида қийналишга тўғри келди. Пётр эса бу юқори жамият тўғрисида шунчалик жиддий, ҳатто иззат-ҳурмат билан гапирарди.

Кунларнинг бирида Коляни юқори қаватдагиларга кўрсатадиган бўлишди; Пётр «эртага борамиз» деган пайтдан бошлаб таърифгача бутун кун ва кечаси Коля қалтираб чиқди. Юқори қаватда кутилган номаълум, даҳшатли нарсадан қўрқиш Коляни бутунлай довдиратиб қўйди ва ўзини қандай тутиш қоидаларини, шамол учиргандай бошидан олиб кетди. Пётр шундай бўлишини олдиндан билган бўлса керак, уйдан юқорига чиқмасларидан олдин у яна бир марта огоҳлантиришини зарур топди:

— Демак, ёдингда турсин,— деди у,— тирсаклар... қўллар... Мен сенга гапириб бердим-ку, худди шундай тутасан, хўпми? Эҳтиёт бўл... Овқат пайтида нондан мумкин қадар камроқ егин... лабларингни чапиллатмайсан... худо сақласин... Чикалдова хонимни (ҳали у ерда кўрасан) полькага таклиф қилмайсан, чунки у иккиқат, сен бўлсанг, ҳали ҳам тиззаларинг билан... яхши эмас... Хўш? Яна нимайди? Қўлингни шимингнинг чўнтагига тикма... ҳеч мумкин эмас... бемалол юравер..! Сизларнинг, худди ваҳший ҳайвонлардек, девор бўйлаб юриш одатингиз бор, ўғрига ўхшаб... бундай қилма... Хунук бўлади!.. Шляпангни қўлингда ушла — мана бундай! Бунга қара, мана шунақа! Ёки мана бунақа! Аммо шляпангни орқангда тутма ёки тиззаларинг орасида силкиб турма... Хўш, чиқдик бўлмаса.

Чиқишди. Хўжайиннинг зинапоясига солиб қўйилган гиламдан тортиб, меҳмонхонадаги ҳамма нарса, ғалати-ғалати гаплар, ваҳима бўсиб турган Колянинг кўзига уни масхара қилиб кулишаётгандай, менсимай, нафрат билан қарашаётгандай кўринди. Бундай муносабат уни довдиратиб қўйди, чунки Коля шу дамгача ўзи яшаб келган бу даҳшатли бениҳоя нодонлик оламини ва шу билан бирга, янги ҳаёт кечириш учун ўзининг бирпасда ўзгара олмаслигини кўрсатиб берди. Усти ялтироқ турмушга астойдил берилиб кетган акаси Пётр (у ҳам

бундаги нозикликларнинг бир қисминигина Коляга ўргатган эди), ўзи учун қонун бўлган қоидаларнинг ҳар бирига жуда аниқ ва жиддий билан риоя қиларди. У ва синглиси Оля хўжайинларнинг зинапоясидан жимгина чиқар эканлар, Пётр ойна олдида тўхтаб, галстугини тузатиб қўйди, укасига совуқ бир назар ташлади; Коля ҳам ана шунда, ўзининг ожизлигини, бутун кеча қийналишини сезиб, юраги арзиқиб кетди. Акаси кетидан Коля ҳам биринчи қадамни ташлаб, дарҳол ўзини азобуқубат денгизига чўккандай ҳис қилди. Бу азоб-уқубатлар, Коля қўл-оёқларини ўз хоҳишича ҳаракатлантира олмаслигини, бу ерда ҳеч нарсага тушуна олмаслигини пайқаш биланоқ бошланиб кетди. Бу ерда юз бераётган тўс-тўполоннинг фақат оддий бир томошабини бўлишдан бўлак унга иш қолмади. Лекин, бу қатъиян мумкин эмас эди; бунинг аксича, Коля биринчи қадамиданоқ, бу ерда ҳозир бўлганларнинг диққатини ўзига тортиб турадиган қандайдир ғалати бир нарса бўлганлигини беихтиёр англаб олди. Укасининг жуда қийин аҳволда қолганини кўрган Пётр, нарироқдан туриб унга алланималар ишора қилар, қошларини чимираб ва бирдан афтини буриштириб, ниманидир тушунтиришга уриниб, бармоғи билан алланимани кўрсатарди-ю, лекин ҳеч нима ёрдам қилмасди. Николай акасининг имо-ишораларидан ва шу ердаги меҳмонларнинг янада даҳшатлироқ кўз қарашларидан, шляпасининг ичига кеча дўкондан шам ўраб келтирилган қоғоз қўйилганини, шими орқасида чилвар билан тортиб қўйилганини ва ҳоказоларни англади. Николай баайни тошдек қотиб қолди. У ўзини бир амаллаб эплаб олса ҳам, аммо аслда бундан ҳеч нима чиқмади ёки чиқса ҳам бу ҳаракати тентакликдан бўлак нарса эмасди: у одамлар билан гаплашиб ҳам кўрди, танча тушиб ҳам кўрди, бироқ, бу уринишларнинг биринчи натижасиёқ шу бўлдики, стулларни ағдар-тўнтар қилиб ташлади, хонимларнинг этакларини оёғи билан босиб йиртди; бошқалар билан гаплашиши шундай натижа билан тугадики, ё у ножўя бир сўз айтиб қўяр, ё унга сира жавоб қайтаришмасди. Николай яна тошдек қотиб қолар, кейин яна бир уриниб кўрар, чунончи, девордаги бирорта суратни жуда диққат билан томоша қилар, лекин унда ҳеч нимани кўрмас ва ҳеч нимага тушунмасди. У бирортасининг айтган сўзига ёки гапига кулмоқчи ҳам бўлиб кўрди, шу гапни гапирган одам тевааракдаги кишиларга, худди мана шу

масала жуда қизик бўлди, худди ана шу воқиа жуда кулгили бўлди, деб қўяр эди. Лекин, Николайнинг бу кулиши ҳам ножўя чиқарди; у ҳеч ўринсиз кулиб юборар ва бошқалар бунинг сабабига тушунмай, бир-бирларига қараб қўйишарди, Николай эса, бундан хижолат тортар, ўзини алланимадан чўчиб кетгандай ҳис қиларди. Кеча охирига бориб Николай эшик олдидаги стулга келиб ўтирди-да, жуда қариб қолган бир кампир билан гаплаша бошлади; уларнинг бу гапи фақат қарияларга тааллуқли нарсалар теварагида айланди, натижада — Николай ҳатто уялганидан қизариб ҳам кетди, аммо шу билан бирга, у гапни тўхтатиб ҳам қўя олмасди, у бу ерда кампирдан бўлак ҳеч кимнинг гапига яхши тушуна олмасди. У бутун кеча давомида, бошқалар ўзига эътибор бериб қарашлари учун, уларнинг гапларини ҳа, ҳа деб маъқуллаб турди. Ҳатто кампир билан гаплашаётганида ҳам Николайда шу истак пайдо бўлиб қолди, — натижада, кампирда ҳақиқатан унинг ҳақида яхши фикр пайдо бўлибди. Бироқ, шунга қарамай Николай уйга жуда ҳафсаласи пир ҳолича қайтиб келди. Хуллас, бу кечада бошидан кечирган муваффақиятсизликлар Николайни хафа қилиб, камситиб қўйди. Николайнинг акаси билан опаси, уни эпақага келтирамиз деб қилган ҳаракатлари бенатижа қолиб кетганини кўрганларидан кейин, дарҳол унга нисбатан ўз муомалаларини ўзгартдилар. Уларнинг Николайга бўлган муносабатлари — совуқ ва менсимасликдан иборат эди. Пётр укасига жуда бепарво оҳангда узундан-узоқ гапириб, азбаройи унинг одам бўлиб чиқиши учун ўзининг ғамхўрлиги ва қилган ҳаракатларини эслатиб ўтди, гап орасида бир неча марта «Мен ҳеч нима аямадим», «қўлимдан келганининг барини қилдим...», «мен фидокорлик қилдим...» деган гапларни, ҳоказо ва ҳоказоларни айтиб, бундан буён унга ҳеч қандай ғамхўрлик қилмаслигини эслатиб: «Билганингни қилавер, кўрдим, биз энди ҳамроҳ эмас эканмиз» деди. Опаси Ольга эса, негадир Николай уни ёмон ҳақорат қилгандай, хўмрайиб, қовоғини солиб юрди. Ҳатто Фёдор Никитич ҳам, Пётрнинг укаси билан совуқ гаплашганини, «мен қўлимдан келганининг барини қилдим» деган ва ҳоказо гапларини, болалари орасига совуқлик тушиб қолганини пайқагач, Николайнинг жиловини тортиб қўйишни зарур топди. У Николайга тўлпа-тўғри бундай деди:

— Менга қара, Николай, сен у ерда нима қилиб қўйдинг ўзинг-а?.. Йўқ, оғайни, бунақа ишларингни йиғиштириб қўй... Ойинг бу ҳақда гапириб эди-а... Буни ташлаш керак... Мумкинми ахир!.. Қийин, албатта... Нимасини ҳам айтасан... Ўрганилмаган иш... Аммо чидаш керак...

— Ҳаммасини қўнгилдагидек қилдиму,— деди Николай маъюслик билан,— аммо!..

Ана шу „аммо“ деган сўз тагида стулларнинг ағдарилиб қолиши, этакларнинг йиртилиб кетиши, ўринсиз кулги, кампир билан иноқлашиш, ҳоказо ва ҳоказолар яшириниб ётарди. Мана шу хилдаги „аммо“лар, бутун оиланинг мана шу хилдаги мулоҳазалари аста-секин шу нарсани тайёрладикки, Коля ҳам, худди Пётрдек, юқори қаватдагиларнинг турмушига ўхшаган турмуш зарурлигини ич-ичидан англаб олди. Коля ўзининг бутун куч-ғайратини шу турмушни ўрганишдек қийин бир ишга бағишлайдиган бўлди. Колянинг куч-ғайрати гўё фойдали бир ишга сарф қилингандай, қунт ва матонат билан сарф қилинди,—ҳолбуки бу бемаъни ва ёмон иш эди. Колянинг вазифаси — ўзини пардозламоқ, ташқи томондан одамларнинг кўзига кўркам кўринмоқдан иборат эди, бунинг учун эса унга қандай юриш, ўзини бошқалар олдида қандай тутиш кераклигини ўрганишга тўғри келди. У ўз гапидаги қалтисликларни тузатиши, шу йўсинда гапиришга ўрганмоғи керак эдики, ўша гапи бир неча соатга чўзилса ҳам, анча қизиқ ҳам бўлиши, аynи замонда ундан бирор маъно ҳам чиқмаслиги зарур эди. Бунинг учун Коля жойига қараб, қанақа гаплашиш усулларини, чунончи: «об-ҳаво», «одоб» тўғрисида — овқат вақтида, чой ичганда, эрталаб, туш пайтида эса нималар тўғрисида гаплашиш кераклигини хуноб бўлиб китобдан ўрганиши зарур эди. У ҳар хил бемаза латифаларни миясида сақлар, чунки энг хунук ва одобсиз латифаларга одамлар ва айниқса хотин-қизлар эътибор бериб қарашларини у биларди. У кўпроқ: «Ҳо, мен сизнинг фикрингизга мутлақо қўшиламан», ёки: «Худди шундай, худди шундай... ажойиб, гўзал... нақадар кенг фикр» каби ҳоказо ва ҳоказо гапларни ишлатарди. Коля, худди шунақа гапларни ишлатадиган баъзи кишиларнинг юқори қаватдаги уйда, баъзан амалий ишларни бемалол уддалай олганларини кўрарди.

Акаси билан опаси Колянинг ўз айбига иқрор бўлиб

улар олдиға келганини кўришлари биланоқ, унинг маълумотини ошириш учун дарҳол яна амалий чоралар кўришди. Шу пайтдан бошлаб Бабковлар уйида аввалгидан кўра тартибсизлик юз марта ошиб кетди: бу ерда юрганда қандай қадам босиш, одамлар билан қанақа гаплашиш тўғрисида дарслар давом этар, ҳар хил маслаҳатлар, насиҳатлар юз марта такрорланарди, хуллас театр пардаси кўтарилиши олдидан саҳна орқасида бўладиган шов-шув, ёмон тўполон кўтариларди. Фёдор Никитич бу ерда асло кўринмасди; аҳён-аҳёнда, болаларим нима қилишяпти, деб назар солганда эса: «Мабодо буларнинг қилиғини биздек оддий кишига томоша қилдирсанг борми,— булар тоза ақлдан озишибди, деган бўларди... Худо ҳақи...» деб ўйларди.

Аммо шу гапидан кейиноқ Фёдор Никитич салгина ух тортиб, ўйларди: «Шунақа бўлиши керак-да... Албатта, нима ҳам дейсан... бундай қараганда-ку, бунинг бари енгилтакликдек кўринади... демак, керак экан-да, демак, иш бериб қолар эканда, нима ҳам қилардик!...» Фёдор Никитич шундай ўйлар экан, бемаъни бўлса ҳам зарур бўлган бу ишга индамай қараб турар, маълумотли ўғли Пётр, Николайнинг бесўнақай оёқлари устида қандай ғам еганини, танца қилиш чоғида ўзини қандай тутиш ҳақида бақириб-чақириб кенгашлар берганини кўрарди. Бу иш Бабковларнинг кичкинагина залида давом этарди. Пётр кичик залда туриб, қарсак урганича:

— Қани, жаноблар...— дерди,— бўлинглар, бўлинглар!.. Оля! Ойначангизни қўйсангиз-чи... Николай! Худо ҳақи! Менинг дастрўмолимни ол... Бармоқларингни артиб қўй,— сенга ҳайронман-да, шу дамгача назокат нима эканлигини билмайсан-а... Бошладик... Хўш, дарров бўлинглар.. Дама ўрнига мен мана шу стулни оламан. Бўлдингларми? Бошлаймиз... Тра-ра-ра... Бу ёққа, бу ёққа дейман сенга, Николай, чапроққа, худо ҳақи... Тўхта!!! Мен сенга қаёққа дедим? Мен сенга, қаёққа деяпман? Нима, ё кўр бўлиб қолдингми? (Сукунат ва айни пайтда савол бергандай ўқрайиб қараш.) Қайтадан бошлаймиз! Тра-та-та... Шунақа, шунақа, шунақа... Ҳой, қаёққа?! Деворда нима қилмоқчиси?... Оля! Ўшанинг енгидан бир тортиб қўй! Нега бошингни эгасан? Сувга шўнғиётганинг йўқ-ку!.. Бир минут жим туринглар: бошни ундай эмас, мана бундай тутиш керак...

Бу нима қилганинг яна? Дадил ва эркин тутавер... Ана шундай... Уддалай олар экансан ку... Йўқ, бу туғма тўмтоқлигингдан... Қани, бошла!.. Тра-ра-ра,— ҳоказо ва ҳоказо.

Хуллас, мушкул ва мураккаб билим батамом эгаллаб олинди. Яна бунинг устига Пётрнинг лаганбардорлиги ва малайлигидан икки марта ошириб юборилган малайгарчиликни ҳам қўшиб қўйилса бўлади. Бинобарин, танишлари Пётрга:

— Колянгизни қаранг-а... Пётр Фёдорович, у энди сиздан ошириб юборяпти... Худо ҳақи. Унга балли деса бўлади,— дейишадиган бўлиб қолишди.

Николай тобора камол топаверди.

Крюкова хонимнинг аввал катта қизи, кейинроқ эса кичик қизининг тўйида Николай ўзини тутишда ҳам, бошқалар билан гаплашишда ҳам, оқсуякларнинг урф-одатларини билиб олишда, ҳоказо ва ҳоказоларда пешқадам эканлигини аъло даражада кўрсата олди. Аммо шу воқиядан кейин аҳвол бирданига ўзгариб қолди: қизлари эрга текканларидан кейин Крюкова хонимнинг залларида танцалар ҳам бўлмай, меҳмонлар ҳам келишмай, вақтчоғликлар ҳам бўлмай, ҳамма жой хувиллаб қолди; қизлар эрлари билан қаёққадир кетишди, зинапоядан энди ясанган кавалерлар ва хонимлар эмас, йўталиб оҳ-воҳ қилаётган сиғинди аёллар, дайдилар юқори чиқишади; хушбўй ноз-неъматлар ўрнига, уйда қўзиқорин шўрва, пиёз ҳиди анқиб турарди ва умуман, илгари эртадан кечгача ашула, музыка овозлари янграб турган бу уй хувиллаб, кўзга хира кўринадиган бўлиб қолди... Бабковлар оиласидан энди юқори қаватдаги уйга фақат Фёдор Никитич қатнаб турарди. Бабковларнинг ёш авлоди энди, худди қисқичбақадек қуруққа чиқиб қолди. Бундан ташқари, яна шу ҳам бор эдики, уларнинг ўз уйларида ўтириб гапирадиган гаплари ҳам қолмаган эди, Крюковалардан бўлак ҳеч ким уларга муҳтож эмаслигини англаб олдилар. Юқори доирадаги эски танишлари улар билан истар-истамас салом-алик қилишар, истар-истамас: «бизникига ҳам боринглар» деб қўйишар ва шу билан муносабатлар чекланиб қоларди. Ёш Бабковлар аста-секин ўзларининг «аҳмоқ бўлиб қолган»ликларини пайқаб, негадир бир-бирларини менсимай қўйишди, натижада, уларнинг бир-бирларига адоватлари яна ҳам кучайди. Уларнинг

ҳаётда қиладиган ҳеч ишлари йўқ эди, қийин, машаққатли турмушдан бирор нарса олиш учун, эвазига қайтариб берадиган уларнинг ҳеч нималари йўқ эди; улар шундай тарбия қилинган эдиларки, фақат тайёрга айёр бўлишга одатланган эдилар. Лекин бу тайёр нарса энди уларга насиб бўлмасди; уларнинг бу машаққатли йўлдан боришга юраклари бетламаганидан, содда одамларнинг оқ кўнгиллилигига умид боғлашга тўғри келарди; ўзларининг «ошиқчароқ» талаб-эҳтиёжларини қондириш учун тўппа-тўғри бировларнинг чўнтагига қўл солмасалар ҳам, ҳар ҳолда текинхўрлик қилишга, яъни бошқалар ҳисобига яшашга, бунинг учун йўлини топишга тўғри келарди. Николай бунинг йўлини қидирав экан, кунларнинг бирида, Н. шаҳридаги Зелёная кўчасида яшаган Зайкин деган савдогарнинг бева хотини борлигини, ўша хотинга қонуний йўл билан уйланишга бир оз умид борлигини, эри ўлиши олдидан унга бир оз мерос қолдирганини билиб қолди; Зайкининг хотини, энди дунёда туриб нима қилай, раҳматли эримдан бўлак нимани ўйлардим, бева қолганимдан кейин, қўрқадиган кишим ҳам йўқ, турмушим турмуш эмас, жуда диққатим ошиб кетди, дермиш. Николай гап нимада эканлигини пайқаб олгач, энг яхши галстугини боғлаб олди, этигини астойдил ярқиратди, кифтини тўғри кўтариб, малла ранг сочини ҳурпайтириб, шляпасини қинғир кийиб олди-да, икки қўлини пальто чўнтагига тиқиб, йўлга отланди. Лекин у кўчанинг нари ёғидаги торғида йўлкадан, Зайкина уйининг дераза рўпарасидан акаси Пётр шошилмай ўтиб бораётганини кўриб жуда ҳайрон бўлди. Пётрнинг ҳам шляпаси худди шундай қинғир кийилган, малла ранг мўйлови камон ўқидай диккайган, қўллари ҳам пальто чўнтагига тиқилган, кифтлари ҳам юқори кўтарилган эди. Жуда секин кетаётиб, у Зайки-нанинг гуллар териб қўйилган деразасидан кўзини узмасди; аҳён-аҳёнда у, бир оёғи билан орқага қадам ташлаб, ойналарига офтоб тушган деразаларга кўз солар, хонадан ўтиб кетаётган ўша Зайкина эмасмикин деб, дам у биқинига, дам бу биқинига эгилиб қарар, қараб бўлгач, астагина юриб борар ва муволишга етгандан кейин шартта қайрилиб, қайтиб келарди.

Пётр укаси Николайга дуч келганидан кейин, чўчиб:

— Нима қилиб юрибсан бу ерда? — деб сўради.

— Узим...

— Нима деганинг бу?
— Ўзим, шунақа, сайр қиялпман...
— Шу ерда юрмоқчимисан?
— Шу ерда ҳам, умуман, истаган жойимда юравераман-да...

— Сен, акаси, бу ердан жўнай қол...
— Нега энди? Гапинг қизиқ-ку...
— Ҳеч қизиқ эмас... Ўзим айтяпман-да... Бу ерда нима учун юраётганигни мен тушунапман, бўлмаса айтиб қўя қолай, беҳуда овора бўласан...

— Нима гап ўзи?
— Гап ана шу... Бу ерда энди қиладиган иш қилиниб қўйилибди...

— Қилинса-қилинаверсин, менга нима?
— Қелган изингдан кетавер... Мени ҳам бемалол ўзимга қўявер. Гўё ҳеч бошқа жой йўқдек! Ана Дворянская кўчасида Оглашенова бор-ку, у ҳам бева аёл, Трубина бор, Плешавинанинг қизлари бор, кам дейсанми... Уша ёққа боравер, ишқилиб, мени ўзимга қўй, азбаройи шифо.

— Илтифот эт, нима деганинг...
— Ўзим бошладимми ўзим тугатаман-да, иш юришиб кетди ўзи... Бу ердан жўнайвер, худо ҳаққи.

— Хўш, нега мен жўнар эканман.
Пётр индамай, укасига бир оз қараб турди-да, кейин:
— Сенга айтяпман, кетасанми, йўқми?— деб бақирди.
— Мен шу ерда сайр қилавераман, сенинг бунга нима дахлинг бор?— деди Николай.

— Борди-ю, мен сендан буни илтимос қилсам-чи?..
— Мен сенга ҳалақит бераётганим йўқ-ку... Сен айланиб юрар экансан, мен ҳам юравераман-да...
— Бўлмаса, айтиб қўя қолай: аблаҳ экансан...
— Ўзинг аблаҳсан...

Пётр, пошналари билан шартта айланди-да, муюлишга қараб кетди.

Муюлишдан у бошини чиқариб ва муштини кўрсатиб:
— Шу билан тугайди дейсанми? Мен ҳам сенга кўрсатиб қўяман... Ҳали бошқа жойда бошқача гаплашамиз...—деб қичқирди.

— Майли!—деб жавоб қайтарди Николай; энди у замини маҳкамлигини сезади. У шу қиёфадаёқ, шу йўсиндаёқ Зайкина деразалари олдида айланиб юраверди; дераза пардаси тебраниб, юқори кўтарилди-да, дера-

зада бир аёл киши кўриниб қолди. Николай, савдогар хотинининг афт-ангорига тикилиб, боягидан ҳам секинроқ юриб кела бошлади ва ниҳоят, қўли билан имо қилди.

— Афандим!— деди орқасидан туриб биров ва йўталиб қўйди. Николай айланиб қараса, орқасида, мўйловини мойлаган, бетига уша суртган бир офицер турибди.

— Хўш, буюрсинлар...— деди Николай.

— Анчадан буён кўриб турибманки,— деди офицер,— сиз бу ерда бирор манфаат топаман деб умид қилсангиз керак. Овора бўлмай кўя қолинг...

— Қанақасига?

— Шунақасига-да... Бу ерда энди иш битган, сиз фақат халақит берасиз, холос. Бинобарин, сиздан қаттиқ илтимос қиламанки, бу ердан жўнасангиз.

— Омон бўлинг-а! Борди-ю, мен бу ерда юришни хоҳласам-чи, ким менга йўқ деркин?..

— Ким бўларди? Мен-да!..

— Чунончи, қандай қилиб?

— Қандай қилиб дейсизми? Шу ҳозироқ мен сизни миршаблар билан бу ердан жўнатаман-да.. Қани кета қолинг... Дворянская кўчада сизга жой камлик қилибдими: Оглашенова, Плешавиналар, Трубиналар бор ахир... Ушаларникига бораверинг-да..

— Лекин сиз бунчалик шовқин солманг...— чекинаётиб, ранжигансимон деди Николай.

— Бу ерда гап сотиб туришингиз фойдасиз... Агар истасангиз, бошқа бир жойда учрашиб гаплашмоғимиз мумкин, аммо бу ердан шу ондаёқ йўқолишингизни тавсия қиламан. Эшитаясизми?

Николай, рўпарадан бостириб келаётган офицерга чап бериш ниятида муюлишга қайрилиб:

— Жин ургурни қара-ю,— деб пичирлади.

Офицер ҳам, ўзи ишғол қилган йўлига дадил қадам ташлаб:

— Ана шунақа, сизга оқ йўл!— деб қолди.

Николай муюлишга қайрилиши билан, у ерда худди ўзидек олифта, худди ўзидек қадди-қомати келишган йигитларга дуч келди. Бу йигитлар ҳам сурбетликда донги кетган ўша ваҳимали офицердан чўчиб мулоқот жойидан қайтиб келишган эди; улар ҳам худди ўша Зайкинанинг дийдорини кўриш ниятида у ерга боришган экан-у, энди эса ўйга ботиб: баъзилари йўлкадан,

баъзилари кўчанинг ўртасидан юриб боришарди; бундай қараганда, уларнинг ҳар қайсиси ҳар томонга кетаётгандай кўринарди; аммо Дворянская кўчасининг муъолишида улар яна учрашиб қолишди; натижада, бу йигитлар ўртасида қуйидаги гап-ҳангомалар бўлиб ўтди: «Мабодо истаганингиз Оглашенова бўлса, айтиб қўяйки, бекор овора бўляпсиз», ёки: «Огоҳлантириб қўяманки, Плешавинларникига мендан бўлак ҳеч ким бора олмайди... Нима қиласиз, бошқа иложингиз йўқ, бинобарин, сиз учун Горшков кўчасида — Резанова уйи рўпарасида айланиб юриш барибир эмасми?» ёки: «Сиз анави уйга кирмоқчисиз шекилли... овора бўлмай қўя қолинг,— улар қишлоққа жўнашибди», ҳоказо ва ҳоказо.

Николай Дворян кўчаси муъолишига етиб олгандан кейин, Оглашенова уйининг деразаси олдида акаси Пётрнинг оҳиста кезиб юрганини кўриб қолди. Шу билан бирга, Николай олисдан туриб, шундай бир воқиянинг ҳам гувоҳи бўлди: Пётрнинг ёнига бир олифта йигит келиб, таъзим билан бошидан шляпасини олдида, гаплаша бошлади, бироқ одоб билан бошланган бу гап муштларнинг юқори кўтарилиши билан тугади... Николай бутун бу воқияни кўриб турди-ю, аммо ёқалашувчилар ёнига келмай, бунинг ўрнига шу ондаёқ уйига қайтиб, кечки овқатни Пётрдан олдин еб олишни афзалроқ кўрди.

Овқатни олдин еб олиши натижасида, кечқурун Пётр уйга қайтиб келганидан кейин, иккала оқсуягимиз ўртасида шундай гап бўлиб ўтди:

— Сен ҳамма карам шўрвани шимириб қўйдингми?— дейди Пётр, қўлида бўш кўвани тутганича, одялга боши билан ўраниб ётган Николай ёнига келиб.

Жимлик.

— Мен сендан сўраяпман, карам шўрвани сен шимирдингми?

— Нимага бунча бақирасан?— овози борича қичқиради Николай, кўрпадан бошини чиқариб.

— Сен шимирдингми карам шўрвани деяпман?

— Жин урсин ўзингни ҳам, карам шўрвани ҳам.

— Утакетган ҳайвон экансан сен, огайни...

— Ўзинг ҳайвонсан.

— Мужик!

— Малай!..

— Гапир, гапир, йигитча... Мен сенга кўрсатиб кўяй-чи...

Ҳоказо ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ёш Бабковларнинг ҳаммаси абадий саргардонликка маҳкум эдилар. Оля, орадан ярим йил ўтгач, аллакимникига жўра бўлиб кирди: хўжайинлари у билан магазинларга боришар, сотиб олинган буюмларини ушлаб юргани унга беришар, юрак сирларини унга айтишарди, чунки у бу ишларда мутахассис бўлганидан, энг оқилона маслаҳатлар бера оларди.

— Оленька, худо хайр берсин, айтинг: Аркадийга жавоб қайтарсаммикин, йўқмикин...

— У сизга ёзганмиди ўзи?

— Учта хат ёзди.

— Бўлмаса жавоб ёзинг!

— Рост айтасизми?

— Жавоб қайтаринг... Албатта... Лекин лўнда қилинг: бор-йўғи икки-учта сўз, холос... Қайтага, агар сиз унга: «Сиз мендан нима истайсиз? Мен сизга тушунмай қолдим...» деб ёзсангиз дурустроқ бўлур.

— Ростдан-а?

— Бунга амин бўлинг... Фақат шундай қилингки, гўё сиз унинг орзу-истакларини тушунмагандай кўрининг...

— Ҳа-ҳа-ҳа. Албатта шундай қиламан... Раҳмат, жоним...— ва ҳоказо.

Бироқ тўсатдан шу нарса маълум бўлиб қолдики, ўша Аркадий деганимиз Олянинг ўзи билан ҳам хат ёзишар, Оляга гумонсираб қарашмасин учунгина, бошқа бир қизга ҳам алангали хатлар ёзар экан. Бу қиз эса, гап нимада эканини билгач, йиртқич ҳайвондек жаҳли чиқибди, орада жанжал кўтарилибди, натижада, Оляни уйдан ҳайдашибди. Оля ҳам янги ёр-дўст топиб олгунигача, ишқ-муҳаббат ишларида тажрибасиз, демак, ҳадиксираброқ бирор жувоннинг ошуғи билан танишиб, у билан тиллашиш имкониятига эга бўлгунича ўз уйида бир амаллаб кунларини ўтказадди; бу соҳада бирмунча муваффақият қозониши биланоқ, у яна янги ошналарининг дўсти ва жўраси бўлиб қолади ва ҳоказо. Пётр кейинги чоғларда қуйи табақалар орасига, ўзи билан бир маҳкамада ишлайдиган амалдорлар доирасига аралашадиган бўлди, орадан кўп ўтмай, архив бўлими мудирининг қизига уйланди, қайнатасининг узоқ йиллар

қийналиб сепга жамғарган бир неча юз сўм пулни ба-
хузур талон-торож қилиш имкониятига эга бўлиб, пи-
ровардида бепул қолгач, замонига яраша маълумотли
киши бўлишига қарамай, гоҳо хотинининг сочидан ту-
тиб, унга ҳамла қилишдан ҳам қайтмайдиган бўлиб қол-
ди. Рафиқаси эса, бунга чидамай, кўз ёшларини дув-дув
тўкиб йиғлар, ўзини умрбод ҳалок бўлган аёлман деб
ҳисобларди. Николай бошпанасиз қолиб кетди. У хиз-
мат соҳасида ҳатто Пётр эришган мартабага ҳам кў-
тарила олмади. Бинобарин Николайнинг «пешонамда
борини кўрар эканман-да» деган хулосага келишдан
бўлак иложи қолмади. Мавж ураётган турмуш денгизи
уни дам у томонга, дам бу томонга итқитарди; аҳёнда
у чидаб бўлмас даражада руҳан азобланар эди, бироқ,
унинг ташқи бесўнақай кўринишидан бегона одамлар
унинг руҳан қийналишини билмасдилар, уларнинг Ни-
колайга нисбатан раҳмлари келиши ўрнига, ундан кул-
гилари келар, ёки дарёдан оқаётган пайрахага қара-
гандай, унга бепарво қарашарди; у пайраханинг нега
сувга тушиб оқаётгани одамларнинг лоақал хаёлларига
ҳам келмасди. Бабковга нисбатан ҳам худди шундай
бепарво қарашарди.

Николай Бабков қийналар, аммо бошқалар унинг
бу ҳолига ачинмас эди. Бинобарин у, ўзига доимий
бошпана тополмай, ҳарбийлар ҳаётидан латифалар
гапириб, «дўстликми ёки ишқ-муҳаббатми узоқроқ да-
вом қилади?» деган мавзудаги узундан-узоқ гаплари
билан хонимларнинг диққатини ўзига тортиш, ҳоказо
ва ҳоказо ишлар билан шугўлланадиган бўлиб қолди.
Ҳақиқий ҳаёт ва жиндаккина бўлса ҳам меҳнат деган
нарсаси ундан юз ўгирган эди. Бирор жойда мирза бўлиб
ишлаш ҳам унинг қўлидан келмас, чунки у ғирт савод-
сиз эди; бинобарин унга худди ўзидек маънавий жиҳат-
дан майиб, худди ўзидек орзу-истаклари барбод бўлган
кишиларга жўра бўлишдан бошқа йўл қолмади. Ҳозирги
замонда бундай воқиалар — бундай кишилар жуда
камдан-кам қолган бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда онда-
сонда учраб ҳам қолади.

Олдиндан кўрилмаган ҳодисалар натижасида кам-
бағаллашиб қолган уездлик танийшларимиз орасида
шундай алоҳида бир тоифа борки, уларни санқиб

юрувчилар деб атаса ҳам бўлади. Улар қадимгича яшашни исташлари билан бирга, айни пайтда, ҳозирги турмушдан орқада қолишни ҳам истамайдилар. Уларнинг биринчи истакларига эришишлари мумкин эмас, чунки бунга учинчи бир сабаб, чунончи: уларнинг қонларига сингиб кетган танбаллиги, кайф-сафога ўчлиги ва дунёдан мутлақо беҳабарлиги тўсқинлик қилиб турибди. Иккинчи истакларига эришишлари ҳам шунинг учун мумкин эмаски, юқорида мазкур биринчи ва учинчи тўсиқлар ғов бўлиб туради. Бу тоифага мансуб кишилар дам у муҳитнинг, дам бу муҳитнинг таъсирига берилмоқдалар. Бу таъсирлар жуда тез ўзгариб туради; бунинг натижасида, санқиб юрувчилар ўзларига икки ёқлама зиён етказадилар: астойдил ишга киришай деса, ҳамма нарсаса бефарқ қараши, «бўлса бўлар, бўлмаса — ғовлаб кетар» дейиши ҳалал беради; шундай қилиб, улар ишга ҳам киришмайди; ишга қўл силтаб ҳам қўя қолмайди. На униси, на буниси амалга ошади. Шу сабабли, санқиб юрувчилар доимо ва муттасил бекор юрадилар, демак, шахсан ўзларига зиён етказадилар; яна бунинг устига шу нарсани ҳам қўшиб қўйиш керакки, улар ўзларини ҳар соат-минутда маънавий жиҳатдан бўш сезиб, ичлари пишиб, диққатлари ошиб юрадилар. Бу жанобларнинг ҳаётида на охирги пулларига бир базм қилиш, на амалий иш бор; бунини ўрнига қандайдир тундлик, ҳар қандай азоб-уқубат ҳукм сурмоқда. Крюкованинг қандайдир бир қариндоши, ёш помешчик Клубницин ана шунақа санқиб юрувчилардан бири эди. У бир маҳал бувисиникида кечки ўтиришда кўришган Бабковни кўчада кўриб қолди.

— Бу ерда нима қилиб турибсиз?— деб сўради у.

— Зерикиб турибман, оғайни,— деди Бабков бепарвогина.

— Бўлмаса юринг, қишлоққа олиб бораё сизни!..

— Қишлоққа дейсизми, чунончи қаерга?

— Мана шу яқингина жойда, Сосновкага... Хўш, борамизми?..

— Борсак, бораверамиз-да... Мен қарши эмасман...

Шундан кейин икки оғайни меҳмонхонага кириб, овқатланиб оладилар, кейин Клубницин бепарволик билан: «Қани, юринг» дегач, иккаласи ҳам зинапоёга чиқадилар.

— Иван!— деб чақирди Клубницин.

Шу ондаёқ зинапоя олдиға уч от қўшилган фойтун етиб келади. Фойтунга қўшилган отлар жуда ориқ, ёлларига тақилган тасмаларнинг ранги ўчиб кетган, кучер эса товус пати қадалган шляпасини пешонасига бостириб кийган бўлишига қарамай, унинг ҳафсаласи пир эканлигини пайқамай қолиш мумкин эмас эди. Жўралар тушган кичикроқ фойтун дабдаласи чиқиб кетган, жуда эски эди. Рессорлардан биттаси чилвир билан боғлаб қўйилган; фойтун ичидаги аллақандай бурама михлар, айниқса фойтун тош кўчадан ўтаётганида жуда дирилларди; бурама михларнинг дириллаши, фойтуннинг доқиюнусдан қолган бўлиши, кучернинг устига кийган кийимининг увадалиги Клубнициннинг башарасида қора булутдай акс этар, уни аллақандай чуқур ўйга ботирарди. Далага чиққанларидан кейин Клубницин сал тинчиб қолади ва «фойтунни тузаттириш, кучернинг ҳам уст-бошини яхшилаш керак» деб эндигина ўзига сўз берганини эсидан чиқариб юборади. Бабков эса, йўл-йўлакай индамай, хаёл суриб боришдан фойдаланиб, Клубнициннинг мени олиб кетиши, айти фойда эканини изҳор қилишим керак, деган ният билан, бирданига жонланиб, ҳамроҳига битмас-туганмас анекдотларидан гапира бошлади. Шу жумладан у ҳали яқиндагина аллақандай шўх йигитларнинг бир актрисага қаратиб чумчуқлар учуриб юборганликлари, шу муносабат билан икки орада чиққан жанжални гапириб берди. Бошда Клубницин бу гапларни илжайиброқ тинглаб борди, чунки Клубнициннинг диққатини қоп-қора чўзилиб ётган далалар, йўлда дуч келган мировой посредникка¹ салом бермай ўтиб кетган деҳқон ва ҳоказолар ўзларига тортган эди. Мана буларнинг ҳаммасида Клубницин шундай даҳшатли бир савол аломати кўрардики, бунга бирор жавоб беришдан у мутлақо ожиз эди. Аммо кейинчалик Бабковнинг борган сари қизиқ воқиа ва манзараларни тасвирлаган гаплари Клубнициннинг манави далалардан, деҳқонлардан, амалдорлардан олган хунук таъсирини аста-секин йўқота бошлади, натижада Клубницин

¹ Деҳқонлар крепостник қарамдан озод қилингандан кейин деҳқонлар билан помещиклар ўртасида чиққан жанжалларни ҳал қилувчи амалдор. (Ред.)

ҳам ҳамроҳи гапириб берган кўнгилли шўх гаплар таъсирига берилиб қолди. У бундай хушчақчақ ошнасини ўзи билан олиб кетганига мамнун бўлди: қишлоқда бу билан зерикмайман, майли, вайсайверсин, деб ўйлади. У бутун ташвиш-ғалваларни унутиб туриш имконияти юз беришига хурсанд эди. Клубнициннинг бу яширин истагини ёлғиз бир нарса билангина, яъни рўй берган хилма-хил муваффақиятсизликлар устида бош қотиришга ўрганмаганлиги ҳамда жиндаккина бўлса ҳам унда характернинг йўқлиги билангина изоҳлаш мумкин эди.

Мана, жўралар Клубнициннинг қўрғонига етиб келдилар, шу ондаёқ, қишлоқ ҳаётида ҳукм сураётган дардисар манзаралар ҳар қадамда юз бериб қолди. Аллақачонлар серсавлат ва ҳашаматли бу қўрғонча вайронгарчилик даврини кечирмоқда эди: дарвозанинг ёшистин устунларига қўйилган тош курраларни аллаким олиб ташлаган, бу курралар ўрнида темир-терсаклар диккайиб турар, бутун кўрани ва йўлчаларни, гулзорларни ёввойи ўтлар босиб кетган, зинапоя олдида ҳали яқиндагина аввалги зеб-зийнатдан далолат бериб турган гулпушта йўқолиб, унинг ўрнини сўв ташийдиган, шотиси чилвир билан боғланган арава ишғол қилган эди. Уйнинг ўзи ҳам эскириб кетган эди; бу уй, бир замонлар умрини кайф-сафо билан ўтказиб, энди эса қариб, бирдан, оғир, вазмин бўлиб қолган кишини эслатарди. Деразаларда на парда, на гуллар бор, болохона устига қадаб қўйилган таёққа байроқ ўрнига қандайдир чилвир осилиб турарди; уй деворларининг шувови кўчиб, ёшиглари кўриниб турар, колонналарнинг ҳам расвоси чиқиб кетган,— бу манзараларнинг бари, кишида бутун ҳаётнинг сўлганидан дарак берадиган оғир таъсир қолдирарди. Боғ бутунлай қаровсиз қолиб кетган эди. Ариқчаларнинг баъзи жойларига, аслда кўркем бир манзара яратиш учун қурилган кўприкчаларнинг панжаралари кўчиб, ёғоч, тахталари чириб кетган эди. Боғдан рўпарадаги тепаликка чиқадиган жойдаги ҳали яқингинада гўзал парк ўрнида қуруқ тўнгалар диккайиб турар, юз йиллик катта дарахтлар ўрнини расвоси чиқиб кетган деҳқон кулбалари ишғол қилганди. Клубницин, мана шу деҳқон вайронгарчилиги, яъни: кулбаларнинг ўйилиб-тешилиб кетган томлари, қинғирқийшиқ деворлари, ҳоказо ва ҳоказолар кўздан йўқол-

магунча, чўнтаги бўш бўлаверишини сал-пал тушунарди. Шу билан бирга, у ўзининг шу феъли-атвори билан, деҳқон кулбалари томидаги очиқ-тешик жойларни, тобора қийшайиб кетаётган деворларни ўзи зиён тортмасдан тузата олмаслигини ҳам тушунарди. У паркдаги дарахтлар, теварак-атрофдаги манзарани *очиш* учун кесилди, деб ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ишонтиришга уринарди-ю, аммо шу билан бирга, бутунлай бошқа ташқи нарсалар сабаб бўлганини, чунончи, деярли ҳеч қаёққа чиқмай, Клубницинларнинг бельведерида¹ истиқомат қилиб ётадиган мешчан Кузьма Прокофьични боқишга мажбур қилаётган иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлганини биларди. Кузьма Прокофьич — жуда уддабурро одам: у хўжайин (Клубницин)нинг ҳозирги қийин бир даврда нима қилмоқ кераклигини сира фаҳмламаётганини жуда яхши тушунади, бинобарин у ўзим Клубницинга бу ишда ёрдам беришим маъқулроқ деб ҳисоблайди, унга пул топиб беради, буюмларни гаровга қўяди, Клубнициннинг яйлов-пичанзорларини аста-секин сотиб олади, ҳоказо ва ҳоказо ишлар қилади. Кузьма Прокофьич бу ишларнинг баридан жуда катта фойда қилади, ёки бошқача айтганда — Клубницинни талайди, лекин талаганда ҳам шундай назокат билан, шундай усталик билан талайдики, Клубницин унинг ўрнига бошқа бировни дўст тутишни мутлақо тасаввур ҳам қилолмайди. Кузьма Прокофьич бутун ишни аста-секин, шов-шувсиз тўғрилайди, хуллас теварак-атрофда Клубнициннинг обрў-эътиборига путур етказмай, унга нақд пул келтириб беради, бу пулар шундай осонлик билан ҳосил бўладики, Клубницин ўзи бунинг учун на қўлини, на оёғини ва на бармоқларини қимирлатади. Ҳолбуки, шундай осойишталикда — иш қилиниб бўлгач, пул эса чўнтакка кирган бўлади. Клубницин эса ҳаммадан кўра бунинг қадрига етади; гарчи у асл нарҳининг йигирмадан бир қисминигина қўлга киритса ҳам, ҳар ҳолда бuni афзал кўради. Клубнициннинг энг қойил бўлгани шуки, Кузьма Прокофьич, бу ишларни мужикча эмас, назокат билан, «сездирмасдан» уддалай олади. Кузьма Прокофьич шу давргача Клубницинларни «юқори табақага мансуб, машхур помещиклар»

¹ Болохона. (Ред.)

деб ҳурмат қилади. У ҳатто, бу машҳур жаноблар ўн тийин пул тополмаслигини ва пулнинг қачон бўлиши ҳам маълум эмаслигини жуда яхши билгани ҳолда, хонанинг пастки бурчагида чой ичиб ўтирар экан, юзида шукроналик кўрсатиб: «...Мана, масалан, Биковларни олайлик, улар ҳам, сизга ўхшаган донгги кетган жаноблардир» деб эслатиб ўтади. Клубницин бунинг ҳаммасига тушунади-ю, шундай бўлса ҳам, қадимгича яшашига имкон берадиган бу хушомадгўйликнинг қадрига етади. Хуллас, Клубнициннинг ишлари чатоқ эди: рўзғор бутун бузилиб кетган, уйда тамомила бўшлик, тобора кучайиб кетган диққатбозлик остида ҳар қандай манфаатлар кўкка соврилган эди. Худди мана шу истиқомат жойида Бабков ортиқ бир киши деб ҳис этилмай, бир-биридан норози икки шахс ўртасида учинчи шахс сифатида фойда етказарди; у ўша норозиликнинг янада зўрайиб кетишига имкон бермасдан, хунук тўқнашиш, низо-жанжаллар чиқишини тўсиб турганлиги учун фойдали эди. Клубницинларнинг иккаласи ҳам — яъни эр-хотин бир-бирларидан норози эди. Улар иккаласи ҳам жуда ёш, турмушдан доимо турли-туман лаззат олишгагина ўрганиб қолган кишилар эди; улар ниҳоятда оғир аҳволда қолиб кетганларидан кейин, ишлар пачава бўлиб кетганлиги ва ўзининг бўшанглиги учун бутун айбни бир-бирлари устига тўнкай бошладилар; эр: «Хотиним оғир пайтларда мени қўллаб-қувватламайди, бошқа бир хотин бўлганида — қўлидан келган ҳамма чораларни кўриб, кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшган бўларди» деса, хотин ўз навбатида: «Ҳаммасига эрим айбдор, чунки у мен заифага ҳеч эътибор бериб қарамайди, менинг ёнимни олмайди, менга деса бутун йўқолиб кетмайсанми, деб тураверади, бошқа бир эр бўлганда эди-ку...» дейди у. Бир-бирларига мана шундай муносабат натижасида, эр-хотин доимо қовоқларини солиб, хўмрайиб юришарди. Шундай пайтларда Бабков келиб қоларди-да, гап бошлаб, вақиллайверар, натижада эр-хотин кулиб юборишар ёки оҳ-воҳ қилишарди. Бабковнинг баъзан соатлаб, масалан, фоторасмлар альбомини томоша қилиб, шу билан бирга, валақлаб ўтириш қўлидан келарди. Унинг битмас-туганмас гаплари учун мавзулари кўп эди, масалан, расмга тушган кишининг бурни, қадди-қомати, кўзлари, афти-ангори ва ҳоказолар. Шу муносабат билан Бабков, бир маҳаллар ўзи эшитган воқиаларни, тўқнашиш,

ёқалашиш воқияларини, ҳоказо ва ҳоказоларни гапириб қоларди. Унинг бу вайсашлари натижасида вақт ўтгани сезилмай ҳам қоларди. Клубница хоним фортепиано чалар, Бабков эса уни осмонларга кўтариб мақтар, бу мақтовлар хоним қалбининг бир бурчагида ҳақиқатан жиндаккина жой олганини кўргач, аста-секин унинг кўнглини овлай бошларди. Бабков бу соҳада муваффақият қозонишига сира умид боғламас; буни у фақат бошқа бировларнинг — бу гал эса беканинг кўнглини юпатиш учунгина қилар эди. Бабковнинг Клубницаинлар назарида яна бир муҳим аҳамияти шунда эдики, Клубницаинлар ўзлари учун эрмак қилиб, уни хоҳлаганларича камситаверишарди (кекса бўғиннинг ёш намояндалари бўлган бу кишилар ҳам оқсуякларга хос баъзи ғалати одатлар билан бирга, бировларга менсимай қараш одатига ҳам мубтало эди). Бабков бу менсимасликларга ҳазил билан жавоб қайтарар, натижада ҳангома бошланиб кетар, бир дақиқа бўлса ҳам вақт ва диққатбозлик сезилмай ўтиб кетарди. Клубницаинлар Бабковга ўрганиб қолиб, у ҳам ўзининг қизиқ-қизиқ латифаларини икки-уч марта гапириб, мезбонларни тоза зериктирганидан кейиноқ, унга менсимай қараш бошланиб кетди. Клубницаинларникига янги бир одам ёки умуман меҳмонлар келиб қолган пайтларда Клубницаин (баъзан эса Клубница хоним ҳам) Бабковни айниқса масхара қиларди. Бундай пайтларда Бабковдан ё тўппа-тўғри хоҳолаб кулишар (агар меҳмон чаққонроқ бўлса), ёки бўлмаса, унга: «Афандим Николай Федорович, билмайсизми, ҳозирги вақтда тарсакининг баҳоси қанча туради?» каби саволлар беришиб, ҳар хил йўллар билан таҳқир қилишарди. Бабков, бунга қўлидан келганича, ҳазил-мutoйибалар билан жавоб қайтарарди; қорин очлиги натижасида ҳар қандай эркинликдан маҳрум бўлган мана шу турмушда Бабков ўзига хос ҳамма хусусиятларни йўқотиб қўйган эди; у ёлгон гапиришга ҳам, бировларни алдашга ҳам, манманлик қилишга ҳам, хуллас, ўзини ҳайдаб юбормасликлари учун, ҳамма ишни қилишга мажбур эди!

Бироқ, кунлар бирин-кетин ўтиб кетаверди, Бабков худди итдек зериктириб қўйди; эру хотин Клубницаинлар Бабковнинг ўз олдида ҳам, орқасида ҳам, бир-бирларига қовоқларини солиб юрганлари юрган эди. Ававалгидек ҳозир ҳам уларнинг кўз олдида увадаси

чиққан, туфланган ва таҳқир қилинган мудҳиш руҳий тушкунлик намоён эди. Бабков ўз хонасида ўтириб ёки ёнбошлаб ётиб тамаки чекишни ва Клубницинлар яшайдиган хоналарга мумкин қадар камроқ тумшугини суқишни маъқул кўрарди, чунки унинг дастлабки маҳалларда Клубницинларни мафтун қилган хилма-хил гаплари, латифалари тугаб қолди, шу сабабли унга энди бир марта: «Азбаройи худо, қўйсангиз-чи аҳмоқона гапларингизни» деб ҳам айтилди. Бабковнинг ҳам, Клубницинларнинг ҳам диққатпазликдан юраклари арзиқарди; бутун уйда қандайдир мудҳиш хафагарчилик ҳукм суларди; унинг ҳеч ким турмайдиган юқори қаватида шамол дераза ромларини ғирчиллатар, ойналарини зириллатарди; бу ерда қолган-қутган мебелларни чанг босиб ётарди. Пастки қаватда Бабков ва Клубницинлар турадиган хоналарда даҳшатли сукунат, жимлик ҳукм суларди, бу ерда ҳатто фортепиано чалингани ҳам эшитилмас; гоҳо кўйлакнинг шилдирагани эшитилиб қолар, борди-ю, Клубнициннинг ёки хотинининг айтган бирор гапи қулоққа чалиниб қолса ҳам, гарчи у: «рўмолчам қани?», «сувдан беринг» каби лўндагина сўзлардан иборат бўлишига қарамай, зарда билан айтилар эди. Бу ерда ҳамма нарса жуда қаттиқ тортиб боғланган тугунга ўхшаб, уни ечиб ташлашнинг ҳеч иложи йўқ, уни шартта кесиб ташлаш керак эди, холос.

Клубницин стулдан сапчиб турганича, қўлидаги китобини полга ташлаб:

— Масала ҳал!— деди бениҳоя руҳланиб,— базм қиламиз!

— Бабков, менга қаранг, базм, бал!— деди у Бабковга эшикдан бошини чўзиб ва бирпасда яна ғойиб бўлиб...

— Кузьма Прокофьевич!— деди у ҳовлиққанича бельведерга кириб,— ёрдам қилинг, оғайни! Эрта бизникида — базм... Нима хоҳласангиз — жоним билан!.. Сиз Арбузовкадаги пичанзорни беш йилга ижарага беринг деб илтимос қилиб эдингиз. Майли, ола қолинг... Фақат, худо ҳақи...

— Жуда соз...

Ўзингиз чорасини кўринг: нималар зарур... Музыка, хуллас, ҳаммаси... ҳаммаси энг аъло деганидан — ҳаммасини олинг... жонимга тегди...

— Жуда соз!

Бабков Клубницинни даҳлизда ушлаб олиб:

— Ер-биродарим — деди, — ижозат бер, бир ўпиб олай сени... Ажойиб иш бўлибди-ку!..

— Дарҳақиқат, нима учун мен ўзимни бунчалик қийнаб қўяман?

— Қани, бир бетингдан ўпиб олай... лўппигина юзларингдан, тушунасанми?

— Қўйсанг-чи... итдек чарчаб қолдим ўзим...

— Нима учун бунақа қиласан Пьер? — деди хўшчақчақлик билан хотини, ҳаяжонланганини беркитишга уриниб.

— Шунинг учун, — ҳовлиққанича унга жавоб қайтарди Пьер.

Шундан кейин бутун уйда қандайдир жонли ҳаракат, шов-шув бошланиб кетди. Айниқса Бабков шод хурам эди: хоналарда у вальсга тушар, дам ля-ля-ля деб хиргойи қилар, дам бирданига тўхтаб, Клубницинни қучоқлаб олар, дам уни қўйвориб, дераза олдида турганича, шаҳарга жўнаётган Кузьма Прокофьични кўриб қолгач, кучининг борица дераза ойнасини тақиллатиб, деразани ланг очиб юборар ва Кузьма Прокофьичга: «Карталар, бўрлар ва бошқа нарсалар олиш эсингиздан чиқмасин...» деб қичқирарди. У дераза олдидан кетгач яна Клубницинга ташланар, сўнгра яна вальсга тушарди. Қечқурун Бабков ўз хонасини ичкаридан беркитиб олиб, анча вақт кийим-кечагини кўздан кечириб, илма-тешик, доғ тушган жойларини иложи борица беркитишга уриниб кўрди: ярим кечаси Бабковнинг ичдан берк хонасидан, кийим тозалайдиган супургининг шилдирагани ва ҳуштак чалгансимонроқ бир овоз анча вақт эшитилиб турди. Бу овознинг чиқишига сабаб шу эдики, Бабков ўзининг кўйлак ва костюми тозароқ кўриниши учун, гоҳо супургига ва қўлига тупуриб қўярди. Ухлагани ётиши олдидан у энг хилват, олис провинциялардаги сартарошхоналардагина учраб қоладиган упу қутчасини очиб, афтига упу суркади; жуда озғинлигидан афтида пайдо бўлган йирик-йирик сизлогичларига аллақандай қоп-қора бир моддани ёпиштириб қўйди, бошига рўмолчасини буркади ва фақат шундан кейингина ухлагани ётди, шу билан бирга, ухлаётганида упу ҳам, пластр ҳам кўчмаслиги учун эҳтиёт бўлиб ётди.

Клубницин уйдагиларнинг вақти чоғлиғи билан бирга, уйнинг ўзи ҳам худди жонланиб кетгандай бўлди. Эртасига узун чўзилиб кетган коридорларда, анча вақтлардан буён юз бермаган воқиалар содир бўлди, чунончи: пичоқ, идиш-товоқ тозаланган овозлар эшитилиб турди, малайлар нари-бери гизиллаб чопишар ва умуман, бу уйдагиларнинг ҳаммаси шод-хуррам эканлиги, ором олганлиги кўзга ташланиб турарди. Соат ўн иккиларга бориб, уйга кираверишдаги зинапоя олдига коляскалар, қареталар ва бошқа аравалар келишиб, бу аравалардан хонимлар, қизлар, йигитлар чиқиб қолишди... Улар ҳаммалари шовқин-сурон солишар, хохолаб кулишарди; ҳаммалари яқиндагина учрашиб қангома-лашган дўстлари билан яна кўришганларига, эркин ҳаёт кечирганликларига хурсанд эдилар. Бабков бугун сира тинмайдиган ҳаракат тимсолига айланиб қолди. Айни бир замонда уни боғчада бир хоним билан учрашиб турганини кўриш мумкин эди, у ўша хонимга: «Ҳа, ҳа-ҳа, мен фикрингизга мутлақо қўшиламан» дерди; шу ондаёқ у, эшикдан ошхонага бошини чўзиб, кўзларини бақрайтириб: «Қани, азбаройи худо тезроқ бўлинглар!» деб бақирар ва олдинги хонадан туриб, патнус кўтарган малайга кимдан бошлаш зарурлигини кўрсатарди. Фақат, мияси жойидагилар тоифасига мансуб баъзи помещикларгина вазмин кўринарди. Улар ҳамиша чекерларга марза тортиш, деҳқонларни мажбуран, текин ишлатиш, земство съездлари тўғрисида гапириб ўтиришарди; бу эса Клубнициннинг жуда жиғига тегар, шу сабабли у бирин-кетин дабдабали қадаҳлар кўтарар ва шу билан базмнинг янада жонлироқ ўтишига ҳаракат қиларди.

Кечкурун боғчада фонарлар ёқилган, паст томони ҳар хил рангдаги фонарлар билан ёритилган юз яшар дарахтлар гўё жилмайиб тургандай кўринарди, бу эса болаларнинг беғубор табассумини эслатарди... Скамейкаларда ўтирган, йўлкаларда, бута ораларида, соябонли хиёбонларда нари-бери сайр қилиб юрган одамлар ўзаро шивирлашарди: ўликларнинг яна тирилишини кўрсатадиган бутун бир манзарадан ҳосил бўлган таассурот ортиқ даражада янги, ғайри табиий ва шу билан бирга ортиқ даражада қайғули эди... Пастда, деразалар тагида тўпланишган халойиқ жанобларнинг қанақа сайр-томоша қилаётганини кўриб ҳайрон бўларди:

Бабков хилма-хил вальсларга тушиб гир-гир айланар; Клубница хоним, икки танца ўртасидаги танаффус вақтида, мулойим жилмайиб, елпигичи билан елпиганича, бирорта олифта йигитга таннозлик қиларди. Клубницин ўзи эса, кечанинг охирига бориб, қандайдир бир қизиқчи кийимига бурканиб олди: у маст немиснинг, маст этикдўзнинг қанақа юришларини қилиб кўрсатди; у бутун башарасига ун суркаб, хунук бир қиёфага кирган эди, шу ҳаракатлари ва қилиқлари билан у ўзининг кекса хизматкорини жуда ташвишга солиб қўйди. У, ёритилмаган олдинги хонада турганича, ўз хўжайинининг бўлмағур номаъқулчиликлар қилаётганини кўргач, бошини чайқай-чайқай, уҳ тортиб: «Тавба, тавба! Бунинг оқибати нима бўлади энди!» деб пичирларди. Хўжайини эса тобора жиннилигини оширар ва бу жиннилик, ичкилик ичмаган чолнинг юрагини тилка-пора қиларди.

Базм тонг отгунча давом этди... Меҳмонлар эртасига кундузи соат тўртларга бориб тарқалишди. Меҳмонлар хоналардан чиқиб кетган сари, кечаги кунда қилинган бетартибчиликлар кўзга ташланган сари, Клубницинларнинг жон-понлари чиқарди; бу ердаги турмуш яна мудҳишроқ, яна хунукроқ кўринар, қандайдир даҳшатли ва ҳалокатли пайт янада даҳшатлироқ қиёфада уларга яқиндашиб келмоқда эди. Клубнициннинг хотини ҳар томондан ҳамла қилиб келаётган даҳшатга бардош беролмади, шу сабабли, нимадандир қўрқиб:

— Пьер!— деди.— Асло иложим йўқ... Бу ерда мен қола олмайман...

— Юр бўлмаса, ҳозир кетдик,— деди ҳовлиқиб Пьер ҳам, у ҳам бетоқат бўлиб қолган эди.

— Худо ҳақи, тезроқ жўнайлик... Мен бир дақиқа ҳам бу ерда қола олмайман... Холамизникига борайлик.

Бабков, одобли йигит сифатида, зинапояда туриб меҳмонларни кузатарди: у хонимларни кареталарга ўтқазар, жуда авайлаб уларнинг этакларини чок-чокига тўғрилаб қўяр, карета эшигини бирдан ёпиб қўярди-да, кучерга: «Жўна!» деб бақирарди. Хонимлар эса, унга мулойим жилмайиб, бош иргатиб қўяр ва «мерси» деб шивирлардилар. Хонимлардан биттасининг у қўлини сиқди, яна биттасига кичкинагина ғойибона бўса ҳадя қилди ва бу ишлардан ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис қиларди.

Клубницинларнинг уч от қўшилган каретада бир зумда елиб ўтганларини пайқаб қолгач у, бирданига:

— Пьер! Пьер!— деб бақириб юборди.

Пьер эса унга сира эътибор бермай, қулоқ ҳам солмай, қушдек учиб ўтди.

— Бу нима деган гап ахир! Ҳеч нима демай жўнаб қолса-я!..

Бабков жуда хафа бўлди.

— Мен нима қилай энди?.. Семён! Хўжайининг қаёққа жўнадилар?

— Билмасам.

— Лоақал айтолмайсанми, у ерда узоқ қолиб кетармикинлар?

— Ҳеч нима демадилар... Фақат шуни биламанки, мабодо холалариникига жўнаган бўлсалар, хойнаҳой икки ойча қолиб кетадилар-да.

— Бу учига чиққан пасткашлик-ку!.. Разиллик-ку... Ҳеч бўлмаганда, балки у овқат хусусида бирор нарса айтгандир дейман... ва умуман...

— Ҳеч нима буюрган эмаслар...

— Чўчқанинг ўзгинаси экан!

Бабковнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бошда у умуман бутун инсониятга қаҳр-ғазабини сочмоқчи бўлди-ю, кейин бу ҳиссини Клубницинга кўчирди. У ўзининг ғазабини: «Эй одамизод, одамизод! Сенларда виждон асари борми ўзи, ё йўқми...» каби нидолар билан бошлаб, гапнинг охирини: «Разиллар, нодонлар, бошқа ҳеч нарса эмас» деб тугатди. Шу хулосага келиб тўхтаганидан кейин Бабков фақат ўзининг нажот топиш масаласига тўхталди ва пировардида, яна шаҳарга бормасам бўлмас экан, деган қарорга келди. Бу мулоҳазалар натижасида, орадан бир неча минут ўтиши биланоқ, Бабков «жамоа» ҳовлисининг ўртасида туриб, буюргансимон оҳангда:

— Ҳой, ҳеч ким борми уйда?— деб сўради.

Деҳқон уйининг пастак эшигидан бели букчайган бир мўйсафид чиқди.

— Отлар борми?

— Ўзлари ким бўладилар?

— Отлар борми, деяпман?

— Ҳа...

— Аравага қўш...

— Чечак эмловчи табиб сиз экансиз-да?

— Ҳа. Қани, тезроқ бўл...

Отлар аравага қўшилди. Чол қўл қўйиш учун Бабковга аллақандай бир дафтар берди.

— Хат-саводинг борми?— деб сўради Бабков.

— Саводсизман, тақсир!

— Ҳмм...

Бабков буни фаҳмлаб олди ва, дафтарга ўз фамилиясини ёзмасдан, фақат: «Кира ҳақи тўланмасдан учта от олинди» деб ёзди.

Ҳориган, ҳолдан толган уч от оқшом олдидан зўрға Н. шаҳрига етиб олди.

ЧЕК ДАФТАРИ

(Боқимондачилар турмушидан бир воқиа)

I

Савдогар ва фабрикант Иван Кузьмич Мясников губерна шаҳрига атайин келиб, шаҳардаги ишларни тугатгач, анча ифлос меҳмонхонадаги ифлос номерга қайтиб келди-да, сафар тараддудини кўра бошлади.

— Қанақа бўлди энди бу, Иван Кузьмич, бизда кам меҳмон бўлдингиз-ку?— деди меҳмонхона малайи, йўлга отланган савдогарнинг лаш-лушларини йиғиштиришга ёрдамлаша туриб.— Ростдан ҳам, шаҳарда ҳеч кайф-сафо қилмадингиз-а...

— Кайф-сафони кейин қиламан.— Худого шукур, ишларимни тугатдим!

— Ҳамма ишингиз жойидами, ишқилиб?

— Ҳаммаси жойида!.. Жуда соз! Мана бу нарса-ни бир кўриб қўй-чи.— Мясников нимчасининг қўйин чўнтагидан олиб, меҳмонхона малайига қандайдир бир дафтарчани узатди. Малай, ҳайрон бўлиб дафтарчани қўлига олди-да, анчагача ҳайрон қолиб унга қараб турди.

— Бу нима экан ўзи?— деб сўради ниҳоят малай.

— Бу, сенга айтсам, дўстим,— деди мамнун ва хурсандлик билан Мясников,— бу нарса атиги ўн беш минг сўм туради! Бу шунақа нарса!

— Шу бир парча қоғоз-а? Ўн беш минг дейсизми?

— Ҳа-ҳа, худди мана шу бир парча қоғознинг ўзи, ўн беш минг туради... Сен нима деб ўйловдинг?

— Ахир, бунинг турган-битгани қоғоз... атиги дафтарчадай бир нарса-ку... Бунда ҳеч қанақа пул йўқ-ку...

— Шундай бўлгани соз-да!.. Қани, бунинг пул эканини билиб кўр-чи!.. Оппоқ қоғозу, оғирлиги ўн беш минг сўлковойга тенг!.. Буни чек дейилади!

Бу сўзни эшитгандан кейин малай дафтарчани бир айлантриб, унинг иккинчи томонини кўрди-да, ҳеч нима тушунмай, савдогарга тикилди.

— Бунинг нима эканини биласанми... Айтайлик, сен шундай бир нарсани қўлга киритдингми — бас: пул олаверасан!..— Мясников гапни лўнда қилиб тушунтриб бермоқчи бўлган эди, малай тушунмади. Шунинг учун дафтарчанинг эгаси банк ишлари тафсилотини унга бир бошдан гапириб беришга мажбур бўлди. Гарчи Мясников бу ишлар тўғрисида анчагина батафсил изоҳот берса-да, меҳмонхона малайи дафтарчанинг аҳамиятини тўла тушуниб олди деб бўлмасди, у дафтарчани ҳамон қўлида ушлаб турар, гоҳ унга эътибор билан қараб қўярди; шундай бўлса ҳам, савдогар, гапини тутатгандан кейин, малай чуқур тин олиб, қандайдир ўйга ботиб, деди:

— Ҳа-а!.. Бир парчагина^① бўлса ҳам, аллақанча пулни ютиб юборибди-я!

Бу таъбир дафтарча эгасига жуда ёқиб қолди.

— Гапинг тўғри, иштаҳаси жойида!— деди у.— Чиндан ҳам, шунча сармояни саришта қилиб, қўйибди!

— Ўн беш минг-а!— деди малай:— ахир бунга илгари бутун бир қишлоғу қанчадан-қанча деҳқон, яна ўрмон сотиб олса бўларди. Шуларнинг барини мана шу бир парча қоғоз ютиб қўйибди денг-а!

Малай ўзининг батамом ҳайратда қолганини билдириб, бошини бир чайқаб қўйди-да, дафтарчани савдогарга узатди. Савдогар ҳам мамнун бўлиб, дафтарчани нимчасининг қуйи чўнтагига солиб қўйди.

Меҳмонхона малайи негадир бирдан:

— Тавба-тавба!— деб қўйди.

Номерга кучер кириб, йўлга чиқиш учун ҳамма нарсаси тайёр эканини айтиши билан, икки ўртадаги гап узилиб қолди.

II

Яна бир соатдан кейин (куз кечалари эсадиган изгиринда) барра пўстинга ўралиб аравага ўтирган Мясников шаҳардан анча нарида калласини ликиллаптиб мудраб кетиб борарди. Гоҳ у пўстин тагидан кўкрагини пайпаслаб, дафтарчани ушлаб кўрар ва ҳар гал, қўли дафтарчани пайпаслаганда, негадир меҳмонхона малайининг «ютиб юборибди-я» деган гапини эслар эди; бу

сўз унинг димоғини чоғ қилар ва дафтарчанинг нимани ютиб юборганини беихтиёр эсига туширарди. Аммо шу билан бирга, ана шу пулларнинг ва уларни шунчалик маҳорат билан эмган шу дафтарчанинг таркибий қисмларини аниқроқ тасаввур қилган сари унинг уйқуси қочар ва негадир диққати ошарди.

Бир гал Иван Кузьмич ҳатто уҳ тортиб ҳам қўйди.

Нима сабабдан? Наҳотки дафтарча чиндан ҳам жуда кўп «ютиб юборган» бўлса-я? Яна, наҳотки, чиндан ҳам бу дафтарчага Иван Кузьмичнинг шунча кўп меҳнати сингган бўлса? Уҳ тортиб қўйгандан кейин, бу меҳнати тўғрисидаги ўйлари Иван Кузьмични батамом хотиржам қилиб қўйди, шунчалик хотиржам қилиб қўйдики, Иван Кузьмич ортиқ бир марта ҳам уҳ тортмай, тез орада қаттиқ ухлаб қолди.

Чек дафтарчаси тўғрисида бўладиган ҳамма саволларга жавоб бермоқ учун, Иван Кузьмич ва унинг фаолияти билан мукамал танишмоқ зарур.

Иван Кузьмич, юқорида айтилганидек, савдогарлар тоифасига мансубдир, шундай бўлишига қарамай, Мясников китобхон дўконда ва саҳнада кўришга одатланган «савдогар»ларга сира ўхшамайди. Иван Кузьмич билан эски замон «савдогари» ўртасида қиёфа жиҳатидан ҳам, тушунча-фикр жиҳатидан ҳам, ишни юргизиш жиҳатидан ҳам — ҳеч қандай ўхшашлик йўқ.

Кимники эски замон савдогарига иши тушган бўлса, савдогарнинг қаллоблик билан яшаганини, шубҳали ишлар билан бойлик тўплаганини, эски замон савдогарини «шубҳали бой» дейилиши тўғрилигини, унинг «алдамасанг — сотолмайсан» деган маталга амал қилишини айтиб беради. Эски замон савдогарининг бутун фикризикри алдаш эди. У одатда хотин учун эмас, мол-дунё учун уйланарди-да, мен бола-чақали одамман, худодан қўрқаман, деб туриб одамларни алдарди; айни чоқда оиласидагиларнинг ҳаммаси ҳам, ўзидай ёлғон гапириб одамларни алдашини биларди. Дўконига келган харидорларга хушмуомала бўлишдан мақсад — харидорнинг кўзини «чалғитиш», гап сотиб туриб алдаш, пайтдан фойдаланиб чириган, нураган молларни харидорга тикштириш, иложи бўлса, ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қолишдан иборат эди... Эски замон савдогари ҳақида ҳамма шундай ўйларди, ростини айтганда, унинг ўзи ҳам шундай ўйларди, гарчи у баъзан катта сармоя-

ни қўлга киритса ҳам, гарчи у баъзан харидорни «боп-ласа» ҳам, аслида у ич-ичидан, ўз ишининг «тоза эмаслигини» сезар, ҳар дақиқада уни фош қилишлари ва қонун асосида унга чора кўришлари мумкинлигини, гапнинг очигини айтганда, нариги дунёда ҳам, эҳтимол унчалик яхши бўлмаслигини тушунарди. Ана шунинг учун ҳам эски замон савдогари ибодатхонага жонкуярлик қилишни, ибодатхонага юз пудлик қўнғироқ ҳада қилиш ёки шу жойдаги санам олдига оғирлиги бир пуд келадиган шам қўйиш йўли билан виждон овозини ўчиришни ўзининг асосий бурчи деб биларди; у, одатда, ўша шамни кўтарганича ибодатхонада тўпланган халойиқни гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга итариб, тер босиб, ҳарсиллаб санам олдига келарди. Ибодатхонага қилинган ҳайр-эҳсонлар савдогарнинг кўнглини тинчитар эди-ю, аммо раҳмсиз қонун уни ҳар ҳолда тинчитмас, чунки қонунга ҳеч қандай шам, қўнғироқ ҳам керак эмас. Дарҳақиқат, оддий миршабдан тортиб губернаторгача бўлган қонун ҳомийлари эски замон савдогари устида доим дўқ қилиб турарди. Савдогар, бирон мансабга эга бўлган ҳар бир кишининг соғин сигири эди. У пора берар, меҳмон қилар, ионалар берар, пойтахтдан келиб, бу ерлардан ўтиб кетаётган бирор амалдорга маҳаллий жамоат шу жойнинг манзаралари тасвирланган альбом ҳада қилишни ният қилган бўлса, ўша альбом учун пул топар, бирор воқиа «шарафига» кўча-кўйларни рангбаранг чироқлар билан безатар, бирор иш «фойдасига» ўтказиладиган лотереяларда ўз пули билан иштирок қилар эди, ҳоказо ва ҳоказо; ноз-неъмат мўл-кўл бўлган зиёфатлар тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ; бу зиёфатларда дастурхонга энг аъло балиқ уруғи ва сийрак топиладиган балиқлар қўйилиши шарт эди (бу икки нарса «савдогар» номи билан қанчалик чамбарчас боғланган бўлса, «тулки пўстин» сўзи, «қайноқ сувдан бер» нидоси ҳам ўша «савдогар» сўзи билан шунчалик чамбарчас боғланган эди)—чақирилган ва чақирилмаган меҳмонлар учун унинг дастурхонидан ўша пирог ва бошқа таомлар узилмас эди. Маҳалла миршаби, шаҳар бошлиғи, даҳа пристави, брандмейстер, суд ижрочиси, ҳимоячи ва ҳоказолар барчаси унинг уйига, дўконига келиб пул олар, балиқ уруғи ер, ароғини ичар, ҳамиша дўқ қилар ва риоя қилганлиги учун ўзига инъомлар талаб қиларди. Эски замон савдогари,

ўзини айбдор сезиб, ҳаммага пул тўлар, ҳаммани боқарди ва мана шу ғовларнинг барини ўтиб олганидан, яъни ҳаммани боқиб, ҳаммага улуш чиқариб бўлганидан кейингина, эртасига яна алдамчиликка — «гап сотиш», «кўз чалғитиш»га киришарди. Эски замон савдогарининг тулки мўйнасидан пўстин кийиши бежиз эмас, унинг бутун қилиқларида тулкига хос хусусият бор эди. Таъқиб, қувғин эса, тулкини таъқиб этиш ва қувлашга қараганда минг бадтар бўлиб, эски замон савдогари кўп йиллар давомида ҳар куни таъқиб ва қувғин остида эди. Ана шундай қилиб, терлаб-пишиб чой ичиб, обдон ёлғон гапириб юриб, бу тулкинамо одам, оқибат, умрининг охирида, қаллоблик, хийла-найранглар билан жамғарган пулларини сандиққа беркитиб қўйиб, қолган умрини тинч ўтказиш ниятида ўзини гадойликка солар, бир тийин ҳам пулим йўқ, деб ҳар кимни ишонтиришга уринар ва бу сўзларининг тўғрилигини исботлаш учун фақат турп еб тирикчилигини ўтказар эди.

Иван Кузьмич бу хил савдогарга ҳеч бир ўхшамайди; илгариги савдогар тиржайиб туриб чорак газ уриб қолганда, маҳалла миршаби келиб қолса, қўрқиб турарди. Иван Кузьмич эса қадди-басти расо, афти-ангоридан дадил кўринади. Иван Кузьмич ўзининг ана шу ошкора дадиллигини соқоли тагига ҳам яширмайди, чунки у «ҳозирги замонга мувофиқ» соқолини олдириб юради. Капитал намояндаларининг эскиси билан янгиси ўртасида бунчалик катта фарқ бўлишига сабаб шуки, эскиси ўз ишларини «унчалик худо йўлидаги иш эмас» деб ўйлайди, янгиси эса, бунинг аксича, ўз ишининг чинакам иш эканлигига сира шубҳаланмайди ва шу билан бирга у, гарчи ўз шахсий манфаатини кўзлаб бўлса ҳам умум, фойдасига ўз капиталини сарф қилганлиги учун ватан ундан миннатдор бўлиши лозим деб ўйлайди; гарчи у ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб бўлса ҳам, бошқаларга нон беради, нураб қолган жойларини ва капиталларни жонлантиради; газеталарнинг ёзишига қараганда (Иван Кузьмич эса қисман бўлса ҳам улардан ҳабардор эди) ва Иван Кузьмичнинг ўз фикрича, борди-ю, у буларга қўл текизмаса, қанчадан-қанча вақтлар давомида бу жойлар, бу капиталлар беҳаракат ётган бўлур эди. Иван Кузьмичнинг бу фикрини жамоатчилик фикри, матбуот фикри ва ҳақиқий қашшоқлик қўллаб-қувватлайдики, бу қаш-

шоқлик ичида унинг капиталлари, унинг ғалласини — ҳақиқатан хайр-саҳоват деса бўлади. Ана шунинг учун ҳам унинг назари тўғри ва оддийдир, ана шунинг учун ҳам унча жилпаяглаш ҳам, қўрқиш ҳам керак эмас: у қонун асосида иш олиб боради. Бинобарин, Иван Кузьмич кўнглини тинчитиш учун, шу жойдаги санам олди-га оғирлиги бир пуд келадиган зарҳал шам қўйиши ҳеч бир керак эмас,—унинг кўнгли хотиржам, чунки Иван Кузьмич «ўз капиталларини ишга солади», бу эса таққиланган эмас, диний китобларда ҳам бу хусусда ваҳимали ҳеч нима айтилмаган. Ана шунинг учун ҳам, Иван Кузьмич истиқомат қиладиган маҳалланинг руҳонийлари ундан ҳеч қандай моддий ёрдам-иона олишни кутмайдилар, улар Иван Кузьмичникида «овқатланолмайсан», «қорин тўйдиролмайсан» деган қарорга келиб қўйишган. Қонун асосида иш қилаётган Иван Кузьмич бу томондан ҳам ўзини жуда хотиржам сезади, чунки у билადики, ҳеч ким унга тегишга журъат қиллолмайди: унинг ҳамма нарсага патенти бор, ҳамма нарсанинг ҳақи керагича тўланган; хушомадгўйлик қилиш йўли билан эмас, қўрқиб-писиб эмас, ортки зинапояда эмас, хилват жойда яширинчасига суқилган эмас, қўлга ҳам «берилган» эмас, «сизга тегишли» деб, очиқдан-очиқ «тўланган», ана шунинг учун бошлиқлар Иван Кузьмичга дўқ қилмасдан, руҳонийлардан намуна олиб Мясниковдан «кўп юлиб олиш мумкин эмас»лигини билганидан, ундан ҳурмат билан нарироқ туришини афзал кўришади. Хуллас, капиталнинг куч-қувватга молик эканини, уни сандиққа яшириб қўйиш тентаклик эканини, бу капитални ишга солиш кераклигини, нимаки сотилса ва олинса, ўшаларнинг барини сотиш ва олиш бемалол мумкинлигини, фойда қилишга ҳам ижозат берилганини ва бунга йўл қўйилганини англаб олиш,—мана буларнинг ҳаммаси эски замон савдогари билан янги замон савдогари ўртасидаги чегарани қатъий белгилайди, янги замон савдогарини хотиржам, ўзига ишонган бу ерда ҳам, у ерда ҳам ҳеч нимадан қўрқмайдиган қилиб қўяди.

Ана энди, савдо-сотиқ ишлари билан сафарга отланиш олдидан, эскидан қолган одатга мувофиқ, табаррук сувни пуркаб ибодат қилиш ўрнига (илгари савдогар чириган молларни сотиб олгани Москвага сафар қилиши олдидан шундай қиларди), ўз юзига табаррук

сув пуркатиш, тўрт ғилдиракли соявон аравага сув пуркатиш ва ҳатто кучери кийган шапканинг ичига ҳам сув пуркатиш ўрнига, Иван Кузьмич «янги хил» савдогар сифатида, ичига олти ўқ жойланган тўппончани чўнтагига солиб қўяди-да, батамом хотиржам бўлиб, нураб қолган жойларни ва капиталларни «жонлантириш»га жўнайди, у рус диёрининг шундай олис ва хилват жойларига, бу капиталлар ҳамма ерда қўл текизилмаган, бутун ҳолида ётадиган шундай жойларга жўнайдики, эски замон савдогари бу жойларни ва капиталларни сира «жонлантира олмаган бўлурди».

Ана шундан кейин, пулнинг беҳад куч-қувватига эга бўлган, баайни афсоналар баҳодирдай, Иван Кузьмич ҳақиқатан тоғларни талқон қила бошлайди. У ўз капиталари билан қалин қарағай ўрмонига қўл узатдимми, қора булутларга ва момақалдироқларга: «Келган изингга қайт, ҳатлаб ўт» деб шувиллаб, минглаб ёввойи ҳайвонларга ва қушларга оналарча ғамхўрлик қилиб, уларга бошпана бўлган ўша қарағай ўрмон, кўрибсизки, Иван Кузьмич бу ерларда пайдо бўлганидан икки-уч ҳафта кейин кўздан ғойиб бўлибди; энди қалин ўрмондан ном-нишон қолмабди! Ёввойи ҳайвонлар тумтаракай қочиб кетган, қий-чув чуғиллашиб қушлар ҳам турли жойларга учиб кетган, бу ерда фақат, хода, ғўлалар қолган, улар ҳам баъзи жойларда, қочиб қутулай деган қуёнларни босиб қолибди; бу ерда ўрмон ўрнига тахлаб қўйилган ўтин ва тарашалар қолибди. Яқин ўртада булар ҳам бу ердан йўқолади, ўйиб ташлаган қуруқ жойлару, Иван Кузьмичнинг чўнтагида пуллар, қандайдир ранг-баранг кичкина қоғозлар қолади; бу ранг-баранг қоғозлар дарҳол яна ишга туширилади, яна кўрибсизки, бошқа бирор хилват жойда инграш, бўкиришлар бошланиб кетади, ҳўкизлар, чўчқалар ва қўйларнинг дарё-дарё қони тўкилади... Пода тузлаган ва тузламаган гуштга, ёққа, териларга, пуд ва қадоқларга айланади, буларнинг ҳаммаси ҳадемай йўқолиб кетади, ғирчиллаган араваларда жўнаб қолади, кетида фақат хувиллаган яйловни ҳамда Иван Кузьмичнинг чўнтагида ранг-баранг қоғозларни қолдиради, бу қоғозлар эса дарҳол бошқа бирор янги ишга сарфланади... Аммо бу иш қай хилда бўлмасин, ҳаммаша негадир вайронгарчиликка, ғойиб бўлишга, ўлиб кетишга ўхшайди, бир нарса-

нинг аввал бор бўлиб, кейин йўқ бўлишини кўрсатадиган бу иш амалга оширилгандан кейин, ишнинг тугаганидан дарак беради. Иван Кузьмич характерининг ва асабларининг маҳкамлигига тан бериш керак: у ўз атрофида ўлим мавжудлигини деярли ҳеч қачон сезмайди; қўрқишиб қий-чув чуғурлашган қушларнинг фарёдига жўр бўлиб ғижирлаган ва болта зарбига таслим бўлишни истамаган минглаб дарахтлар ерга йиқилиб тушган пайтларда ҳам, минглаб ҳўкизлар, минглаб балиқлар пичоқ остида жон берган пайтларда ҳам, тирик қолдирилган минглаб бошқа ҳайвонлар ўкирган, бўкирган, хур-хурлаган ёки оҳиста маъраганлари ҳолда вагонларга зич ортиб, устларидан қулфлаб, сўйиш учун аллақаердаги кушхонага жўнатилган пайтларда ҳам у атрофида ўлим мавжудлигини сезмайди. Буларнинг ҳаммаси Иван Кузьмич учун уч юз йигирма беш саржин ўтин ва фалонча бош мол холос. Мана шу яқиндагина тирик бўлган саржинлар ва пудларни тугатганидан кейин у фақат чарчаганлигини сезади-да, пул деганинг бекорга топилмайди, бу пулларга озмунча меҳнатим сингмаган, мен жонлантириб юборган хилват жойларда мени баъзан «валинеъматимиз», «саховатпешамиз» деб аташар экан, бу лақаб «эҳтимолки» тўғридир, деган фикрга келади.

Дарҳақиқат, капитални ишга солишда Иван Кузьмич қўллайдиган усул, аслини текшириб кўрганда, қанчалик оддий бир усул бўлмасин, табиат ёки бошқаларнинг қўл кучи билан вужудга келтирилган ҳамма нарсани бутун илдизидан қуришиб юборишга асосланган бўйиш йўли қанчалик оддий йўл бўлмасин, табиатнинг ва инсоннинг кўп йиллик меҳнат самараларини ютиб юборгандан кейин нақд пулни чўнтакка солиш қанчалик оддий иш бўлмасин, аммо олис, хилват жойларда турмуш шароити баъзан шундай бўладики, иш қилишнинг бундай усули ҳам, тайёр молни ана шундай шарт-шароитда харид қилиш, табиат кучи ва меҳнат қилиш йўли билан бунёд қилинган бойликларнинг изини ҳам қолдирмай йўқ қилиб юбориш ҳам саховатпешалик деб, Иван Кузьмич эса ҳақиқий валинеъмат деб аталиши мумкин.

Иван Кузьмич шу топда ўзи ҳукмронлик қилаётган Распоясово қишлоғига кетяпти. Дарвоқе, бу жойда Иван Кузьмичнинг капиталлари пайдо бўлмасдан олдин ўша Распоясово қишлоғининг аҳволи қандоғ эди?

Иван Кузьмич ҳозирги вақтда валинеъматлик қилаётган бутун теварак-атрофни бундан ўн олти, ўн етти йиллар илгари Русь диёридаги энг оддий хилват жойлардан бири деб ҳисоблаш мумкин эди... Далалар поёнсиз эди, бу далаларнинг манзарасини фақат сакраб юрган зағчалар, қарғалар ва омочи билан деҳқонгина сал жонлантириб юарди, узоқдан қараганда, бу деҳқоннинг ўзи ҳам қарғага жуда ўхшаб кетарди. Баъзи жойларида тепаликлар бўлган бу текисликнинг атрофида қорайиб кўринган ўрмон хилват ва қалин ўрмон эди; ёзининг чоштгоҳ пайтининг энг жазирама иссиқ чоқларида, ўрмоннинг энг хилват жойида соя-салқин бўлиб, зах ер ҳиди димоққа урар, оёқ эса чириган ва нам хазонларга ботиб кетарди. Зич ўсган шохлар ва барглари орасидан офтоб нурлари зўрға-зўрға ўтар, фақат гоҳо жарликдан шариллаб оқаётган, қалин майсазор ичидаги сой юзасида қуёш нури олмосдай ярқираб кўринарди... Бу хилват жойларда одамни ҳайратда қолдирадиган сукунат ҳукм суларди; ўрмон баайни чуқур уйқуга чўмгандай эди. Бу ерда йиртқич ҳайвонлар ҳам, қушлар ҳам бемалол яшардилар; бу ерда сермева чакалакзорларнинг сон-саногини йўқ эди. Тезоқар анҳор ҳар хил балиқларга тўлиб-тошиб ётар эди... Ҳеч ким бу хазинага қўл текизмас, ҳеч ким буларни гўё эсига олмас ва бу ҳақда ўйламас ҳам эди... Икки-уч йил ичида бир ёки икки марта ёзда ёки куз пайтида қуюқ дарахтзордан сеттернинг¹ чиқиб қолганини баъзи бировлар кўриб қолишар ва шунда бариннинг чет эллардан қайтиб келиб, ўз ерларида ов қилаётганини пайқашарди... Барин бошини қуйи солиб, қўлларини орқасига қўйиб, ёввойи ҳайвон ва қушларнинг кўплигидан эсанкираб қолган итнинг кетидан паришонхотир саланглаб юрар ва афтидан нимадандир диққати ошиб, қаттиқ ўйларди; унинг орқасига осган милтиғи астагина лапангларди... Хўш, барин нималарни ўйларди? Ҳеч шубҳасиз, у жуда кўп нарсаларни ўйларди-ю, аммо сира ҳам унинг ўйлари ўзи дайдиб юрган бу жойларнинг мушкулини осон қилолмас эди; баринга қарашли ўрмон ва дарёларда мавжуд бўлган нарсаларнинг сероблигига қарамай, далаларнинг

¹ Исковчи итнинг бир хили. (Фед.)

жуда кенг бўлишига қарамай, бу ўрмонлар, далалар ва дарёлар барин чет элга кетганидан кейин ҳам (у хаста эди) худди шундай ташландиқ, унутилган ҳолда ёта-верди; унинг бениҳоя кенг ерларида, онда-сонда унни-қиб кетган хароба қишлоқлар кўзга ташланиб турарди, эти бориб устухонига ёпишган қорамоллар ва «ўғри» «муттаҳам» лақабли озғин киши кўзга чалинарди; чунки у чиндан ҳам баринга қарашли ўрмондан ўтин-чўп, хўл мева, балиқ ва шу кабиларни яширинча қўлга киритишга қасд қилган ва оқибат олган нарсасининг «ҳақини тўлашга» келганда эса калтак еб ҳақини узарди.

Бу ердаги бойлик унутилган, ҳеч кимга керак эмас ва ҳеч кимга насиб бўлмаган бойлик эди. Барин ўрмонда ов қилишдан ҳам зерикиб кетди, нега десангиз, бу ерда ёввойи парранда ва ҳар хил ҳайвонлар шунчалик кўп эдики, узилган ҳар бир ўқ бекор кетмас эди; мужикнинг қишда ёқишга ўтини йўқ эди ва у хароба кулбасида совқотиб чиқарди; мужик ўтин тараддудида юрганида қоровулнинг қўлига тушиб қолса, ўрмондан қўллари боғланган ҳолда судраб чиқаришарди; ёки агар мужик макиён қўрни отиб ўлдиришга қасд қилганини ўша қоровул пайқаб қолса, милтиғидан ажралиб қоларди. Распоясово қишлоғи ва унинг атрофидаги қишлоқлар бундан ўн олти йил муқаддам ана шундай аҳволда эди: ҳамма нарса мўл-кўлу, аммо бундан ҳеч кимга фойда йўқ эди. Бариннинг диққати ошар, ғамгинлик дардига мубтало эди, мужик эса қашшоқ ҳаёт кечирар, унинг ҳам яшашга ҳаваси йўқ эди.

Деҳқонларни озод қилиш бариннинг ҳам, мужикнинг ҳам, ғамгинлик дардига биратўла хотима берди. Шу ҳодиса туфайли мужиклардан жанобларга, жаноблардан эса мужикларга нимадир «ўтиб» қолиши биланоқ, мужикларда ҳам, жанобларда ҳам биринчи марта хусусий мулкчилик ҳисларининг дастлабки аломатлари дарҳол пайдо бўлиб қолди; барин буларнинг барини «меники» деб билди, мужик ҳам худди шунинг ўзини кўрганидан кейин, бу ахир «бизники-ку» деб қолди.

«Меники» ва «бизники» деган ҳислар ғамгинлар учун шунчалик янги ва бариннинг руҳи учун ҳам мужикнинг меъдаси учун ҳам, расо ўз вақтида пайдо бўлган ҳислар эдики, уларнинг «меники»га ва «бизники»га бўлган иштаҳалари кун сайингина эмас, соат сайин ўсаверди.

Распоясово ва унинг атрофидаги қишлоқларни идора қилувчи қадимги бошқарувчининг миясига шу вақтда жуда ажойиб бир фикр келиб қолди: распоясоволиклар азалдан яшаб келган ерлар шундай жойки, башарти бу жойни бошқа бирор жойга «қўшса», илгаригига қараганда тўрт марта оргиқ даромад олиш мумкин. Бунинг учун распоясоволикларни бошқа бирор жойга кўчирилса, уларга «илгаригидан кўра ҳам яхшироқ бўлар» экан.

Бошқарувчи режасини баринга баён қилди; гарчи барин анча вақтгача иккиланиб турса ҳам, аввал сира маълум бўлмаган «меники» деган ҳис, ниҳоят, шунга олиб келдики, унда: «бу жойлар аслда менинг мулкиму» деган тушунча уйғонди.

Барин бошқарувчининг таклифини қабул қилсаммикин, қилмасаммикин, деган ҳар хил мулоҳазаларга берилганида «Худо ҳақи, бу меники-ку» дерди, ниҳоят чет элга жўнаганидан кейин, Лозанна шаҳридан бошқарувчига, «қандай яхши» бўлса, ўшандай қилавер, деб хат ёзди.

Бошқарувчи ишга киришди, «бизникилар» ҳам қарши туришди, тўполон бошланиб кетди.

«Бизникилар» қаттиқ қарши туришди. Тўполон кўтаришга ва ғалаба қилишга интилиш, юқорида айтиб ўтилганидек, қорин тўйдиришга интилиш каби мақсадни ўз олдига қўйган эди; бу интилиш яхшироқ ҳаёт кечириш ҳақидаги орзу-хаёллар натижасида кучайди, орзу-хаёллар эса озод қилиниш пайтида гўё уйғониб қолгандай эди. Бу орзу-хаёллар ноаниқ шаклда бўлиб, оғзида тишлари қолмаган қадимги мўйсафидларнинг эски замон ҳақидаги ҳикоятлари таъсири остида, дайди зиёратчининг, қочоқ солдатнинг панду насиҳатлари натижасида авж оларди, аммо оқшом пайти деҳқон кулбаси жуда қоронғи бўлиб, мужик ўтакетган зулмат ичида солдатлар ва зиёратчиларнинг ҳикоятларини тинглаганида орзу-хаёлларга бериларди, бу орзу-хаёллар гарчи ноаниқ бўлсалар ҳам, унинг фикрларини деҳқон уйдан баланд-баланд, олис-олис жойларга олиб кетадилар... Шунчалик олис жойларгаки, тагига бўз таглик ёйиб ухлаётган боласига: «эски бўз таглик уч йилда чириб кетди,» деб алла бошлаган деҳқон аёл, ҳикоятлар-

1 Швейцариядаги бир шаҳар. (Ред.)

ни эшитавериб, хаёл суриб, аллани бир чеккага йиғиштириб қўярди-да, боласига деярли ишонч билан: «Қатта йигит бўлганда, хазиналар топасан...» дерди. Распоясово қишлоғи мужикларининг қоронғи, ғамгин кечаларда орзу қилган хаёллари ана шундай эди, бу орзу-хаёллар распоясоволик аҳолининг руҳини шу даража кўтардики, улар келгуси жангда ўзларининг мол-мулкларини аямасликка қарор қилдилар, чунки улар: «Бизнинг ишимиз ҳақ иш!» деб ўйлардилар.

— Қани, йигитлар, белбоғларингни ечинглар.— деб бақиришарди улар.— Ҳеч нимани аяманглар! Уч бара-вар ортиғи билан қайтариб оламиз... Хамёнларингни олинглар! Ҳой, чол! Печка тагида нимаики бўлса ҳам-масини бу ёққа чиқар... Жамоат!.. Шаҳарга ўз одами-мизни юборишимиз керак. Пармен бобо!.. Кўпчиликка бир иш қилиб бер! Қадди-қоматингни ростлаб, бир ҳаракат қил!

— Раҳмларинг келсин, диндошлар.— деди саксон яшар мўйсафид Пармен.— Озмунча калтак емаганман-ку!

— Етим-есирларнинг кўз ёшига раҳминг келсин!— деб қаттиқ илтимос қилишди распоясоволиклар.— Сендан бўлак кимнинг бунга ақли етади? Бизлар оми халқ-миз, дунёни тузукроқ таниганимиз йўқ. Сен бўлсанг ўз даврингни яшагансан, демак, ҳамма нарсани худди китобда ёзилганидек кўрасан... Мол-жонимиз учун бир ҳаракат қил! Бобо, ҳо бобо! Худо ҳақи, бизларни жабр-жафога қўйма!

— Оҳ-оҳ, жуда ҳам мўнкиллаб қолганман, шафқат қилинглар менга, болаларим! Оҳ-оҳ...

— Пармен бобо!— деб ялиниб-ёлвориб гапиришди распоясоволиклар:— ё бўлмаса, деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига сира раҳминг келмайдими? Ҳаммамиз ҳароб бўламиз-ку...

Аҳоли узоқ вақт кўз ёши тўкиб оҳ-воҳ қилди. Пармен бобо улардан ўзини мудофаа қилди, лекин оқибат таслим бўлди.

— Хўп бўлмаса — деди бобо, маймоқ қадоқ қўллари билан кўз ёшларини артиб, шундай бўлсин десаларинг, демак, худонинг амри шунақа экан-да, қариган чоғимда менга яна бир кўргулик бор экан!

— Худои таоло мадад берсин, ишимиз ўнгидан келсин!..

— Худо ўзи, шафқатли Никола авлиё, бошлаб бор, деб буюрган бўлсалар керак, майли, бора қолай!

— Умринг узоқ бўлсин,—деди, хурсанд бўлиб оломон.

— Пул берадиган бўлсангиз, билиб қўйингларки, бир тийинини ҳам ўзимга сарф қилмайман...

— Бобо! Отахон! Бу нима деганингиз ахир!—ранжигандай гапиришди распоясоволиклар: «Наҳот ўз одамларингизга шундай десангиз! Ўз ақл-идрокингиз билан, парвардигорнинг хоҳиши билан сарф қилаверинг. Сизга оқ йўл бўлсин... Ўз одамларингиз учун ҳаракат қилинг!

Ана шундай қилиб, елкасига халтасини осган, озғин қўлига узун ҳассасини тутган, ориқ, ингичка оёқларига, жамоат ҳисобига янги чипта кавуш кийиб олган Пармен бобо ҳақ иш учун курашгани гандираклаб сафарга чиқди. У бундан қирқ йил илгари шаҳар турмасида ётиб, ўша турмадан тўппа-тўғри Сибирга жўнатилаган. Сибирдан эса, манифестга мувофиқ, гуноҳи афв этилиб, ўз қишлоғига қайтиб келган эди. Ана ўшандан буён Пармен бобо шаҳарга борган эмас ва шу сабабли шаҳардаги тартиб-қоидаларни эсидан чиқариб қўйган эди. Бу тартиб-қоидалар эса ўша даврдан бери жуда ўзгариб кетган эди. Илгари пора олиб, хоҳлаганини қилган, пулига қараб ишни тўғрилайдиган подъячий лавозини энди йўқ эди. Бинобарин, Пармен бобога бутун ишнинг худога ҳавола қилиб, унинг марҳаматидан умидвор бўлишдан бошқа иш қолмади. У ўз ишида муваффақият қозониш мақсадида бутун кун овқат емай, сув ичмай худога ёқиш учун рўза тутар, жамоат пулларини эса, распоясоволиклар учун ҳаракат қиламан деб сўз берганларга, ҳеч аямай улашарди; шу билан бирга, у кўз ёшларини тўкиб, ҳалок қилманглар, деб ялинарди... Бироқ, Пармен бобо рўза тутган ва ундан пул олган кишилар олдида йиғлаган шу даврда ариза бериш, қарорни эшитиш, норозилик изҳор қилиш, қонунда кўрсатилган муддат ичида шикоят аризаси топшириш учун зарур бўлган жуда муҳим муддат негадир сезилмай ўтиб кетди. Бу майда-чуйда нарсалар шунинг учун кўрсатилмай ўтилган бўлса керакки, Пармен бобо улардан беҳабар бўлса керак, ибодат вақтида уларни эсламаган эди, ёки шунинг учун бўлса керакки, бу майда-чуйда нарсаларни кимдир ўзи билгану, нодон мужикка бунни айтмаслик-

дан манфаатдор эди. Хуллас, натижа шундай бўлдики, Пармен бобо губернадан қайтиб келиб, жамоатга: ҳам-ма иш, худога шукур, жойида, «махфий амалдор»ни кутиб олишга буйруқ берилди бу амалдор бутун ишни «улар» зарарига буриб юборади деб маълум қилиши биланоқ, қишлоққа исправник ёки становой келди-да, халққа бундай эълон қилди:

— Қонунлар мажмуасининг фалон жилднинг... фалон моддаси асосига ҳамда... жилдга... моддага ва... бандга берилган ўн бешинчи эскартмага мувофиқ қарор қилинди: Распоясово қишлоғининг деҳқонларига маълум қилинсинким, уларнинг илтимоси кўрсатилган муддатда берилмагани учун оқибатсиз қайтарилади ва «қарор» қонуний кучга киради...

Пармен чол сафарга чиққанда деҳқонлар ҳам таваккални худога қилиб қўйган эдилар, ўз ишларининг ҳақ эканига уларнинг ишонишлари эса фақат кузги ва қиш-ки қоронғи кечаларда сурган орзу-хаёлларига асосланган эди; шу сабабли улар қишлоқларига келган амалдорнинг нима ўқиб берганини тушунмасалар ҳам бу қоғозда ваъда қилинганича, ишнинг «ўзлари фойдасига бурилганини» кўрсатадиган ҳеч нима йўқлигини пайқаб қолдилар-да, бу «бизга маъқул эмас», унга қўл қўймаймиз, деб туриб олдилар...

— Рози эмасмисизлар?

— Сира рози эмасмиз. Бу—қалбаки қоғоз, бизларнинг ишимиз тўғри иш, Пармен бобо, шунақами ё йўқми?

— Қалбаки қоғоз, болагиналарим, қалбаки. Уша қоғоз эмас бу! Биз билмаймиз буни! Хўжайин, қаердан келган бўлсанг, шу ерга жўнайвер!

— Демак, рози эмассизлар?—деб қайта сўради келган одам.

— Алдамчилигинингни қўй!—деб жавоб қайтарди оломон.—Қоғозингни ёнингга солиб қўя қол... у бизга керак эмас! Қалбаки қоғоз!

Келган одам бу гапларнинг ҳаммасини протоколга ёзди, шу билан бирга, Пармен бободан айниқса батафсил гап суриштирди, сўнгра, бунинг ҳаммасини бир неча варақ қоғозга ёзиб тегишли жойига юборди. Распоясоволик мужик, от ҳайдаб, бу қоғозни тегишли жойига олиб борди. Келган амалдор ҳам Распоясово отларида жўнайдди. Распоясоволиклар нодонликларидан муддатни ўт-

казиб юбориб, яна бир балога гирифтор бўлганларини билмайдилар. Бунинг аксича, улар ўша «қалбаки» қоғоздан кейин, ўзларининг ҳаққоний ишлари учун қанча харажат кераклиги масаласини ечишга жон-жаҳдлари билан киришадилар.

— Қани, йигитлар, белбоғларингни ечинглар! Ҳой, халойиқ қимирлаб қол. Ишлар қизиб кетади, ҳеч нима-ни аяма, молимизни ҳам, жонимизни ҳам аямай, улардан устун чиқайлик! Наҳотки, бекордан-бекорга ҳалок бўлиб кетсак?

— Нега ҳалок бўлар эканмиз? Бор-йўғимизни беришимиз керак, бўлмаса...

— Пармен бобо, яна бир марта иш кўрсат! Сендан бўлак ким бор ахир?

— Сен бир марта у ерга боргансан, биласан!

— Майли, ўз қавм-қариндошларим йўлида жонимни қурбон қилай!.. Йўл тараддудини кўринглар!.. Сизларни деб жонимни аямайман, фақат илтимосим шуки, гуноҳларимни кечиришни худодан сўранглар... Балки ўша гуноҳларим жатига қоғоз бизга қарши қалбаки бўлиб қолгандир. Хайр, диндошлар, омон бўлинглар!.. Мендан хафа бўлган бўлсаларинг, кечиринглар!

Янада дарозроқ, янада озғинроқ бўлиб қолган Пармен бобо тагин сафарга отланади, худога ёлворишга ва рўза тутишга тагин бел боғлайди, лекин, аттанг! Бобо қайтиб келмайди. Уни излаб топишни дьячокнинг губерна шаҳридаги бир маҳкамада энди хизматга кирган ва ўз гапига қараганда, ҳамма тартиб-қоидаларни билган ўғли ўз гарданига олади. У, шаҳарга бориб, бу ишни тез ва арзонгина битириб келишга ваъда беради. Жамоат, ўйлаб кўргач, унга пул беради, бироқ, якка ўзини юбормай, ўз одамларидан бирини ҳамроҳ қилиб унга қўшиб беради, чунки, дьячокнинг бу ўғли қоғозбозликда, ёзиш-чизишда билармон бўлса ҳам, эскидан бутун Распоясово қишлоғида — пьяниста ҳамда ишониб бўлмайдиган одам деб танилган эди. Йўлга чиқиши олдидан унга худони ва етим-есирларнинг кўз ёшини унутмасликни ва бошқа гапларни тайинлашади.

Дьячокнинг ўғли, жамоат пулларини аямай, тегишли одамларга пора бериб ва уларни меҳмон қилиб харжлайверди. Улар тушган карвонсарой номерида бир неча кун ичкиликбозлик ва шундай бемазагарчиликлар бўладики, вакил ва кузатувчи қилиб юборилган мужик

бу жанобларга ҳайрон бўлиб, ваҳми келиб қарарди. Мужик «ўзларининг» ишлари ҳақида оғиз очмоқчи бўлган эди, дьячокнинг маст ўғли уни сўкиб беради-да, у ишимиз аллақачон барбод бўлган; илтимосга ўрин ҳам қолмаган, ҳамма иш аллақачон бизга қарши қаратилган, деб жеркиб берди. Аммо эрталаб у ҳушига келгач: мен шаҳарда қоламан, бир қоғоз келиши керак, ҳамма гап ўшанда айтилган бўлади, деб мужикни уйига жўнатди..

Яна қоғоз юборилди, бу қоғозни яна ўша становой қишлоққа олиб келди, қоғозда яна нимадир «бошқача» ёзилгандай туюлади. Пировардида, распясоволиклар Пармен бобонинг иккинчи марта шаҳарга саёҳат қилиши тўғрисида бақиришган, дьячок ўғли шаҳарда пьанисталик қилган маҳалларда, бир нима қилиш мумкин бўлган қандайдир муддатнинг «ўтиб кетганлиги», бу муддатдан кейин эса бутунлай «ҳамма иш барбод бўлганлиги» маълум бўлади.

— Шу сабабли мен сизларга чин қалбимдан айтманки, бошқа жойга ўз ихтиёрингиз билан кўчиб чиқинглар,— деб қўшиб қўйди становой пристав.— Шундай қилиш ўзларинг учун фойдалироқ бўлади. Бордию, ҳамон ўжарлик қиладиган бўлсаларинг, у тақдирда..

Становой приставнинг айтган гаплари тўғри бўлишига қарамай, распясоволиклар, бунинг ўз муддаоларига сира тўғри келмаганини кўрдилар ва яна розилик бермадилар.

— Демак, рози эмассизлар?

— Ҳеч! Розилик бермаймиз!

— Қўл қўймайсизларми?

— Худо сақласин.

— Ахир, ишни ютқизиб қўйибсизлар-ку?..

— Бу биз кутган қоғоз эмас!

— Қалбаки!

— Фамилиянг нима? «Қалбаки» деб ким айтди? Бу ёққа чиқ: сен кимсан ўзинг?..

— Оғайнилар! Айтманглар!..

— Нима-а-а?

Говур-говур тўполон ичида янги протокол ёзилади. распясоволик яна бир мужик, от миниб, протоколни тегишли жойига олиб боради. Становой пристав ҳам Распясово отларида жўнайди.

Кутилмаганда рўй берган бу икки зарба, распясоволикларнинг бутун орзуларини чиппакка чиқарган, шуича

кўп пуллар сарф бўлган бу икки қозғоз распоясоволикларни биринчи галда шундай ларзага келтирдик, улар нима қилишларини билмай қолдилар. Уларнинг ўз арзодларини айтадиган, нима қилиш кераклигини айтиб берадиган ҳеч кимлари йўқ: дьячок ўғли ғойиб бўлди, Пармен бобо ҳам ғойиб бўлди, ҳеч ким ҳеч нима билмайди. Оқсоқол у «томоннинг» ёнини олиб, қалбаки қозғозда ёзилганларни қўллаяпти. Шундай бўлиб тургандан кейин нима ҳам қилади киши? Дунёда ҳақиқат борми ўзи? Ахир энди илгариги замон эмас-ку!.. «Ҳақиқат» тўғрисидаги шу фикр распоясоволикларнинг миёсига келиб қолиши билан, улардаги гангиш аломатлари йўқолиб, дастлабки икки уринишга қараганда юз марта кучлироқ бўлган курашга ташналик ҳислари пайдо бўлди.

— Бўлмаса, дунёда ҳақиқат йўқми ўзи?— деди дўриллаб, аллақайдан пайдо бўлиб қолган «отбоқар».— Тагин бир дапқир жонни тикиб уриниб кўрайлик, йигитлар, ўладиган дунёда!

— Охирги марта зўр бериб, бир уриниб кўрайликчи... Балки ҳақиқат топилиб қолар!..

— Худо бордир!

— Ҳой йигитлар, нимаики бўлса, қиртишлаб келтираверинглар! Бир жон, бир тан бўлиб!

Шу пайт распоясоволиклар шундай бўлиб кетишдики, бундай фидокорлик қатъий қарорга келган дақиқалардагина бўлади. Распоясоволиклар ҳамма қолган-қутган нарсаларини келтириб, «ўлиб-тирилиб» сигир ва қўйларини сотиб, Москвагача бордилар, улар назарида Москва губерна шаҳридан юқорида кўринарди; Москва ишни чатоқ қилиб қўйганидан кейин, эса улар Петербурггача бордилар. Петербургда ҳам иш чатоқлиги маълум бўлиб қолгач, распоясоволиклар Петербургдан бошқа жой қуриб қоптими, деган фикр билан руҳланиб, сенатгача ва ундан нари бормоқчи бўлдилару, бу йўлда турмага бориб тикилдилар. Ўз қишлоқларида қолган распоясоволиклар сабр-тоқат билан натижани кутиб турардилар. Распоясово қишлоғидан пиёда ёки отда тасодифан ўтган ҳар бир ўткинчидан улар ўз ишларини суриштирдилар ва уларга чўчка боласи ҳадя қилиб, бизнинг ишлар нима бўлиптикин, шу ҳақда билганларинини айтиб бер, дейишарди. Ўзлари эса ҳеч нарасадан хабарсиз эди.

— Қоғозларингиз қани?— деб сўрарди, бу иш билан қизиқиб қолган ўткинчи.

— Қоғозлар Парменда эди.

— Пармен қаёқда?

— Губернада.

— Фалон қоғоз қани?

— Дьячок Антипнинг ўғлида эди.

— Қаёқда ўзи у?

— Қаердалиги номаълум...

— Писмадон қоғоз-чи?

— Унақа қоғоз йўқ.

— Бўлиши керак!

— Балки Пахомкададир... Мен у қоғозни Пахомкада кўрган эдим, шекилли.

— Қанақа қилиб у Пахомкада бўларди... Радивонда! Радивон менда деб эди-ку!

— Радивонда — чечак эмлаш тўғрисида, сени қара-я! Унда чечак эмлаш қоғози бор...

— Балки шундайдир...

— Демак, қоғозларинг йўқ экан-да?

— Очиғини айтганда, бизда қоғозлар йўқ!

— Бўлмаса, ҳеч нима қилиб бўлмайди!..

— Ҳеч нима-я?

— Ҳеч нима қилиб бўлмайди!..

Иш қандайлигини тушунган ёки тушунмоқчи бўлган ҳамманинг жавоби кўпинча ана шундай бўларди. Распоясоволиклар ҳар гал ана шундай суриштиришлардан кейин ғамгин бўлиб қолишар, нодонликнинг самарасини тушунар ва «муддатлари»ни, «муҳлатини ўтказиб» қўйишлар, «шикоятнома» топширишлар, «нусхасини қолдиришлар»дан иборат ўргимчак уясидай чигалликларни узиб ташлашга ожизликларини борган сари яхришоқ тушуна бошлайдилар. Ўткинчи зиёратчиларга, ҳарбий хизматдан бўшаган солдатларга ва худди распоясоволикларнинг ўзларидек, бу ишда ҳеч нима тушунмаган бошқа ўткинчиларга раҳмат, мингдан-минг раҳмат. Улар ҳамиша: сизлар ҳақсизлар, ишни сизларнинг фойдангизга ҳал қилиш мумкин, бунинг учун фақат юқорироқ жойга мурожаат қилса бўлади, у ерда қалам уриб қўйилса, бас: бутун иш ўзгаради қолади дейишар эди. Солдатлар, муваффақият қозониш мумкинлигини айниқса равшан тушунардилар. Улар ўзлари Петербургда бўлган, у ерда ҳамма нарсани кўрган ва бил-

гандилар; «становой ҳам амалдорми, Петербургда улар бир мирига иккитадан сотилади» дейишарди. Бундай хабарлар распоясоволиклар кўнглига ёғдек ёқарди... Троица-Сергий монастирига зиёратга борган распоясоволик мужик Мирон Петров бир куни, распоясоволикларнинг Петербургга юборган вакилларида ҳам худди шундай бир хабар олиб келди; Мирон Петров ўзи бу вакилларни кўрмаган экану, фақат станцияда кимнингдир бир савдогарга: «иш распоясоволиклар фойдасига ҳал бўлибди» деб гапирганини ўша савдогар Миронга айтган эмиш; аммо бу савдогар распоясоволикларга таниш одам эмас экан...

«Савдогар яхши одам бўлса керак!» деб ўйлашибди распоясоволиклар.

Аммо бу суриштиришлар, ҳар хил гаплар тарқалаётган, распоясоволик мужиклар этап йўлларида пиеда ва отда ўз қишлоқларига аста-секин қайтиб келаётганларида, ҳамма муддатлар батамом ва бутунлай ўтиб кетган эди. Шунинг учун куз кириши билан, ўзининг уч от қўшилган аравасида кўнғироқчаларини жиринглатиб, уезд полиция бошлиғи — исправник қишлоққа келдида, қисқагина, лўндагина қилиб, распоясоволикларнинг эртадан бошлаб бошқа жойга кўчишлари лозимлигини эълон қилди.

Исправник уларга қай вақтда қайси маҳкамаларга распоясоволиклар берган барча қоғозларни, бу қоғозлар устидан чиқарилган қарорларни, Петербургга юборган вакилларининг қоғозлари устидан чиқарилган қарорни ўқиб бердида, бу қарорлардан кейин, бу ҳақда яна гап очиш мумкин эмаслигини билдирди. Бордию, деб қўшиб қўйди у, сизлар ҳамон аввалгидек ўжарлик қилаверсангиз, полиция сизларни ўз ҳисобингизга кўчиради, ишчилар ҳозир истаганингча топилади, чунки — куз фасли бошланди, деди.

Распоясоволиклар ҳеч нима тушунишмади.

Исправник уларга ишни яна бошидан охиригача тушунтириб берди; улар яна ҳеч нима тушунмадилар.

Учинчи марта ҳам ҳамма гап тушунтирилди ва ишбот қилиб берилди. Учинчи марта ҳам улар тушунмадилар ва ишонмадилар.

Улар, нимагадир имзо чекиш таклиф қилинганидан кейингина ўзларига келиб қолишди. Ана шунда улар

«қалбакилик» борлигини пайқадилару қўл қўйишдан бош тортдилар.

Яна бутун иш уч марта лўнда қилиб тушунтирилди ва имзо чекиш таклиф қилинди, улар яна жойларидан қўзғалмадилар ва розилик бермадилар.

Учинчи протокол тузилди ва распоясоволик учинчи мужик уни тегишли жойга топширгани от чоптириб кетди.

Имзо чекиш таклифи распоясоволикларга иккита қалбаки таклифни эслатди; «ўз ҳуқуқ»ларини ҳимоя қилишда эпчиллик кўрсатганлари ва қўл қўймаганлари бирмунча уларни жонлантириб, ҳали хушхабарлар келиб қолар, Петербургга юборган вакилларимиз ҳам ҳаш-паш дегунча қайтиб келишар, яқин ўртада бирорта «махсус» амалдор келиб, бутун ишни бизнинг фойда-мизга тўғирлаб кетар, деган умид уйғотиб қолди. Аммо, эртасига кун чиқиши биланоқ, атрофдаги қишлоқлардан йиғиб олинган саксонта киши Распоясово қишлоғига келиб қолди.

— Ҳа, йигитлар! Салом!— дейишди распоясоволиклар.

— Салом! Мана, ёлланиб келдик...

— Сизларни кўчиришга олиб келишган бўлса керак...

— Бизларни хонавайрон қилмоқчимисизлар?

— Иш шунақага ўхшайди, сизларни!

— Шу-на-қа де!..

— Бизга нима? Кунига саксон тийиндан тўлашади-ку!.. Ўзинг ўйлаб кўр!

— Чакки эмас!..

— Бизнинг ишимиз, ўзларинг биласизлар, ҳар ҳолда...

— Гап бундоқ денг! Саксон тийинданми?..

— Саксон тийиндан...

— Тамом, демак!..

Бу ҳодиса распоясоволикларнинг бутун умидларини чиппакка чиқарди. Бу кулфат устига яна, ишчилар кетидан исправник ҳам келиб қолди; у ишчиларнинг распоясоволиклар ҳисобига ёлланганларини таъкидлади ва, бинобарин, распоясоволиклар бажарилиши керак бўлган қарорни ўз ихтиёрлари билан бажармасалар, ишчилар ҳозироқ ишга тушажакларини уқдириб ўтди.

Распоясоволиклар оғир аҳволда қолдилар. Орзу-хаёллари батамом барбод бўлди; муваффақиятсизликка учраганлари равшан бўлиб қолганидан, улар гангиб қолдилар ҳамда норозилик билдириш, шовқин-сурон солиш, тўполон қилиш ўрнига (исправник ана шундай можаролар бўлишини кутарди), руҳлари тушиб, умидлари узилиб, шумшайиб қоладилар. «Ўлганимиз яхши эди» деган сўз распоясоволикларнинг бирдан-бир истаги бўлиб қолди, «Ўлганимиз яхши эди» деган гап билан улар ўжарликларининг бутунлай беҳудалигига ва ишнинг батамом ютқизиш қўйилганига келтирилган сон-саноксиз далилларга жавоб қайтарардилар.

Аҳолининг умиди узилиб, шумшайиб қолганини, қаршилиқ кўрсата олмаслигини кўриб, ниҳоят исправник:

— Қани, бузинглар!— деб буюрди.

Ишчилар ишга киришдилар.

Распоясоволикларнинг ҳовли-жойларини бузиш уч ҳафта давом этди; томлардан бузиб, титиб ташланган похолдан, бузилган печкалардан кўтарилган чанг қишлоқ устида уч ҳафтагача қора булутдай кўтарилиб турди; уч ҳафта давомида ҳода ва ғўлалар, дераза рамлари, томлардан олинган тахталар, бузиб олинган эшиклар ҳоказо ва ҳоказо ортилган аравалар Распоясоводан ўтиб турди. Чангдан қоп-қора бўлиб кетган исправник, чарчаганидан зўрға оёқларини судраб босарди. Иш шу қадар кўп эдики, унинг овози бутунлай чиқмай қолган эди.

Распоясоволиклар чурқ этмай, бу вайронгарчиликка тош ҳайкалдай қотиб қараб турардилар. Улар ҳақиқатан тошдай қотиб қолган эдилар: ҳеч нима емас, эшитмас ва кўрмасдилар.

— Болангни олсанг-чи, жинни!— деб бақирарди исправник распоясоволик бир аёлга.— Босиб қолади-ку! Вой, тентак-е! Старапил ағдарилаётганини кўрмайсанми ахир?..

Аёл қотиб турибди-ю, ҳеч нима кўрмайди; болани фақат худо ўлимдан сақлаб қолди: старапил боланинг ёнгинасига келиб тушди.

Боланинг устидан ўтиб кетган ғўлани кўрган битта распоясоволик:

— Тавба!— деб қўйди.

Бошқа бир бузилаётган иморат ичидан аёл киши-

нинг юракни эзувчи овози эшитилиб қолди: ҳеч ким жойидан ҳам қўзғалмади; маълум бўлдики, у ерда ҳомиладор бир аёлни тўлғоқ тутиб ётган экан...

— Ҳой, диндошлар!— деб ишчилар распоясоволикларга мурожаат қилди,— печка устида ётган мўйсафидни жойидан олиб қўйишга ёрдамлашинглар! Нега қаққайиб турибсизлар? Жин ургурлар!

Бунга ҳам ҳеч ким жавоб қайтармади: ҳамма «барибир» деб ўйлар, ҳамма тошдай қотиб қолган эди.

Орадан уч ҳафта ўтгач, Распоясовонинг манзараси бундай эди: илгари уйлар, омборлар, саройлар бўлган ерда, томлардан туширилган похоллар сочилиб ётарди; аввалги уйлардан — пойдевор ёнидаги супачалар, ертўлалардан эса — чуқурлар қолган, баъзи жойларда устунлар диккайиб турарди. Мана шу уюлиб ётган похол орасида қаровсиз қолган чорва моллари ўз эгаларини излаб юарди. Шу похол орасида болалар ғимирлаб юар ва уларнинг ота-оналари қишлоқ вайрон бўлган кундан буён ички кўйлакларини ўзгартмай ечинмасдан ётардилар. Улар нима ердилар? Бу саволга жавоб бериш қийин; улар ғалла экмасдилар ва ўриб-йиғиб олмасдилар. Дарё қирғоғида, баъзи жойларда ерўчоқларгина кўзга чалиниб, ўша ўчоқлар атрофида аёллар ғимирлаб юришарди.

Распоясоволиклар янги жойларга кўчиб бормадилар ва аввалгидек, «ўлганимиз яхши эди» деб туриб олгандилар.

Кузги ёғингарчилик бошланди... Распоясоволиклар ўзларига:

— Энди, йигитлар, чиндан ҳам ажалимиз етди! Қани, болалар, жонимизни парвардигорга топширайлик... Улиб кетайлик,— энди дейишарди.

Ҳар ҳолда улар эски жойларини ташлаб кетмадилар. Улар ҳўл похолларда, чуқурларда ва бузилган печлар ва ертўлалар орасида касал болалари билан бирга ётавердилар.

Дарҳақиқат, улар ўла бошладилар...

Ниҳоят, уларнинг ҳаммасини судга бердилар.

IV

«Муддатлар»ни ўтказиб юборган распоясоволикларнинг руҳи жуда тушиб кетди; афтидан улар ҳамма нарсани йўқотган, гап нимадалигини билмас, аҳмоқ, но-

дон эдилар, мана шу ўзининг аҳмоқ подонлигини англаш — распясоволикларнинг табиатида бир-бирига бутунлай нафрат билан қараш ҳисларини юзага келтирди. Улар янги жойларда, худди итдай, бир-бирларини ғажишар, бир-бирларига зарар етказишарди. Ҳар ким ўз подонлиги ва аҳмоқлиги жатига хонавайрон бўлган ва бошқаларни ҳам хонавайрон қилган ғирт аҳмоқни кўришдан нафратланар эди. Ана шунинг учун «ўжарлик қилиш, ижро этмаслик ва ҳоказолар тўғрисидаги» иш тергов қилинган маҳалда улар ҳаммалари бир-бирларини айблаб кўрсатар: Парменни ва биринчи бўлим «ўз жонимиз учун курашайлик», «жонингизни аямай бош кўтаринг, йигитлар» деб қичқирганларни ҳамма «биринчи» бўлиб ўша жонларини тикканларни айбдор қилиб кўрсатдилар...

Ўзининг бардошлик ва қашшоқлигини аҳмоқлик ва бўлмағурлик оқибати деб англаган распясоволик (бу шундай бемаъниликни, уни ҳар вақт ахлат сифатида чиқариб ташлаш мумкин эди), ўз кўнглида мағлубият, бузилиш сезиб, ароқхўрликка, ўғриликка берилиб кетди, у шундай сурбет бўлиб қолдики, ўтиб кетаётган савдогарнинг олдига боради-да:

— Қани, бой ака, чой пули бер! — дерди.

— Нима учун?

— Гаплашганим учун. Нима, бу сенга камлик қилганим? Қани, сариқ қоғоздан бу ёққа чўз-чи!

Распясоволикни ана шундай ниҳоятда қашшоқлик денгизига чўктирай деб турган ахлоқий тушкунлик пайтида, кузак охирида, чунончи, распясоволиклар учун боқимандаларни тўлаш керак бўлган, энг оғир пайтда, бир куни Иван Кузьмич ўзининг бошқарувчиси билан ахшигина ахта от қўшилган кичкинагина аравада келиб қолса бўладими! Улар, афтидан, айланиб юриб, «теварақ-атроф»ни кўздан кечирган бўлсалар керак. Ахта от кўнглидагидек бемалол юриб борар, Иван Кузьмич «ниманинг қанча туришини» лўндагина баҳолаб ўтарди; тез орада савдогарнинг бариндан ҳамма нарсани — чунончи қалин ўрмонни ҳам, дарёларни ҳам, далаларни, хуллас нинасидан ипигача ҳаммасини ижарага олганини билиб қолишди. Тез орада янги распясоволиклар уларни ҳам битта қўймай «ижарага олганини» билиб қолдилар. «Пиёдага бир кечаю-кундузга эллик тийин ва отлиққа бир сўм», «кимки шу баҳога рози бўлиб, ўн

беш чақирим наридаги станциядан паровик¹ келтиришни хоҳласа — борсин».

Иван Кузьмичнинг халққа чиқарган хитобномаси ана шундай эди.

Иван Кузьмичнинг распоясоволиклар муҳитига олиб келган назариясида „киши нархи ярим сўм“ эди. Бунда — бу бизники, бу сизники ҳақида ҳеч бир гап йўқ эди. Қандай бўлмасин «хуқуқлар» тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Масала аниқ: ярим сўмни хоҳлайсанми — ишга бор, хоҳламасанг керагинг йўқ. Мана буларнинг ҳаммаси, ўзининг маънавий қиёфасини йўқотган распоясоволикнинг кўнглига ниҳоятда ёқар эди, унинг маънавий қиёфаси йўқолгандан кейин қўллари, оёқлари, пайлари, қорни бутун қолган эди. Иван Кузьмич эса кунига ярим сўм ва энг муҳими — ароқ бериб, ўзидан талаб қилинганини бажо келтирар эди.

— Олиб келамиз, йигитлар,— дердилар унинг гу-машталари, Распоясово аҳлини ишга чақирарканлар:— ёлғиз *ароқнинг* кучи билан олиб келамиз!

— Худо давлатингизни зиёда қилсин!..— деб бақиршарди распоясоволиклар.

— Ароқ тўғрисида ҳам еманглар: хоҳлаганингча ичавер, ишласанг бўлди.

— Ишларимиз шундай қизиб кетадики!

Дарҳақиқат, тез орада ишлар қизиб кетди.

Оғирлиги минг пуд келадиган мудҳиш нарса, ниҳоят, Москвадан темир йўлда станцияга етиб келди ва Распоясово аҳли қуршовида, нураб, вайрона бўлиб ётган жойларни жонлантириш учун йўлга тушди. У, ўз олдида кўринган жамики бойликларни ва ўз атрофида ғужғон ўйнаб юрган мана шу йиртиқ-ямоқ кийимли кишиларни ютиб юборадигандай, бесўнақай темир оғзини каррақдай очиб келар эди. У аста-секин ва ҳайбат билан олға силжирди. У ўтаётганда эски кўприклар гоҳ қарсилларди, гоҳ қулаб тушарди, гоҳ телаликка чиқаётганда ўрнидан жилмай қоларди. Шунда бу мудҳиш нарса атрофида чарчаб ҳолдан кетган ориқ отларга урилган қамчиларнинг визиллаши, ароқдан эс-хушини йўқотган распоясоволикларнинг бўкиришлари, ичаги узилгудай бўлиб ўкириб хириллашлар, ёмон сўзлар билан сўкиб қичқиришлар, маст-аласт одамларнинг

¹ Буғ кучи билан ишлайдиган машина. (Ред.)

ашулалари эшитилиб турарди; паровик бир амаллаб чуқур жойдан чиқиб олганидан кейин, яна олға силжиди. Отлар ҳам, одамлар ҳам кучларининг борица ҳаракат қилиб, уни ҳайқириб судраб кетаётганларида, бирдан бурилиш вақтида бир томонга қийшайиб кетди-да, ерга қулаб, Егор амакини, Пахом тоғани, Микишкани ҳамда Андриюшкани босиб қолди... Бу мудҳиш қонхўр суд терговчисининг келишини, тергов бошланишини кутиб, шу ерда анчагина ётиб қолди, тўда-тўда распоясоволиклар эса бир неча кун сурункасига пъянисталик қиладилар, бир-бирлари билан сўкишадилар... Мудҳиш нарса яна қўзғалиб, олға силжиган маҳалда, унинг ёнидаги кўпгина кишиларнинг бекор турган вақтда муштлашиб башаралари моматалоқ бўлгани, қон талашиб ётгани кўринади; паровик силжиши билан отлар яна ҳолдан кетади, ҳавода қамчиларнинг визиллаши, маст одамларнинг бўкириши эшитилади.

Ана шу нархи «ярим сўм киши»лар ҳалиги мудҳиш нарсани ҳарқалай, тайинланган жойига, яъни ўрмон ичидаги тезоқар дарё қирғоғигача судраб келтирдилар; айтмоқчи, бу ўрмон энди йўқ эди деса бўлади... Энди «дурадгорларга» айлантирилган распоясоволиклар оммаси саъйи-ҳаракат билан бу ўрмонни саржинга, гўлага, ёғочга айлантириб, шу ҳолга келтирган эдилар. Кесилган дарахтлар гурсиллаб йиқилар, ашула жаранглар, арра, болта товуши ҳамма жойда эшитилиб турар, кечалари бу овозлар тингач, шу ўрмон ёғочидан Иван Кузьмич бино қилган қовоқхона гувиллар, сўкиниш ва муштлашишлардан ларзага келар эди.

— Оғайнилар, бизнинг Кузьмич жа доно одам-да!— деб пўнғилларди, маст бўлиб қолган распоясоволик. Жа зўр!

— Иши жойида, тўғриси айтиш керак, ўзига ҳам фойда қилади, бизларга ҳам ёрдами тегади.

— Қамбағалга нон беради, бутун гап шунда!— деб қўшиб қўяди учинчи бири.

— Ҳар ҳолда, ўлиб қолмаймиз-ку, қани, яна бир стакан қуйчи!

— Гап бундоқ денг! Яна ҳали кўп гаплар бўлади! Айтишларига қараганда, ҳамма жойни портлатиб ташлармиш... Аллақандай ёғоч тош бор эмиш... Тағин қуй!

— Ҳой, йигитлар, ичайлик, ўйнайлик! Пул десанг-

лар, мана... Янги чиқарилган пул. Эскича ҳисоблаганда — икки сўм деган гап... Қани, қуй, қуй, дўстим!

— Йигитлар, мен кампирга ҳам сизлар билан бирга бир стакан ичишга тўғри келадими дейман... Бизда ҳам Кузьмич пулидан бор. Ун беш тийинни ярим сўм деявер. Қалай, мен кампир ҳам сал исиниб олсаммикин?

— Ичавер, кампир! Кузьмичнинг пули кўп!.. Ёғоч тош қазигани борамиз. Ҳаммасини ағдар-тўнтар қилиб ташлаймиз. Қуй!

Дарҳақиқат, ўрмон тугагандан кейин, Иван Кузьмич, тош қазिशга киришди. Ерни чуқур кавлашга, у ердан тошни чиқариб сотишга тушди. Бу ишни у, ўзи қазитган ёрлар ўпирилиб, ўнлаб одамни босиб қолгунча давом қилдирди. Ушанда, бу жойларда, беҳисоб кўп темир борлиги ҳам маълум бўлиб қолди! Иван Кузьмич темирга ҳам киришди. Темирни кавлатар, чиқариб олдирав ва сотар, пулларини эса банкка топшириб, чек дафтарлари оларди.

Иван Кузьмич деярли ҳар йил шаҳарга борганида, у ердан олиб келадиган бу дафтарлар ҳақида биз ана шуларни биламиз. Аммо, уларнинг қанча мол-дунёни ҳазм қилиб юборганини китобхоннинг ўзи ўйлаб кўрсин.

V

...Иван Кузьмич шаҳарда ўз дафтарларининг сўнгисини олган куни кечқурун, ўз истиқомат жойи бўлмиш Распоясово диёрига қайтиб келди. Фабрика деразалари чароғон бўлиб, унга ўрнатилган мудҳиш паровик тутаб, ҳуштак чалгандай овоз чиқариб турар эди. Тегирмон шувиллар, обжувоз ва крахмал заводи тақилларди. Иван Кузьмич ҳамон мол сотиб олар, ҳамон тегирмонда тортар, обжувозда туяр ва сотарди. Фабрикада, заводда минглаб киши ғужғон ўйнарди. Бу ерга бутун Распоясово диёридан — кунига бир сўмдан, ярим сўмдан, йигирма беш тийиндан пул ишлаб олиш учун одамлар йиғилган, ҳатто кичкина ўғил ва қиз болалар ҳам кунига ўн тийиндан пул ишлашлари мумкин эди; улар касалхонадан келтирилган чириган ва қонга буланган доканинг ипини сўкардилар; булар қороз ишлаб чиқарадиган заводга жўнатиларди. Хуллас, ҳамма нарсадан фойдаланиларди, ҳамма нарсанинг ўз баҳоси бор эди.

Иван Кузьмич бу посёлканинг ўрта жойида, деразалари тўрт томонга қараб турган кичкинагина уйда истиқомат қилар, бу деразалардан атрофда қилинаётган ҳамма иш кўриниб турарди.

У уйига кириб келганида, хона яхши иситилган, столда самовар қайнаб турарди; у уйланмаган, аммо оқсочи уддабурон бўлиб, ким билан муомала қилаётганини яхши билар эди.

Иван Кузьмич чой ичгани ўтирди. У уч соатча чой ичиб ўтириб, ўзи йўқ маҳалда нималар бўлганини суриштирди. Бу сафар ҳам ҳамма иш жойида эди...

Чой ичиб бўлганидан кейин Иван Кузьмич ёнбошлаб ётди.

Ҳамма нарсаси тузукдай кўринади-ю, аммо алланиманимани етишмагандай туюларди (буни Иван Кузьмич ҳаммиша сезарди). Бир неча бор, уйлансаммикин деб ўйлади. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрганидан кейин, бу нарсаси — ўтакетган аҳмоқлик, деган хулосага келди... Шунинг учун бу гал ҳам, эски одатига мувофиқ кўнгил очмоқчи бўлди.

— Иван!— деб чақирди у жиддий оҳангда.

Малайи кириб келди.

— Обжувозда нима гап?

— Обжувозда бугун иш чатоқ, Иван Кузьмич.

— Чатоқ деганинг нимаси?

— Бори-йўғи иккита аёл ўтирибди, улар ҳам кампирлар... Аммо тегирмонда биттаси бор.

— Ким экан?

— Андропова — Большие Озёрадан.

— Бўпти, жуда соз...

— Эри бирга келибди...

— Унга яшил қоғоз пулдан чўз!

Малай илжайиб хонадан чиқди-да, тегирмонга жўнади.

Яқиндагина бундай ишларнинг бўлиши мумкин эмасди. Аммо одамзоднинг баҳоси бир сўм, ярим сўм бўлиб қолганидан кейин — ярим сўм ва бир сўм зўр чиқиб қолди!

— Бо-о-р, бора қо-о-л, олпоғим!... Тезроқ бор! Мана бунақа гўдакни ўзинг билан судраб юрсанг, ўшанда қизил рўмоллару, майда кумуш пулларнинг мазаси қа-нақалигини биласан...


Бу гапларни, малай кетидан зипапояга шошилиб чиқаётган аёлга, қўлида ёш боласини кўтарган ва Иван Кузьмич уйи ёнидан ўтиб кетаётган бошқа бир аёл айтиб қолди.

— Вой тентаклар-э, гирт тетнаклар!— деб уҳ тортиб гапирди бола кўтарган аёл.— Битта ўзингни боқолмай-сану, бунинг устига яна болани ҳам судраб юр... У, ахир, ота бўлишни хоҳламайди-ку.

«У» дейилган Иван Кузьмич экани тушунилган бўлса керак. Қўлдаги бола онасининг елкасидан аллақа-ёқларга кўз ташларди.

Унинг истиқболи қандай бўлади?

Ширин хаёл суриб келган деҳқон аёл ўз ўғлига зарҳал кийим-кечаклар ваъда қилган бўлса, фабрикада ишловчи аёл бунақа ваъдалардан ҳеч бирини қилолмайди; чунки у боласининг баҳоси анча вақтгача ўн тийин, сўнгра бир танга бўлишини ва шу тарзда ошиб-ошиб бир сўмгача чиқишини, ундан кейин ҳеч, ҳеч нархи ошмаслигини биларди! Бу аёл ўз бошидан кечиргани учун билади: унинг оладиган арзимас мояnasi овқати-га зўрға-зўрға етади... Хўш, энди у ўз ўғилчасига нима бера олади? Бу ўғилчаси, Иван Кузьмич учун зарур бўлган ўтин қилиш, латта титишдан бошқа нимага ярайди.



МУНДАРИЖА

Роҳатижон (ҳикоя)	3
Всесвятское қишлоғида сайил (очерк)	11
Семёниха (ҳикоя)	21
Тиланчилар (очерк)	35
„Нотаниш киши“ (очерк)	59
Чек дафтари (ҳикоя)	100

Г. И. Успенскийнинг СССР Фаолар Академияси
нашриёти 1952 йилда нашр қилган тўла асарлар
тўпламидан таржима қилинди

На узбекском языке

ГЛЕБ ИВАНОВИЧ УСПЕНСКИЙ

РАССКАЗЫ И ОЧЕРКИ

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1960

МАДЖИД УСМОН таржимаси

Редактор М. Исломов

Рассом П. Воронкин
Техн. редактор Т. Скиба

Расмлар редактори Г. Остапенко
Корректор М. Юсупова

* * *

Босмахонага берилди 1/IX 1960 й. Бёсишга рухсат этилди 22/X 1960 й.
Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 4,0. Шартли босма л. 6,56. Нашр. 6,96. Тиражи 10000.
Индекс худ. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 122/60.

* * *

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган
нашриётининг босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26.
Заказ 1489. 1960 й. Баҳоси 3 с. 80 т. 1961 й. 1 январдан баҳоси 38 т.